

28.57
X-98

ЎСИМЛИКЛАР ФИЗИОЛОГИЯСИ

Ж.Х.ХЎЖАЕВ



28,57
X'-98

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Ж.Х.ХЎЖАЕВ

ЎСИМЛИКЛАР
ФИЗИОЛОГИЯСИ

*Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги томонидан дарслик сифатида тавсия этилган*

IZINGE AL'NDI'-2010

Дарсликда ўсимликлар физиологияси фаннинг ривожланиш тарихи, босқичлари, ҳужайранинг тузилиши, кимёвий таркиби, органицилари, уларда кечадиган ҳаётий жараёнлар аҳамияти, биознергетиканинг асосий тушунчалари, биологик тизимлардаги энергия манбалари, фосфорланиш, донор-акцептор тизими ва биомембраналарнинг роли таҳлил этилган. Фотосинтез моҳияти, нафас олиш жараёнининг аҳамияти, ўсимликларнинг сув режими, уларнинг илтиз орқали озикланиши, жараёнлари, танасидаги зарурий минерал элементларнинг миқдори, уларга бўлган талаб, ўзлаштириш механизми, физиологик аҳамияти, табиий типроқларнинг унумдорлиги, ўнгилаш тизими, усуллари ва мудатлари ҳосил бўлиши, турлари, тузилиши, кимёвий таркиби, физиологик аҳамияти ва бошқалар кўрсатишган. Физиологик фаол сунъий моддалар, ўсимликларнинг тиним ҳолатлари, ҳаракатлари ва уларнинг физиологик асослари талқин этилган. Физиологик жараёнларни тасвирлашда экологик муҳит ва бошқаларга асосланган. Ўзбек тилида тайёрланган ушбу дарсликдан олий ўқув юрғлари биология факультетлари ҳамда кишлоқ хўжалик институтлари талабалари ва академик лицейларининг ўқитувчилари фойдаланишлари мумкин.

Тақрирчилар: И.Х.Хамдамов – биология фанлари доктори, профессор;
М.И.Икромов – Ўзбекистон Республикаси фан арбоби,
биология фанлари доктори, профессор;
С.Отақов – Тошкент Давлат аграр университети доценти.

Х 19060000-5
М359(04)-2004

Эълонсиз, 2004

ISBN 5-8244-1616-8

© «ЎАЖБНТ» Маркази, 2004 й.
© «Меһнат» нашриёти, 2004 й.

КИРИШ

Ўсимликлар физиологияси ўсимликлар танасида содир бўладиган ҳаётий жараёнлар, мураккаб қонуниятлар ва ҳодисалар занжирини ўрганувчи фандир. Фотосинтез, нафас олиш, сув режими ва тириклик асосини ташкил этувчи бошқа ҳаётий кечималарни ўрганиш, таҳлил қилиш ва уларни одам учун фойдали томонга ўзгартириш, яъни юқори ва сифатли ҳосил олиш мазкур фаннинг асосий вазифаси ҳисобланади. Шу маънода ўсимликлар физиологияси агрономия фанларининг назарий асосини ташкил этди. Чунки физиология соҳасида эришилган ҳар бир ютуқ ўсимликшўносликда ҳам янги муваффақиятларга сабаб бўлади. Айниқса, кейинги йилларда бу соҳада эришилган ижобий натижалар: сувдан тежамкорлик билан фойдаланиш мақсадида сўғориш ишларини тартибли йўлга қўйиш, минерал ва органик ўғитлардан самарали фойдаланиш, усш ва ривожланишни бошқариш, ташқи шaroитнинг нуқудай омилларига ўсимликлар чидамлилигини ошириш каби ишларнинг ҳаммаси ўсимликлар физиологиясининг ютуқларига асослангандир.

К.А.Тимирязев ўсимликлар физиологиясининг мақсади ўсимлик танасидаги ҳаётий ҳодисаларни ўрганиш ва тушуниш ҳамда шу йўл билан ўсимлик организм киши хоҳишига қараб ўзгариши, ундаги ҳодисаларни тўхта та олиш ёки аксинча, рўй беришга мажбур қилиш, ҳулас, ўсимликни киши ихтиёрига бўйсундиришдан иборат, деб ёзган эди.

Ўсимликлар физиологиясида асосий иш усули тажрибадир. Физиолог ўсимлик ҳаёти ҳақида старли даражада аниқ ва тўла тасаввур олиш, унга хоc бўлган қарама-қаршилиқларни очиш, уларни ўсимлик танасининг умумий ривожланишида қандай аҳамиятга эга эканлигини аниқлаш мақсадида лаборатория ва дала аҳамияти усулларидан фойдаланади. Ўсимликларнинг ўсиш ва ривожланиш қонуниятларини табиий шарoитда ўрганишда комплекс кузатишлар олиб бориш катта аҳамиятга эга. Чунки ўсимлик ҳаётини табиий омиллар таъсирида тасаввур этиб бўлмайди. К.А.Тимирязев айтганидек, физиолог экспериментал ёки назарий тушунишга эга бўлиш учун ҳаётий ҳодисаларнинг таҳлили билангина қаноатлана олмайди, у организм тарихини ҳам ўрганиши керак.

Ўсимликлар физиологияси ботаника фанлари қаторига кириши билан бирга, хайвонлар физиологияси, биокимё, биофизика, молекуляр биология, микробиология, кимё, физика каби фанлар билан ҳам ҳамбар-чаролиқлар. Уларнинг ютуқларидан фойдаланган ҳолда навбатига уларга таъсир этувчи келинганликларда кимё ва физика фанларининг замонавий усуллари: хроматография, шондонли атомлар спектрон микроскопия,

INVESTAS

1975

Instytut

электрофорез, дифференциал центрифугалаш, спектрофотометрия, рентген-тузилма таҳлили ва бошқалардан фойдаланиш натижасида физиология фанида жуда катта ютуқларга эришилди. Бу усулларни қўллаш тўғрисида ўсимлик ҳужайрасининг мураккаб тузиллиши, ҳужайра органелларининг тузилмаси ва физиология функциялари, ҳужайранинг моддаларни ўзлаштириш ва ажратиб чиқариш жараёнида мембраналарнинг аҳамияти ва бошқалар бирмунча пухта ўрганилди. Айниқса, ўсимликлар танасида қувватнинг тўғлаш ва сарфлаш ҳақидаги тушуنчалар кенгайди. Чунки ёруғликнинг электромагнит энергиясини органик моддалар таркибидagi эркин кимёвий қувватга айлантириш ва тўғлаш яшил ўсимликларнинг энг муҳим таснифий хусусиятидир. Бу хусусияти билан яшил ўсимликлар табиғатдаги барча бошқа тирик организмлардан фарқ қилади ва Ер юзидa ҳаётнинг барқарорлигини таъминлайди. С.П.Костячев (1872-1931) "Агар яшил барг бир неча йилга ишлагани тўхтагача, Ер юзидagi барча жонзот, жумладан, инсоннинг ҳам нобул бўлади", деган эди.

Хозирги вақтда биологиянинг турли соҳалари орасида ўсимликлар физиологияси алоҳида ўрин тутаяди. Янги-янги навлар яратилгача, уларнинг ҳосилдорлигини оширишга, ҳосил сифатини яхшилаш ва сақлашга маъқур фаннинг аҳамияти йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Ўсимликлар физиологияси XVII-XVIII асрларда ва XIX асрнинг бошларида мустақил фан сифатида шаклланди. Дастлаб италиялик олим М.Мал-пиги (1675), инглиз Р.Гук (1665) ўсимликларнинг микроскопик тузилиши ҳақидаги таълимотни яратдилар. 1727 йилда инглиз ботаниги С.Гейлс тажрибаларнинг натижаларини яхунлаб, ўсимликларда икки хил оксимнинг юқоридан пастга қараб оқилишини тасвирлади. Ўсимликларда сувни ҳаракатга келтирувчи куч илдиз босими ва транспирация эканлигини исботлади.

Инглиз Д.Пристли (1771), голландиялик Я.Ингенхауз (1779), швед-царивалик олимлар Ж.Сенебе (1782) ва Т.Соосюр (1804) бир-бирларининг ишларини тўлдириб натижасида ўсимликларда фотосинтез жараёнининг маъжудлигини очдилар. Яъни ёруғликда яшил ўсимликлар қарабонат ангидриднинг ўзлаштириб, утлеродни бирикмаларни тўғлаш хусусиятига эга эканлиги аниқланди.

Ўсимликлар физиологияси тарихида 1800 йил бўрилиш йили ҳисобланади. Чунки шу йили Ж.Сенебеннинг беш томлик "Ўсимликлар физиологияси" китоби чоп этилди ва у ўсимликлар физиологиясининг мустақил фан сифатида тугилиши ва келажакдаги ривожланишига асос солди. Ж.Сенебе "Ўсимликлар физиологияси" атамасини тақлиф этиш билан четгараланиб қолмасдан, бу фаннинг асосий вазибаларини, предмети ва усулларини аниқлаб берди.

Россияда ўсимликлар физиологияси XIX асрнинг иккинчи ярмидан ривожлана бошлади. Унга А.С.Фаминдин (1835-1918) ва К.А.Тимирязев (1848-

1920) асос солдилар. А.С.Фаминдин (1867) Петербург университетидa мустақил ўсимликлар физиологияси кафедрасини ташкил этди ва 1887 йилда ўсимликлар физиологиясидан биринчи ўқув китобини ёзди. Унинг асосий илмий изланишлари фотосинтез ва ўсимликлардаги модда алмашинув жараёнларини аниқлашга қаратилган эди. А.С.Фаминдин тажрибавар натижасида сунъий ёруғликда ҳам қарабонат ангидрид ўзлаштирилиб, қракмак ҳосил бўлишини кўрсатди.

А.С.Фаминдин ўша даврда чор Россияси Фандар академияси тизимидaги ягона ўсимликлар анатомияси ва физиологияси лабораториясининг раҳбари эди. Шу лабораторияда 1892 йилда Д.И.Ивановский вирусларни кашф этди. 1903 йилда эса М.С.Двет ўсимлик пилментлари ва уларга яқин бўлган табиий бирикмаларни ажратиб учун хромотография усулини ишлаб чиқди. Бу усул ёрдамида у хлорофилли биринчи бўлиб хлорофилл "а" ва хлорофилл "б" га ажратди.

Ўсимликлар физиологияси соҳасида Москва мактабининг ташкилотчиси К.А.Тимирязев бўлди. У 1870-1892 йилларда Петров деҳ-Кончилик ва ўрмон академиясининг (hozирги К.А.Тимирязев номидаги Москва қишлоқ ҳўжатик академияси) ва 1878-1911 йилларда Москва университетининг профессор бўлиб ишлаган. Олим янги физик ва кимёвий усулларни қўллаш натижасида фотосинтезнинг муҳим қонуниятларини аниқлашга муваффақ бўлди, хлорофиллнинг физикавий ва кимёвий хоссаларини ўрганишга катта ҳисса қўшди. Фотосинтез ёруғлик жадал-лигига, спектрал таркибига ва куёш ёруғлигининг энергиясига боғлиқ эканлигини аниқ тажрибавар орқали исботлади. К.А.Тимирязевнинг "Ўсимликлар ҳаёти" (1878), "Чарлз Дарвин ва унинг таълимоти" (1883), "Ўсимликлар физиологиясининг юз йиллик натижаси" (1901), "Ўсимликлар физиологияси фаннинг ривожланишида алоҳида аҳамиятга эга.

Ўсимликлар экологик физиологиясида асос солган олимлардан бири Н.А.Максимовлар (1880-1952). У ўзининг шогирдлари (И.И.Туманов, Ф.Д.Сказкин, В.И.Разумов, Б.С.Машков, Л.И.Джалпирязе, В.Г.Александров, И.В.Красовская ва бошқалар) билан биргаликда ўсимликларнинг қишининг ноқулай омиллари таъсирига, қурлоқчиликка чидамлилик физиологияси, ўсиш ва ривожланиш, сунъий ёруғликка ўсиш каби жараёнларнинг назарий асосларини ишлаб чиқди.

XX асрнинг биринчи ярмидан ўсимликлар физиологияси янада тез-тез ривожланди. Мураккаб физиологик жараёнларнинг биокимёвий механизмлари ўрганила бошланди. Жумладан, фотосинтез (М.С.Двет, 1903; Р.Хилл, 1937; М.Калвин, 1948-1956; Р.Эмерсон, 1943-1957; Д.И.Арнон, 1954; М.Д.Хетч ва К.Р.Слек, 1966 ва бошқалар) ва ўсимликларнинг нафас олиши (В.И.Палладин, 1912; С.П.Костячев, 1912-1927; Г.А.К.П.Митчел, 1961-1966 ва бошқалар) ўрганилди. Ўсимликларнинг ўсиш ва ривожланиш жараёнларини янгира қилувчи моддалар — фитогормонлар-

нинг очилиши ва ўрганилиши жуда катта ютуқ бўлди (М.Г. Хоголдини ва Ф.Вент, 1926-1928; Ф.Кетел, 1934-1935; М.Х.Чайлахчи, 1937; Т.Ябута, 1938; С.Скут, 1955; Ф.Эддикотт ва Ф.Уоринг, 1963-1965).

Дастлаб А.С.Фаминшин раҳбарлигида ташкил этилган ўсимликлар анатомияси ва физиологияси (кейинчалик биокимё ва ўсимликлар физиологияси) лабораторияси тарқибиди 1934 йили Москвада ўсимликлар физиологияси институти ташкил этилди. Институтта 1936 йилда К.А.Тимирязев номи берилди ва у ўсимликлар физиологиясини ўрганиш соҳасидати энг йирик ва ягона марказга айланди. Таниқли олимлар А.А.Курсанов, М.Х.Чайлахчи, П.А.Генкел, Ю.В.Рақитин, Р.Г.Бутенко, А.А.Ничипорович, И.И.Туманов, А.Т.Макроносов ва бошқаларнинг илмий фаолиятлари шу институт билан боғлиқ. Хозирги пайтда эса Киев, Минск, Новосибирск, Кишинёв, Душанбе каби шаҳарларда ҳам ўсимликлар физиологияси ва биокимёси институтлари бор. Барча университетларда ўсимликлар физиологияси кафедралари мавжуд.

Ўзбекистонда ўсимликлар физиологияси муствакил фан сифатида 1920 йил Ўрта Осиё давлат университетининг ташкил этилишидан кейин (Тошкентда) ривожлана бошлади. Университетда ўсимликлар физиологияси ва биокимёси кафедраси ташкил этилди.

Кейинчалик Самарқанд давлат университети ташкил этилгандан сўнг ўсимликлар физиологияси ва микробиология кафедраси очилди. Бу кафедралар ҳозир ҳам мавжуд. Улар ўсимликлар физиологияси фанининг ривожланишига катта ҳисса қўймоқдалар.

Ўзбекистон шароитида фитофизиологлар (А.В.Благовещенский, Н.Д. Леонов, В.А.Новиков, В.Шардаков, Н.А.Тодоров, М.Х.Ибрагимов, Н.Н.Назиров, С.С.Абаева, М.А.Белюсова, Х.Х.Енигеев, А.Имомқалиев ва бошқалар) биринчи навбатда, рўза ва бошқа ўсимликларнинг ҳаётини жараёларини кенг ўрганиб, назарий ва амалий муносабатлар чикаришлар. Хозирги вақтда Ўзбекистон ФА тизимидаги илмий текшириш институтлари (экспериментал биология, ботаника), Қишлоқ ҳўжалик Академияси ва бошқа илм даргоҳларида академик-профессорлар тинмай изланиш ишларини олиб бормоқдалар. Умуман, республикамизда ўсимликлар физиологияси фани кенг кўламада ривожланиб бормоқда. Ўзбекистонда фитофизиологлари бирлашмасининг татқис этилиши (1989) ва 1991 йилда Тошкентда Ўзбекистон физиологларининг биринчи съезди ўтказилиши бунга яққол далил бўлди.

Ўзбекистонлик ўсимлик физиологларининг таълифига асосан, съезда муҳожа қилган асосий ҳаётини жараёларини (фотосинтез, минерал озиқланиш ва ҳосилдорлик, липидлар, ўсимликлар иммунитет, шўрликка чидамчилиги, ривожланиш жараёналари ва ташқи шароитнинг нуқулгай омилилари таъсирига чидамчилиги, репродуктив аъзолар физиологияси, физиологик фаол моддалар таъсири ва бошқалар) ўрганиши, қишлоқ ҳўжалик ўсимликларидан энг юқори ҳосил оlishининг назарий асосларини ишлаб чиқиш ўсимликлар физиологияси фани олдида турган энг долзарб вазифалардан биридир.

1 БОБ

ЎСИМЛИК ҲУЖАЙРАСИННИНГ ФИЗИОЛОГИЯСИ

Бугун ўсимликларнинг асосий тузилма бирлигини ҳужайралар ташкил этади. Уларнинг тириклик ҳусусиятлари шу ҳужайраларда белгиланади. Чўнқ модда алмашинуви деб аталувчи ассимиляция ва диссимиляция жараёналари, уларнинг бирлиги фақат ҳужайрадагина содир бўлади. Ана шу иккала жараённинг бирлиги тириклик деб аталувчи материянинг ҳаракат шаклини белгилайди.

Йшил ўсимликлар ҳар хил органлар йиғиндисидан иборат бўлиб, бу органлар ўз навбатида тўқималар ва ҳужайралар бирлашмасидан тузилган. Юқсак тузилишта ета бўлган ҳар бир ўсимлик организмидан мураккаб тизим сифатида бир-бири билан узвий равишда алоқала бўлган органлар ва функциялар йиғиндисидан иборатдир. Бу бирлиكنинг асосини ҳужайралар ташкил этади.

1.1. ҲУЖАЙРАВИЙ ТАЪЛИМОТНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ТАРИХИ

Организмларнинг ҳужайравий тузилиши тўғрисидаги назариянинг яратилиши биология соҳасидаги йирик ютуқлардан биридир. Ҳужайра организмнинг асосий бир тузилма бўлгани эканлиги тўғрисидаги маълумотлар XVII асрда вуждга кела бошлади. Дастлаб 1665 йилда инглиз олими Роберт Гук ўсимликлар тузилишини ўрганиш учун ўзи тақомиллаштирган микроскопдан фойдаланиш ва пўсак туюлишини ўрганиш натижасида биринчи марта ҳужайра атамасини тақлиф этди. XVII асрнинг охирида микроскопни янада тақомиллаштирган голландиялик олим Антон Левенгук ва италиялик олим М.Малпигилар ифлос сув томчиликларни кузатиш натижасида ўсимлик ҳусусиятидаги бир ҳужайравий организмларни биринчи бўлиб кўрдилар.

Ҳужайра тузилишини ўрганган Роберт Броун 1811 йилда ўсимлик ҳужайрасида ядро борлигини аниқлади ва бу ядро барча тирик ҳужайраларнинг зарурий қисми эканлигини тахмин қилди.

Организмларнинг ҳужайравий тузилиши тўғрисидаги таълимотнинг ривожланишида рус ботаник олими П.Ф.Горькийновнинг (1796-1865) ишлари ҳам катта рол ўйнайди. Унинг 1834 йилда ёзган "Табиат тизими" номли асари бу соҳадаги муҳим манба бўлди. Мажкур рисолада у, асосан жонли табиатнинг ҳужайравий тузилиши ҳақидаги таълимотни илгари сурди, барча ҳайвон ва ўсимликлар бир хил қонуннинг асосида, ҳужайралар йиғиндисидан тузилишини кўрсатди.

Хужайра назариясини умумий биологик назария сифатида 1839 йил немис олимлари ботаник Маттиас Шлейден ва зоолог Теодор Шванн янги ва юқори поғонага кўтардилар. 1840 йилда эса чех олими Я. Пуркене биринчи марта протоплазма атамасини таъкиф этди.

Хужайра органолларининг тузилиш хусусиятлари ва уларнинг физиологик функциялари ҳақидаги маълумотлар XX асрнинг бошларидан соқолларнинг кашф этилиши, хужайрани организмдан тирик ҳолда ажратиб олиш ва текшириш, хужайрани фиксация қилиш усулларининг мукамаллаштирилиши сабаб бўлди.

Айниқса, мамлакатимизда ўн минг марта катталаштирувчи электрон микроскопнинг яратилиши (1940 йилда А.А. Делеев раҳбарлигида) хужайра органоллари ва уларнинг ултра тузилмасини ўрта-нишда янги даврни бошлаб берди. Электрон микроскопнинг янги авлоди ва дифференциал центрифугалаш усули физика ҳамда кимё ютуқларидан фойдаланиш ҳақидаги таълимотни янгидан-янги маълумотлар билан бойитмоқда.

1.2. ХУЖАЙРА ТУЗИЛМАСИ ВА ФУНКЦИЯЛАРИ

ХУЖАЙРА МОРФОЛОГИЯСИ. “Хужайра” атамаси юнонча “сўс” — хужайра сўзидан олинган. Ўсимликлар бир хужайрали — прокариотлар ва кўп хужайрали — эукариотларга ажралади.

Бир хужайрали организмларга бактериялар ва кўк-яшил сувўғлар мисол бўлиши мумкин. Бу хужайраларда шаклланган ядро бўлмайди. ДНК молдаси хужайра марказида маълум фазда тўпланган ҳолда жойлашган. Бир хужайрали организмларда метаболик жараянларнинг функциялари шу битта хужайрада бажарилган.


Шаклланган мустақил ядрога эга бўлган кўп хужайрали ўсимликлар эукариот организмлар деб аталади. Кўп хужайрали организмларда ҳар бир тўқимани ташкил этувчи хужайрада молда алмашинув жараянининг маълум бир функциялари бажарилади. Шунинг учун ҳам кўп хужайрали организмлар хужайралар йиғиндисидангина иборат бўлиб қолмай, балки буюн бир организмни ташкил этувчи тўқима ва органлар йиғиндисидан иборатдир. Улар функцияларининг ўзаро боғлиқлиги натижасида умумий метаболик жараян рўёга чиқади.

Ўсимликларнинг хужайралари шакл жиҳатидан икки гуруҳга бўлинади:

1. Паренхима шакли хужайралар — буларга эни бўйидан, асосан фарқ қилмайдиган хужайралар кирди.
2. Прозенхима шакли хужайралар — буларнинг бўйи энидан бир неча баробар узун бўлади.

Хужайраларнинг ҳажми хилма-хил катталикка эга бўлади. Масалан, асосий тўқимани ташкил қилувчи паренхима хужайралари 0, 015-0, 070 мм, хатто бир хил ўсимликларда ҳам ҳар хил бўлади — пахта толаси 65-70 мм, қичтқи ўтининг пўстлоқ толаси 80 мм бўлиши мумкин.

Хужайралар ҳажми, шакли ва бажарадиган функцияларига қараб ҳар хил бўлсалар ҳам, асосан умумий тузилишта эга. Яъни ҳар бир воқта етган хужайрада: пўст, цитоплазма, вакуола, ядро, пластидалар, митохондриялар, рибосомалар, пероксисомалар, эндоплазматик тўр, мембраналар ва бошқалар бўлади (1-чизма).



1-чизма. Ҳоддик хужайрасининг тузилиш шакли.

К С.—хужайра пўсти; П—плазмагема; ПП—плазмолемалар; ПП—пинцито вакуола; Я—ядро; ЯД—ядро; ЯМ—ядро мембранаси; Р—рибосомалар; ХП—хлоропластлар; ПС—пластида; КР—кравхал дончалари; ЭП С.—эндоплазматик тўр; Г А.—Гольжи аппарати; М—митохондрия; ПР—пероксисома; МН—микроничалар; В—вакуола; Т—тонопласт.

ХУЖАЙРА ПУСТИ. Ўсимликларнинг хужайраларида қаттиқ пўстининг бўлиши уларнинг ҳайвон хужайрасидан фарқ қиладиган белгиларидан бири ҳисобланади. Организмда хужайралар бўлиниш йўли билан кўпай-хужайра оралигида жуда юлқа тўсик пайдо бўладиган икки ёшнинг эски пўсти билан қўшилиб кетади. Натижада пайдо бўлган иккала хужайра ҳам қаттиқ пўста ўралиб қолади.

Хужайра пўсти асосан целлюлоза, гемицеллюлоза ва пектин молдаларидан иборат. Қуруқ оғирлигида нисбатан целлюлоза 30 фоизни, гемицеллюлоза 40 фоизни, пектин молдалари 20-25 фоизни ташкил этади. Целлю-

лоза молдалари хар хил узунликка эта бўлган эанжирсимон мишелдалардан тузилган. Хужайра пўсти асосан ичкаридан йўнотилади.

Электрон микросколда олиб борилган текширишларнинг кўрсатишича, хужайра пўсти түрсимон тузилишига эта бўлиб, уч қаватдан иборатдир. Ички бирламчи қават аста-секин йўнотилиши хусусиятига эта. Бунинг натижасида ўрта, иккиламчи қават ҳосил бўлади. Иккиламчи қават эса ўз навбатида S_1 , S_2 ва S_3 қаватларидан иборат бўлади (2-чизма). Ташқи қават учламчи қават дейилади.



2-чизма. Хужайра пўстидинг мушайи шакли:
I—бирламчи қават; II—иккиламчи (ўрта) қават ва унинг S_1 , S_2 , S_3 қатламлари;
III—учламчи (ташқи) қават.


Сўнгги йилларда ўтказилган изланишлар хужайра пўстининг ҳам энзиматик фаол эканлигини кўрсатди. Яъни пўст таркибида инвертаза, фосфотаза, аскарбинатоксидаза ва бошқа ферментларнинг бўлиши унинг метаболитик фаоллигидан далолат беради. Бу ферментлар молдаларни қабул қилиш ва ҳаракатланиш жараёнларида, айниқса, катта рол ўйнайди.

Хужайра пўсти орқали сув ва сувда эритган кичик молекулали моддалар эркин, қаршиликсиз ўтиб, плазмолемма сатҳига боради. Лекин хужайра пўсти таркибида литин, суберин молдалари кўпайгандан ва кутликула қавати қалинлашганидан кейин эритмаларнинг диффузияси чеклана бошлайди.

ХУЖАЙРА МЕМБРАНАСИ. Хужайранинг ташқи муҳит билан бўладиган алмашув муносабатлари ва протопласт ичида руй берадиган ҳеътий жараёнлар маҳсус мембрана тизими орқали амалга ошади. Протопласт ва ундаги органеллар мембрана қавати билан қопланган. Яъни хар бир органелда ҳам протоплазма каби ўзининг мембранаси билан тавсифланади. Ана шу мембранаи ердамида цитоплазмадан ажралиб туради.

Протопластни ташқи томондан ўраб турувчи мембрана (плазмалемма қавати) — хужайра мембранаси деб юритилади. У яримўтказгич хусусия-

тига эта бўлиб, ўзи орқали сувни беамалол ўтказлади. Лекин сувда эритган молдалар учун юқори даражада танлаб ўтказувчи тўсиқ вазифасини бажарди. Айниқса, хар хил ионлар ва молекуларнинг энергетик ва осмотик градиентга нисбатан эркин ҳаракати тўсиқ бўлиб хизмат қилди. Бундан ташқари мембрана энг муҳим метаболитик насос ҳамдир. Яъни хужайра учун зарур бўлган ионларни градиентга қарши фаол ўтказди. Мембрананинг бундай хусусиятлари хужайра учун кераксиз молдаларни ичкарига ўтказмай, фақат зарурларини ўтказишда бекиёс аҳамиятга эта. Демак, мембраналар хужайра метаболизми жараёнининг энг муҳим қисмларидан бири бўлган молдалар оқими ва энергиясини бошқарди: тўсиқлик,



3-чизма. Мембрананинг модалек ва глобулар тузилиши:
А—модалек тузилиш схемаси; Б—глобулар тузилиш схемаси; 1—липидлар кўш қавати; 2—оқсил қавати; 3—гликолипидлар; 4—гликопротеинлар; 5—мембрананинг ташқи юзаси; 6—мембрананинг ички юзаси.

транспорти, осмотик, энергетик, биосинтетик ва бошқалар. Мембрананинг бундай хусусиятлари фақат тирик хужайралардагина содир бўлади.

Мембрананинг асосий қимёвий таркиби жуда мураккаб бўлиб, у асосан липидлар ва оқсиллардан иборат. Липидлар таркибига асосан фосфор, сульффо- ва гликолипидлар кирди. Биомембраналар қатлами 6-10 м.га тенг бўлиб, асосан липидларнинг кўпқават молекуларидан тузилган ва оқсил молекуллари унинг қатламлари орасига жойлашган. Мембрананинг элементар тузилишини Котти модели асосида кўрсатиш мумкин (3-чизма). Бу модельга кўра, мембрана ҳажми толар липидларнинг кўш қават молекуллари билан тузилган ва оқсил молекуллари унинг қатламлари орасига жойлашган.

Мембраналарнинг шаклланишида асосий ролни гидрофоб боғлар ўйнайди: липид-липид, липид-оқсил, оқсил-оқсил. Жумладан, мембра-

на таркибига тузилмавий оксил, ферментлар, насослар, ташувчилар, ион каналлари вазифаларини бажарувчи оксиллар ҳам кирadi. Натри- жада липидлар билан доимий алоқада бўлиб, гидрофоб бо- ларни ҳосил қилади. Мембрана оксиллари ўртасида шакарларни, ами- нокислоталарни ташувчи оксиллар борлиги ҳам аниқланган. Бу вазифани, асосан махсус ферментлар бажарadi. Мембрана таркибида оксиллардан ташқари айрим мураккаб углеводлар ва нуклеин кислоталари ҳам бор. Унда жуда юқори даражада сезувчи тизим (рецепторлар) ҳам жойлашган. Бу тизим орқали тирик ҳужайра та- шқи шароит билан муносабатда бўлади. Ана шу тизим орқали ҳужай- ра органоллари ҳам функционал алоқада бўлади. Мембрананинг энг муҳим вазифаларидан яна бири — ҳужайра протоплазмасида бўладиган кўплаб жараёнларни бошқариш ва умумлаштиришидир.

Умуман, мембрана протоплазма ва органолларни фақат ўраб ва ажратиб турувчи қават бўлибгина қолмай, муҳим метаболитик вази- фаларни ҳам бажарadi.

ЯДРО. Ядро ўсимлик ҳужайрасининг энг муҳим органолларидан биридир. Думалоқ ёки овал шаклида ва баъзи ҳолларда эса дуқсимон, нисмон бўлиши мумкин. Ўсимлик ҳужайраси ядросининг ўлчами ўрта- ча 10 мкм атрофида бўлади. Кўпчилик ўсимликлар ҳужайрасида ядро битта бўлади. Ядро мембрана қавати билан ўраб олинadi ва унинг ичида 1-8 донгача ядрочалар бўлади. Протоплазмалар эндоплазматик тўр ёр- дамида ядро мембранаси ҳужайрадаги барча органоллар мембранаси билан туташган бўлади. Бунинг натижасида эса протоплазманинг ум- мий метаболитик функцияси тавсифланadi.


Ядронинг асосий вазифаси шундаки, у ҳужайра, тўқима, орган ва бутун ўсимлик учун зарур бўлган барча физиологик, биокимёвий жа- раёнларни бошқариб туради ва ахборот маркази саналади. Ядро тасни- фий оксилларни синтез қилиш ва ирсий белгиларни сақлаб, авлоддан- авлодга бериш дастури билан тавсифланади. Бу муҳим вазифанинг ба- жарилишида ядродаги ДНК асосий рол ўйнайди. Ядро асосини нук- леоплазма ташкил қилиб, унинг таркиби, асосан оксиллар — ДНК (14 фонз) ва РНК (12 фонз) дан иборат. Ядрода булардан ташқари яна липидлар, сув, калсий, магний ва бир қанча микроэлементлар мав- жудлиги аниқланган.

ЯДРОЧА. Ядроча ядронинг доимий йўлашни бўлиб, ёруғлик ва элек- трон микроскопларда жуда аниқ кўринади. Унинг сони, ўлчами ва шак- ли ўсимликларнинг турлари учун доимийдир. Ядроча ДНКнинг маълум қисмларида шаклланади ва мембрана қавати билан ўралмаганлиги учун унинг чегралари аниқ кўринмайди. Таркибиде сув камроқ бўлиб, 80 фонз оксил ва 15 фонз атрофида РНК бўлади. Ядрочада РНКнинг мик- дори цитоплазма ва ядродаги нисбатан кўпроқ бўлади, чунки ядроча

РНКни тақсимловчи асосий марказ саналади. Ядроча оксил синтезида 1 рибосомалар ҳосил бўлишида иштирок этади.

Умуман, ядроча ҳужайрадаги генетик маълумот сақланадиган асоси марказ саналади.

ЭНДОПЛАЗМАТИК ТўР. Мазкур атамани 1945 йил Портер жори қилган. Эндоплазматик тўр каналчалар, гуфакчалар ва цистерналарни ўзаро туташтигидан иборат мураккаб шохланган тўр тизими эканлиги аниқланган. Бу цитоплазмада кенг тарқалган ва мураккаб мембран тузилмаси бўлиб, асосан жуфт мембронали каналлар тизимини ташкил этади. Мембрананинг қалинлиги 5-7 нм атрофида, каналларнинг ичк диаметри 30-50 м.гача. Эндоплазматик тўр каналларнинг ичи суяқлик би-



4-чизма. Плазмолемаларнинг электрон микроскопик тўзилми

Свенсон (Робертс, 1968).

ПС — марказий най; ДТ — десмондайчалар; ЭР — эндоплазматик тўр; ПП — плазмолемма; ПЛ — плазмолемма найларидиги плазмолемма; ВП — плазмолеммаларнинг ички томони; КС — ҳужайра пусти.

дан тўла. Эндоплазматик тўр мембранасининг юзаси сийлик ёки гранулар (бўртмачали) бўлади. Силлиқ мембранادا, асосан углеводлар, липидлар ва терпеноидлар ҳосил бўлади. Гранулар мембранادا эса оксиллар, фер- ментлар ва бошқалар синтез қилинади. Эндоплазматик тўр мембранаси- нинг айрим жойларида рибосомалар ҳам жойлашган. Улар оксилларнинг синтез жараёнини таъминлайди.

Эндоплазматик тўр каналлари ядро мембраналари, плазмолемма би- дан ҳам туташган бўлади. Натрижада у протоплазма ичидаги моддалар- нинг ҳаракатини ва тақсимланшини таъминлайди.

Ҳар бир ҳужайранинг эндоплазматик тўрлари (плазмолемма ичи ор- қали) бошқа ҳужайраларники билан ҳам туташади ва натижада умумий модда алмашув тизими вужудга келади (4-чизма).


РИБСОМАЛАР. Рибосомалар эндоплазматик тўрда жойлашган энг кичик органоллардир. Улар 1955 йида Паладе томонидан очилган. Рибосомалар электрон микроскопта олинган чизмаларда думалоқ шаклда кўриниб, диаметри 20-30 м.га тенг. Рибосомаларнинг ҳар бири иккитадан қатта ва кичик бўлачаклардан тузилган. Каттасининг диаметри 12-15 нм, кичикники эса 8-12 нм га тенг. Рибосома бўлаклари ядрочада синтез

бўлади ва цитоплазмага ўтади. Цитоплазмада эса матрикс РНК молекула-сида рибосомалар шаклланади. Рибосомалар цитоплазмада эркин ёки эндоплазматик тўр мембранасига туташган бўлади.

Рибосомалар хужайрадаги ҳамма РНКнинг 65 фоизи жойлашган, оксил ланади. Уларда хужайрадаги ҳамма РНКнинг 65 фоизи жойлашган, оксил 50-57 фоиз, липидлар 3-4 фоиз атрофида.

Кейинги йилларда аниқланишича, рибосомалар фақат протоплазма-да бўлмай, балки ядро, пластидалар ва митохондрияларда ҳам мавжуд, специфик оксил синтез қилиш қобилиятига эга.

ГОЛЖИ АППАРАТИ. Эндоплазматик тўрнинг маълум қисмла-рида жойлашган туфакчалли қатламлар Голжи аппарати дейилади. Улар эндоплазматик тўрдан ўзилиб чиқиб кетадиган туфакчаларнинг ўзаро қўшилиши ва ўзгаришларидан юзага келади. Турли диск, таёқча ва бошқа шаклларда бўлиб, ҳар түпламда бир нечтадан жойлашган (5-чизма). Мембранасининг қалинлиги 7-8 м.га тенг. Ҳар бир ўсимлик хужайрасида бир нечтадан то юзтагача Голжи аппарати бўлиши мум-



5-чизма. Голжи аппаратининг шаклий тасвири.
1—дистал ёки секрет чиқари- ган қисми; 2—асосий плазма қатлами; 3—порагалар; 4—нукле- опротейидлар; 5—шаклланувчи қисми; 6—рибосомалар.


кин. Голжи аппаратининг мембранаси эндоплазматик тўр ва плазма-лемма мембраналарини туташтирувчилик вазифасини бажаради. Улар метаболитик жараёнда, яъни айрим моддаларнинг синтез қилиниши, хужайра пўсти, вакуола ширасининг ҳосил бўлишида ва хужайра учун кераксиз (шилимшик) моддаларнинг хужайрадан чиқариб ташлани-шида иштирок этадилар.

ПЛАСТИДАЛАР. Ўсимлик хужайралари пластидаларнинг бўлиши билан ҳайвон хужайраларидан фарқ қилади. Пластида—юнонча “пласти-кос” сўзидан олинган бўлиб, шаклланган деган маънони аниглайди.

Цитоплазмада пластидалар ўзларининг қўшқават мембраналари би-лан ажралиб турадилар. Улар думалоқ ёки овал шаклда. Юксак ўсим-ликларнинг барг хужайраларида 20-50 донатача учрайди. Пластидалар рангсиз (протопластлар, лейкопластлар) ёки рангли (хлоропластлар, хромопластлар) бўлади.

Ўсимлик хужайрасида уч хил пластидалар мавжуд: хромопластлар ва лейкопластлар.

Хлоропластлар — асосан яшил рангда (юнонча “хлор” — яшил деганидан олинган). Таркибида хлорофилл ва каротинoidлардан иборат пигментлар бор. Мазкур органиoidнинг асосий вазифаси цитоплазмадан унда фотосинтез жараёни содир бўлади. Шу сабабли у фотосинтез ҳам дейилади (фотосинтез бўлимида буни кентрoқ кўради).
Хромопластлар — (юнонча “хрома” — ранг сўзи) цитоплазмада қизил ва кўнғир рангларда бўлиши мумкин. Улар ўсимлик хужайрасида эсти ва ер ости органларида, ўсимлик гуллари ва мева хужайрасида мавжуд.



6-чизма. Митохондриянинг шаклий тасвири.

протоплазмасида учрайди. Хромопластларда каротинoidлар кирувчи пигментлар (каротин — $C_{40}H_{56}O_2$, лютин — $C_{40}H_{56}O_2$, тин — $C_{40}H_{56}O_4$) бўлади. Улар гултож баргларида, айрим (апелсин пўстлоғида, наъматак, тарвуз, помидор, сарғай ва б.ш.) учрайди. Хромопластларнинг шакли жуда хилма-хил бўлиши мумкин. Хромопластларнинг шакли жуда хилма-хил бўлиши мумкин. Хромопластларнинг шакли жуда хилма-хил бўлиши мумкин. Хромопластларнинг шакли жуда хилма-хил бўлиши мумкин.


Гулларнинг хромопластлар туфайли турли рангда бўлиши мумкин. Хромопластларнинг шакли жуда хилма-хил бўлиши мумкин. Хромопластларнинг шакли жуда хилма-хил бўлиши мумкин. Хромопластларнинг шакли жуда хилма-хил бўлиши мумкин.

МИТОХОНДРИЯЛАР. Митохондриялар хужайра протоплазмасида жойлашган органелилар. Улар асосан эндоплазматик тўрдан шаклланади. Ўсимлик хужайрасида улар думалоқ, гантелсимон шаклида бўлади.

диаметри 0,4-0,5 мкм ва узунлиги 1-5 мкм га тенг. Ҳар бир хужайрада бир неча ўнтакдан то икки минггача учрайди. Митохондриялар қалинлиги 5-6 нм га тенг ташқи ва ички мембраналарга эга (6-чи-зама). Ички мембранаси қават-қават бўлиб жойлашган ва кристаллар деб аталади.

Модда алмашинув жараёнида роли жузла катта. Улар нафас олиш маркази, АТФларни ҳосил қилувчи органонид бўлганлиги учун энергия манбаи ҳисобланади. Энергиянинг ҳосил бўлишида ва кўчирилишида таркибидagi ферментлар (сўқшин-оксидаза, цитохромоксидаза) асосий рол ўйнайди.

7-чи-зама. Хужайра мембрана тўқилмалари органонидagi антропогенетик дунюсабат:
1-ядро нўсти; 2-эндоплазматик тўр; 3-рибосомалар; 4-инициал таянчалар; 5-митохондрия; 6-пластид; 7-сферосома; 8-Гольжи аппарати; 9-вакуола; 10-плазматомма; 11-плазмолемма; 12-хужайра нўсти.



1961 йилда Грин ўсимлик хужайраларидаги митохондриялар ҳар 5-10 кунда янгилашиб туришини аниқлаган. Митохондриялар ДНК, РНК ва рибосомадагига эга бўлиб, ўзлари мустақил оксил синтез қилиш қобилиятига эга.

Кейинги йиллардаги текширишлар натижасида митохондрига ва пластидлар бир-бири билан генетик боғлиқ эканлиги аниқланди. Яъни хужайра ядросининг иккада мембранаси иштирокида қаварик бўртмалар ҳосил бўлади. Ядро мембранадан узилги чиққан пуфакчалар инициал таначалар деб аталади. Улар ривожланиб митохондрия ва хлоропластларга айланади (7-чи-зама).

ЛИЗОСОМАЛАР. Лизосомалар ҳажми жиҳатидан митохондриларга тенг, лекин солиштирма оғирлиги улардан кам бўлган органонидлардир. Улар асосан нордон ферментлар манбаи бўлиб ҳисобланади. Бу ферментлар қаторига нордон рибонуклеаза, нордон дезоксирибонуклеаза ва катепинлар кирadi. Айниқса, оксилларни, нуклеин кислоталарини, глюко-

козидларни гидролиз қилишда иштирок этувчи ферментлар тўпланган. Бу ферментлар хужайрадаги турли моддаларни сув ёрдамида парчалай олиши сабабли уларга лизосомалар деб ном берилган. Булар бarcha тирик хужайрада учун унберсаи органонид ҳисобланади. Улар хужайрадаги сузга моддаларни ҳам қилувчи орган сифатида ҳам қаралади. Лизосома ичида борадиган ҳам жараёни натижасида ҳосил бўлган аминокислоталар, нуклеотидлар лизосомалар мембранаси орқали диффузия қилиниб, цитоплазмага чиқadi. Бу моддалар хужайранинг нафас олиш жараёнида ёки макромолекуларнинг биосинтезида қатнашади.

ПЕРОКСИСОМАЛАР. Протоплазмадаги сўнгги йилларда аниқланган жузла кичик органонидлардан бири пероксисомадир. Пероксисома атамаси биринчи марта 1965 йилда хайвон хужайрасини ўрганиш натижасида Дев Дюв томонидан тақриф этилган эди. Буларнинг ўсимлик хужайрасида ҳам борлиги 1968 йилда Толберт томонидан аниқланган.

Пероксисома ҳажми жиҳатидан митохондриларга яқин туради. Ўсимликларда асосан думалоқ шаклда бўлиб, диаметри 0,2-1,5 мкм. Улар мембрана қавати билан ўралган, митохондриялардан кичикроқ ва кристаллари йўқ. Пероксисомадагига ёруғликда нафас олиш (фотодыхание) ферментлари кўпроқ. Шунинг учун ҳам улар барглarda кўп бўлади ва хлоропластлар билан доимий алмака қилади. Айрим олимларнинг фикрича, пероксисомалар эндоплазматик тўр мембранаси селтўлида юзга келди ва ундан ажралиб чиқadi.

ГЛИОКСИСОМАЛАР. Глиоксисомалар ҳам пероксисомалар гурўҳига кирadi. Бу органонидлар унаётган уруғ хужайраларида ҳосил бўлади. Уларда асосан ет кислоталарини ўзгартириб, шакар ҳосил қилишда иштирок этувчи ферментлар кўпроқ тўпланади. Улар ҳажми жиҳатидан пероксисомаларга тенг ва эндоплазматик тўр билан боғлиқ.

СФЕРОСОМАЛАР. Бу органонидларни 1880 йилда Ганштейн кашф этган ва "микросома" деб ном берган. Кейинчалик шаклига қараб, сферосома деб коритилиш бошланди. Шакли думалоқ, ёруғликни кучли сингдириш қобилиятиги, диаметри 0,5-1 мкм. Эндоплазматик тўрдан ҳосил бўлади ва ажралиб чиқadi. Танасида липидлар кўп. Шунинг учун улар липид томчилари ҳам дейилади. Сферосомадагига ферментлардан липаза, эстераза, протеаза, нордон фосфатаза, РНКаз, ДНКаз топилган. Уларда асосан фермент липаза кўп бўлганлиги ёлларнинг кўпроқ синтез қилиниши ва тўпланишига шароит яратиб беради. Бакаралган функцибилари лизосомаларникига ҳам ўхшаб кетади.

МИКРОНАЙЧАЛАР. Хужайра цитоплазмасининг ташқи қатламида найчасимон органонидлар жойлашган. Уларнинг узунлиги 20-30 нм. Деворининг қалинлиги 5-14 нм. Микронайчалар ўсимликлар ва хайвон хужайраларда каважуи органонидлар. Уларнинг қатлами мембранадан иборат бўлиб, каважуи органонидларнинг ёларал жойлинишидан тўзлиган. Хужайрадаги цитоплазманиннг ҳаракати микронайчалар билан

12600 17
 1878
 20

бoлeтик дeб тyшyнтирилaди, чyнки yлaр цитoплaзмaнинг хapaкaтини вyжyдгa кeлтирaдигaн aлмaшyв жapaфeнидa иштирoк eтaдилaр.

BAKYOЛAДAP — yсимлик хyжaйрaсининг тирик oрганoидлaр. Yсимлик хyжaйрaларининг прoтoплaзмaси тaржибидa жyдa кyп сyв бyлиши билaн хaйвoн хyжaйрaсидaн фaрк кyлaди. Шyнинг yчyн хaм yсимлик хyжaйрaсидa вaкyoлa тyзими яхши тapaккijй eтгaн.

Eш хyжaйрaлaрдa вaкyoлa yрнигa эндoплaзмaтик тyр кaнaллaридa жoйлaштaн пyфaкчaлaр бyлaди. Хyжaйрaнинг вoягa eтиш жapaфeнидa бy пyфaкчaлaр бир-бири билaн кyшилгeб йириклaшa бoшлaйдилa вa эндoплaзмaтик тyрдaн ажрaлиб, хyжaйрa мaркaзидaги йирик вa ягoнa вaкyoлaгa aйлaнaди. Уни yрaб тyргaн мeмбpaнa эндoплaзмaтик тyр тoнoллaст, вaкyoлaни тyлaтиб тyргaн сyюклик хyжaйрa ширaси дeйилaди. Вoягa eтгaн хyжaйрaларнинг мaркaзидa ягoнa вaкyoлa хoсил бyлиб, yнинг хaжми yмyмий хyжaйрa хaжмининг 90 фoизигaчa eтиши мyмкин. Хyжaйрa ширaсининг 96-98 фoизи сyвдaн ибoрaт бyлиб, yнинг тaржибидa мoддa aлмaшиниш жapaфeнидa ажрaлиб чиккaн oргaник кислoтaлaр, oксиллaр, aминoкислoтaлaр, yглeвoдлaр, aлкaлoидлaр, гликoзидлaр, oшлoвyчи мoддaлaр, хaр хиг тyзлaр, эфир мoйлaри, пигмeнтлaр вa бoшкaлaр бyлaди. Бy мoддaларнинг вaкyoлaдa тyрлaнa бoриши хyжaйрa ширaсининг хaм кoнцeнтрaциoсини oширa бoрaди. Хyжaйрa ширaси aзoтдa нoрдoн рeaкциyтa eгa сyюкликдир. Кyпчilik хoллaрдa рН 5, 0-6, 5, лимoндa — 2, бeтoниv yсимлигидa — 1 aтpoфидa бyлaди. Айрим хoллaрдa eсa кyчeсиз ишкoрий рeaкциyтa хaм eгa бyлиши мyмкин (oшкoвoк, бoдринг, кoвyн).


Вaкyoлaларнинг aсoсий биoлoгик рoли шyндaки, yлaр yзлaридa тyплaтaн кoнцeнтрaциyвдa хyжaйрa ширaси хисoбигa oсмoтик хyсyсиятлaргa eгa бyлaди. Бyнинг нaтижaсидa eсa хyжaйрaнинг сyриш кyчи, тyрoр бoсимини вa сyв рeжимини бoшкaрилaди. Тирик yсимликлaрдa eсa сyвнинг вa минeрaл элeмeнтлaрининг кaбyл килиниши, хapaкaти вa тaксимлaни-шини илoрa килaди. Хyжaйрaдaги мoддa aлмaшyвдaн хoсил бyлгaн чи-киндил мaхсyлoтлaр хaм (aлкaлoидлaр, пoлифeнoллaр, cтeрoид вa бoш-кaлaр) шy вaкyoлaлaрдa тyплaнaдилaр. Yсимликлaрдa хoсил бyлгaн yглe-вoдлaр вa oксил мoддaлaри хaм хyжaйрa ширaсидa зaxиpa xoлдa тyплa-нaди. Умyмaн yсимликларнинг тyритa, хyжaйрa, тyкимa eки oргaнлaри-тa кapaб хyжaйрa ширaси yзлaриб тyрaди.

ПPOТOПЛAЗMА Прoтoплaзмa хyжaйрa ичидaги цитoплaзмa вa oрганoидлaр билaн биргaликдa бир бyтyнни тaшкил eтиб, yндa мcтaбo-литик жapaфeнининг мyрaккaб рeaкциyлaри сoдир бyлaди.

Цитoплaзмa прoтoплaзмaнинг aсoсий кисмини тaшкил eтyвчи сy-кyкликдир. Бoшкa oрганoидлaр aсoсaн цитoплaзмa ичидa жoйлaшaди. Уларнинг хoсил бyлиши, ривoжлaниши вa yзлaрининг фyнкциoнaл вa-зифaларини бажaришлaри yчyн фaкaт цитoплaзмa ичидaги oттимaл шaрoит бyлaди. Yсимлик хyжaйрaсини тyлдириб тyргaн цитoплaзмa yч кaвaтдaн ибoрaтдир. Сирт тoмoндaн хyжaйрa дeвoридa eпишиб, тyрyвчи

кaвaти—плaзмoлeммa, яъни тaшкi мeмбpaнa дeйилaди. Ички кaвaти вa-кyoлaдaн чeтaрaдaниб тyрaди вa y тoнoплaст eки ички мeмбpaнaни тaш-кил eтaди. Цитoплaзмaнинг yртa кaвaти мeзoплaзмa дeйилaди. Хyжaйрaнинг мeтaбoлитик жapaфeнидa иштирoк eтyвчи бaрчa oрганoидлaр цитoплaзмa-нинг мeзoплaзмa кaвeтидa жoйлaштaн бyлaди.

Цитoплaзмa шилгимшик, рaнгсиз, тиниқ вa ярим сyюк xoлaтдaги мoддa. Сoлгитирмa oнрлиги бирдaн юкoри бyлиб, 1,025-1,055 гa тeнг бyлaди. Ерулгикни сингдириш кoбилити хaм сyвдaн юкoридир. У мaхсyс тyзилмaвий тyзилиштa, яъни кoвyшкoқлик вa элaстиклик хyсyсиятлaригa хaм eгa.



8-чизмa. Эндoдa бaрeшининг хyжaйрaлaридa цитoплaзмaнинг айaкчaвa хaржeлиги.
1—хyжaйрa пyсти; 2—цитoплaзмa; 3—xлoрoплaстлaр; 4—кpexчaлини йoшлa бyлгaн xлoрoплaстлaр.

Прoтoплaзмaнинг кимeвий тaржиби жyдa мyрaккaб бyлиб, oргaник вa aнoргaник бирикмaлaрдaн ибoрaт. Улaр кoллoид вa эригaн хoлдa бyлaди.

Кaрaм бaрти мисoлидa хyжaйрa цитoплaзмaсининг кимeвий тaржи-бинини хyйидaгичa кyрeвaтиш мyмкин: oксиллaр — 63-64 фoиз, eглaр — 20-21 фoиз, yглeвoдлaр — 9-10 фoиз вa минeрaл мoддaлaр 6-7 фoиз. Тирик хyжaйрa прoтoплaзмaсини 80 фoизгaчa сyв тaшкил eтaди. Урy-лaрдa eсa 10-11 фoиз бyлиши мyмкин. Умyмaн прoтoплaзмaнинг кyпчi-лик кисми сyв, кoлтaн кисминини кyрyк мoддaлaр тaшкил eтaди. Кyрyк мoддaларнинг eсa aсoсий кисминини oксиллaр тaшкил килaди.

ЦИТОПЛАЗМАНИНГ ХАРАКАТИ. Тирик ҳужайра ичидаги цитоплазманинг доим айланма ва оқимсимон ҳаракат қилиб туриши унинг муҳим хусусиятларидан биридир. Одатда протоплазманинг ҳаммаси ҳам бунда иштирок этмайди. Ҳужайранинг пўстига тақалиб турадиган қисми — плазмолемма ва тонопласт тинч туради. Протоплазмалатни органониллар эса цитоплазмага қўшилиб пассив ҳаракатланади. Цитоплазманинг ҳаракат тегилигини органонилларнинг ҳаракатини кузатиш ва ўлчаш йўли билан аниқлаш мумкин.

Айланма (ротацион) ҳаракат одатда протоплазмаи ҳужайра пўстига яқин жойлашган, ўрта қисми эса катта вакуола билан банд бўлган ҳужайраларда кузатилади. Протоплазма пўе ҳужайранинг маркази апрофида айлангандай бир томонга қараб ҳаракатланади. Бунга сув ўсимликлари — элоден ёки валиснериянинг ҳужайраларида кўриш мумкин (8-низама).

Оқимсимон (циркуляцион) шаклида протоплазма ҳаракати талайгина ингичка оқимлар ҳолида ҳар томонга йўналган бўлади. Вақти-вақти билан ҳар бир оқим ўз йўналишини ўзгартириб, тескари томонга оқади. Қарама-қарши оқимлар ёнма-ён бўлади. Ҳужайраларнинг марказий қисмидаги оқимлар ҳам ўз жойларини ўзгартириб туради. Бунга традес-канциянинг чанг ишлари туқларида, ошқовоқнинг ёш шохларидаги туқларида ҳам кўриш мумкин.

Протоплазманинг ҳаракати бирламчи ва иккиламчи бўлиши мумкин. Зарарланмаган ва меъърий шароитдаги табиий ҳаракат бирламчи ҳаракат дейилади. Иккиламчи ҳаракат тинч турган протоплазмага ташқи таъсир, яъни ёдош ҳужайраларнинг зарарланиши (кесил, жароҳатланиш), ҳарорат, ёруғлик, кимёвий моддалар, электр токи ва бошқаларнинг таъсири натижасида тезлашади. Таъсир кучи бўлганда ҳаракатни тўхтатиш ҳам мумкин.

Цитоплазма ҳаракати натижасида протоплазма ва органониллар озуқа моддалар, крислород, сув ва минерал моддалар билан тўри таъминланади. Протоплазмадаги органониллар ҳам пассив ҳаракат натижасида ўзларининг функционал вазифаларини яхшироқ бажараядилар.

ПРОТОПЛАЗМАНИНГ КОВУШҚОҚЛИГИ ВА ЭЛАСТИКЛИГИ.

Ковушқоқлик ҳужайра ҳаётидаги энг муҳим хусусиятлардан бири. У ҳужайранинг ҳаётийлигини ва биоқимёвий фаоллигини белгилайди. Ковушқоқлик деб эритманинг шу эритмалати заррачаларнинг ўзаро ардалашига тўқинлик қилиш қобилиятига айтилади (молекулалар, ионлар ва бошқалар). Ковушқоқлик протоплазманинг тузилмавий ҳолатини ва бу тузилмани тузувчи коллоид зарраларнинг ўзаро тортишув кучини белгилайди. Ўсимлик ҳужайралари протоплазмасининг ковушқоқлик даражаси уларнинг турларига ва навларига қараб ҳар хил бўлади ва ҳаётий жараёнида (жумладан, модда алмашинуви, ҳароратнинг кўтарилиши ёки пасайиши) ўзгариб туради. Ўсимликларнинг экологик турруҳларида ҳам ковушқоқлик ҳар хил даражада, масалан, Хуртоқчилик шароитига мослашган ўсимликларда мезофитларга нисбатан анча юқори, сув ўсимликларида эса аксинча анча паст бўлади.

Эластиклик ҳам протоплазманинг энг муҳим хусусиятларидан биридир. Эластиклик деб зарарланмаган тирик протоплазманинг шакли ўзгарилиганда у аввалги ҳолатига қайтиш хусусиятига айтилади. Плазманинг эластиклигини унинг жуда ингичка тола ҳолатигача узилмасдан чўзила олиш хусусиятида ҳам кўриш мумкин. Бу протоплазманинг майлм тузилмадан иборат эканлигидан далолат беради. Протоплазманинг сув билан ардалашмаслиги сабабли уни тоза сувоқлик деб бўлмайдди.

1.3. ҲУЖАЙРАНИНГ КИМЁВИЙ ТАРКИБИ

Ўсимлик ҳужайрасининг кимёвий таркиби жуда мураккаб бўлиб, органик ва аорганик бирикмалардан иборат. Улар ҳужайрада коллоид ва эритган ҳолда бўлади. Бу уларда тинимсиз бораялган модда алмашинуви натижасидир. Метаболитик жараён натижасида ўсимликлар ўзини ўраб турган ташқи шароит билан майлм муносабатда бўлади ва даврий тизимда учрайдиган элементларнинг кўпчилигини қабул қилиб олади. Маъкур элементлар ўзлаштирилиши натижасида ҳужайранинг органик ва минерал таркиби ҳосил бўлади. Шу элементлардан 19 таси тириклик жарёенининг асосини ташкил этади. Буларнинг 16 таси (фосфор, азот, калий, кальций, отини, гурт, магний, темир, марганец, мис, рўх, молибден, бор, хлор, натрий, кремний, кобальт) минерал элементлар турруҳига киреди. Қолганлари (С, Н, О) СО₂, О₂ ва Н₂О ҳолида қабул қилинади.

Ҳужайра таркибидаги 4 та элемент — С, Н, О, N органогенлар дейилади ва умумий миқдорининг 96 фоизини ташкил этади. Яъни ҳужайранинг қуруқ оғирлигига нисбатан углевод — 45 фоизи, кислород — 42 фоизи, водород — 6,5 фоизи ва азот — 1,5 фоизи. Қолган ҳамма элементлар 5 фоизга тўри келади. Ўсимлик танасида учрайдиган кўпчилик элементларнинг роли яхши ўрганилган.

Умуман, ўсимлик ҳужайрасининг ўртача 80-85 фоизини сув ва қуруқ модданинг оғирлигига нисбатан 95-96 фоизини органик моддалар ташкил этади.

ОҚСИЛЛАР. Ўсимликлар ҳужайрасининг таркибий қисмини ташкил қилувчи органик моддаларнинг бири оқсиллардир. Улар протейинлар ҳам дейилади. Бу кюнонча "протос" — бирламчи, муҳим демаклар. Оқсиллар бевосита цитоплазма, ядро плазмасида, пластидалар стромаида ва бошқа органонилларда синтез қилиниши мумкин. Улар ўсимбатан камроқ бўтса ҳам, модда алмашинуви жараёнида асосий рол ўйнайди ҳамда цитоплазма ва барча органониллар таркибига киряди. Етлар билан биргаликда мембраналарнинг асосий тузилмавий тузиллишини ҳосил қилади ва уларнинг танилаб ўтказувчанлигини бошқаради. Оқсиллар ферментатив хусусиятга эга, яъни барча ферментларнинг асосини ташкил этади. Улар ниҳоятда хилма-хил функцияларни ба-

жаради, кимёвий таркиби мурраккаб юқори молекулали коллоид би-
рика бўлиб, аминокислоталардан ташкил топган.

Оқсилларнинг элементлар таркиби: углерод — 55-56 фоиз, водород — 6,5-
7,3 фоиз, кислород — 21-24 фоиз, азот — 15-17 фоиз, олтингугурт — 0,2,4
фоиз. Мурраккаб оқсилларнинг таркибида фосфор ҳам бор, баъзиларининг
таркибида эса йод, мис, марганец каби элементлар ҳам учрайди.


Ўсимликларнинг ҳамма органларида оқсил бўлади. Лекин унинг миқ-
дори ўсимлик турларига ва органларига боғлиқ. Уруларда (чигит, кун-
табоқар ва бошқаларда) энг кўп учрайди. Ўсимликларнинг вегетатив
органларида 5-15 фоизгача бўлиши мумкин.

Оқсилларнинг асосий хоссалари уларнинг молекулалари шаклига
боғлиқ. Молекулалар эса шакл жиҳатидан икки хил фибриллар ва глобуляр
оқсиллар бўлади. *Фибриллар оқсиллар*. Уларнинг молекулалари толасимон
тузилишга эга. Бутун полипептид занжир бўлиб бир-бири билан қўндаланг
водород боғлари орқали бирикаши. Уларга сочдаги кератин, ипакадаги
фиброген оқсиллари мисол бўлади. *Глобуляр оқсиллар*. Молекулалари
шарсимон ёки эллипсоид шаклида. Уларга кўпчилик ўсимликлар, ҳайвонлар
ва микроорганизмлар оқсиллари мисол бўла олади. Улар сувда эрийди,
кўпчилиги ферментлардан ва захира оқсиллардан иборат.

Агар оқсиллар молекуласига юқори ҳарорат, кучли ультрабинафша
на рентген нурлари, спирт, оғир металл тузлари таъсир этса, у ҳолда
водород боғларининг ўзлиши кузатилади ва улар биологик хусусият-
ларини йўқотади. Бу ҳолда денатурация дейилади (товуқ туҳуми
иситилганда қотиб қолиши бунга мисол бўлади). Оқсиллар кучли кис-
лота ёки ишқор эритмасида қайнатилганда пептид боғлар ўзлиб, ви-
рим аминокислоталарга тарқалиши мумкин.

Оқсиллар молекуласида пептид, водород, дисульфид боғлар мавжуд-
дир. Пептид боғлар (-CO-NH-) оқсиллар молекуласини ташкил этган
аминокислоталарни бир-бири билан боғлайди. Бир аминокислота карбоксил
гурухининг иккинчи аминокислотанинг амина гурухи билан ўзаро
реакцияга киришиши натижасида пептид боғлар ҳосил бўлади.

Оқсил гурухларининг айрим қисмлари ва полипептид занжирлар
бир-бири билан водород боғлари орқали ҳам бирикаши :



Кўпчилик оқсиллар таркибида (-S-S-) дисульфид боғлар ҳам учрайди.
Инсулин молекуласида 3 та, рибонуклеазада 4 та дисульфид боғ бор.

Оқсил молекулаларида бирламчи, иккиламчи, учламчи ва турталамчи
тузилмалар мавжуд. Пептид боғлар (-CO-NH-) туфайли солир бўладиган
полипептид занжирининг тузилиши бирламчи тузилма дейилади.

Водород боғлар туфайли ҳосил бўладиган полипептид занжирининг спирал
конфигурацияси (ташки кўриниши) иккиламчи тузилма дейилади.

Спирал тузилган полипептид занжирлар ҳар хил куч таъсирида
фазода маълум шаклни олишга интилади. Оқсиллар молекуласининг
фазовий конфигурациясини белгиловчи уч ўлчамли (бўйи, эни, ба-
ландлиги) бундай тузилмалар оқсилларнинг учламчи тузилмаси дейи-
лади. Учламчи тузилманинг ҳосил бўлишида бир қанча кимёвий боғ-
лар иштирок этади. Буларнинг энг муҳими дисульфид боғдир. Оқсил-
ларнинг биологик фаоллиги шу ўлчамчи тузилмага боғлиқ. Шунинг
учун ҳам оқсилнинг биологик функциясини аниқлаш мақсадида унинг
ўчламчи тузилмасини билгиш керак.

Оқсил молекуласи икки ва ундан ортиқ алоҳида полипептид зан-
жирининг ҳар хил боғлар ёрдамида ўзаро бирикишидан ҳосил бўлиши
турталамчи тузилмани ташкил қилади.

Хужайра таркибидаги оқсиллар олдий протеинлар ва мурраккаб про-
теинлар бўлиши мумкин.

Олдий оқсиллар ҳақиқий оқсил дейилади, чунки улар фақат аминно-
кислоталардан иборат ва эриш қобилияти асосида бир қанча гурухларга
бўлинди. Сувда яхши эрийдигانлари — албуминлар. Булар ўсимликлар
урғусида захира оқсил сифатида (бугдой, арпа, сўни, нухат) кўп ва
бошқа органларида камроқ учрайди. Глобулинлар сувда эмас, туз
эритмасида яхши эрийди. Булар дуккакли ва мойли ўсимликларнинг
урғусида кўпроқ учрайди. 70 фоизли этил спиртида эрийдиган прола-
минлар ва кучсиз ишқорий эритмада эрийдиган глотеинлар талласи-
монлар донида кўпроқ бўлади.

Мурраккаб оқсиллар таркибига болжа молдалар (металл атомлари ва
ҳуказо) ҳам кириши. Булар ҳам мазкур молданинг хусусияти асосида бир
қанча гурухларга бўлинди:

ХРОМОПРОТЕИНЛАР — олдий оқсил билан пигментлардан ташкил
топган. Ўсимликларда кўп учрайди ва биологик фаол ҳисобланади. Ўсимлик
танасидаги фотосинтез ва оксидланиш-қайтарлиш реакцияларида
иштирок этади.

ЛИПОПРОТЕИНЛАР — оқсиллар билан липидлардан ташкил топ-
ган. Хужайра мембраналари ва ламеллар тизимининг тузилишида иштирок
этади. Цитоплазма ва хужайра органонидларининг тузилишида ҳам асо-
сий дол ўйнайди.


МЕТАЛЛОПРОТЕИНЛАР — оқсиллар билан металл атомлари (Mg,
Cu, Zn, Mo, Fe ва бошқалар) бириктирилган ташкил топган. Булар
асосан ферментлардир (каталаза, полифенолоксидаза, нитратредуктаза,
пероксидаза, аскорботоксидаза ва бошқалар).

ГЛИКОПРОТЕИДЛАР — оксиллар билан углевод хуусиятига эга бўлган бирикмалардан ташкил тошган. Асосан ҳайвонлар организмиде учрайди.

НУКЛЕОПРОТЕИДЛАР — оксил ва нуклеин кислоталаридан (ДНК, РНК) ташкил тошган. Барча тирик ҳужайралар, айнқса, ядро ва рибосомалар таркибиде кўпроқ учрайди.

Шундай қилиб, протеинлар ҳужайранинг асосий тузилмавий ва функциял оксиллари бўлиб, ҳаётий жараёнда катта аҳамиятта эга.

АМИНОКИСЛОТАЛАР. Оксиллар таркибиде кирувчи аминокислоталар ёр кислоталарнинг ҳосиласи бўлиб, таркибиде карбоксил (COOH) ва амин грух (NH₂) бўлади. Умумий формуласи :




Аминокислоталар аниқлик (аланин, серин, цистеин, аспарагин, аргенин) ва циклик (тирозин, гистидин) грухларга бўлинади.

Ўсимликлар таркибиде 150 дан ортик аминокислота борлиги аниқланган. Шундан оксиллар таркибиде 20 таси кирали: аланин, глицин, серин, треонин, валин, лейцин, изолейцин, цистеин, метионин, аспарагт кислота, глутамат кислота, лизин, аргинин, фенилаланин, тирозин, триптофан, гистидин, пролин, оксипролин ва иккита амид (аспарагин ва глутамин).

НУКЛЕИН КИСЛОТАЛАР. Тирик организмларда ирсий белгиларнинг наسدан-наслега ўтиши ва оксилларнинг биосинтези каби жараёнлар нуклеин кислоталарнинг фаолияти билан боғлиқ. Улар дастлаб ҳужайра ядросидан ажратиб олинтангани сабабли нуклеин (нуклеос — ядро) дейилган. Иккита грухта бўлинади, ДНК (дезоксирибонуклеин кислота-си) ва РНК (рибонуклеин кислота-си).

Нуклеин кислоталар, айнқса, ўсимликларнинг ёш ва метаболитик фаол органлариде кўп бўлади. Жумладан, ўсимликларнинг репродуктив ҳужайралари таркибиде энг кўп учрайдиган кўкнор урунлашласиде 4,6-6,2 фоиз, келр ёнголининг марзиде — 6,8 фоиз ва кўпчилик ўсимликларнинг барги ва повсиде 0,1-1 фоизгача.

Дезоксирибонуклеин кислотаси барча тирик организмлардаги ҳужайра ядросиде жойлашган. Хлоропласт ва митохондрияларда ҳам маважудлиги аниқланган. ДНКнинг молекулар оғирлиги жуда катта — бир неча ўн миллиондан юз миллионгача етади. Унинг молекуласиде азот асосларидан аденин, гуанин, цитозин, тимин, углевод компонентларидан дезоксирибоза ва фосфат кислота эбор (9-чизма).



9-чизма. Нуклеин кислоталарнинг қисқача тузилмавий шакли.


1921 йилда В.Н.Дюбименко хлорофиллнинг оксиллар билан боғлиқлигини кўрсатди. Ҳақиқатан ҳам ўсимликлар баргини сув билан ишқаласа, сувли тўқ яшил коллоид эритма ҳосил бўлади, лекин хлорофилл ажралмайди. Бунинг сабаби хлорофилларнинг оксиллар билан боғлиқлигидир. Бундай эритма ёруғлик таъсирига ҳам чидамли бўлади. Агар барг спирт ёки ацетон эритмасида ишқаланса, хлорофилл баргдан осонлик билан ажрашади. Чунки бу эритмалар оксилларга фаол таъсир этади ва денатурацияга учратади. Хлорофиллнинг спиртли ёки ацетонли эритмаси ёруғлик

таърифта чидамсиз бўлади ва рангини тез йўқотади. Умуман, хлорофилл хлоропластларда хлорофилл-оксил комплекси шаклида бўлиб, уларнинг мустақкамлик даражаси бир неча хил (адсорбцион ёки кимёвий) бўлади. Кимёвий боғланган хлорофилл-оксил комплекси жуда мустақкам бўлиб, ўсимликлар ноқудлай шароитларга тушганда узоқ муддатда сақланган ва ўз функциясини бажарadi.



19-чизма. Хлорофиллнинг эфирли эришмаларда ёруғлигини ютishi спектри.
I—хлорофилл "а"; II—хлорофилл "б".

Хлорофилл "а" нинг эриш ҳарорати 117-120°C га тенг. Спиртда, бен-золда, хлороформ, ацетон ва этил эфирда яхши эриydi. Сузда эримайди. Хлорофилл "а" барча фотосинтетик организмлар учун умумий ягона пигментлар. Чунки бу пигмент орқали ютилган ёруғлик энергияси тўғридан-тўғри фотосинтетик реакцияларда ишлатилиши мумкин. Қолган барча пигментлар томонидан ютилган ёруғлик энергияси ҳам хлорофилл "а" га эти-казиб берилади ва у орқали фотосинтезда ишлатилади.

Этил эфирда ажратиб олинган хлорофилл молекулалари ёруғлик энергиясининг тўлиқин узунлиги кискароқ бўлган кўк қисмидан бироз ва асосан қизил нурларни ютади (19-чизма).

Хлорофилл "а" қизил спектрдан 660 - 663 нм ва кўк спектрдан 428-430 нм, хлорофилл "б" эса қизил спектрдан 642- 644 нм ва кўк спектрдан 452-455 нм га тенг бўлган нурларни ютади. Хлорофилл молекулалари ёруғ-лик спектрининг яшил ва инфракизил нурларини умуман ютмайди. Демак, хлорофилл ёруғлик нурларининг ҳаммасини ютмай, танлаб ютиш хусусия-

тига эгадир. Хлорофиллнинг бу хусусиятини унинг спиртли ёки ацетонли эритмасидан ёруғлик нурларини ўтказиб, спектроскопда кўриш усули билан аниқлаш мумкин. Спектроскопта хлорофилл ютган спектр нурларининг ўрни қорамтир бўлиб кўринadi, нурларни қайтарadi. Акс этган ёруғликда хлоро-филл қизил рангда кўринadi. Унинг флуоресценция қобилияти фотохимёвий фаоллигидан далолат беради.

Ўсимликларнинг баргида хлорофилл махсус шароитлар мавжудлигида ҳосил бўлади: ривожланган пластидлар стромасы, ёруғлик, магний, темир ва бошқалар. Чунки пигментлар фақат пластидларнинг ламелла ва граналаридагина вужудга келади. Магний тўғридан-тўғри хлорофилл мо-лекуласининг таркибига, темир эса хлорофиллнинг ҳосил бўлишида иш-тирок этувчи ферментлар (хлорофиллаза ва бошқалар) таркибига кир-ади. Хлорофилл фақат ёруғликка ўтган ўсимликларда ҳосил бўлади. Қоронни жойда ўтган ўсимликларда у ҳосил бўлмайди.

Шунинг учун ҳам бундай ўсимликлар рангсиз ёки сариқ (каротинои-длар бўлгани учун) рангда бўлади. Улар этиотланган ўсимликлар дейилиб, қоронгидан ёруғликка чиқарилса тезда яшил рангга кира бошлайди, чунки хлорофиллнинг синтези бошланади.

Айрим ҳолларда ёруғликдаги ўсимлик барглариди ҳам сарғайиш (ранг-сизланиш) ҳолисалари руй беради. Бу ҳолисага хлороз дейилади. Хлороз (рангсизланиш) кўпчилик ҳолларда тўпроқда ўзлаштирилмаган магний ёки асосан темирнинг етишмаслиги натижасида асимметрия жараёнининг бузилишидан келиб чиқadi. Хлорофиллнинг синтези тўхтаб қолади. Бундай ҳолиса, айниқса, оҳак миқдори юқори тўпроқларда кўп учрайди. Оҳакли тўпроқларда темир тузлари эримайди шаклига ўтганиги сабабли илдиэлар тўпроқдан темирни ололмайди. Бундай ўсимликларга биронта темир тузининг паст концентралцияли эритмаси пуркала, улар яна яшил рангга кира бошлайди. Хлороз ҳолисаси бошқа минерал элементлар (азот, марганец, мис, рух, молибден, калий, олтингурут ва бошқалар) етишмаганлигидан ҳам содир бўлиши мумкин.


Умуман, хлорофиллнинг синтези ҳам, бузилиши ҳам тирик ҳужай-ралардаги мураккаб мода алмашинув жараёнининг йўналиши асосида содир бўлади. Ўсимликларда хлорофиллнинг умумий миқдори уларнинг кўрук опирлигига нисбатан 0,6-1,2 фоизни ташкил қилади.

КАРОТИНОИДЛАР. Яшил ўсимликларда хлорофилл билан бириа-ликда учрайдиган сариқ, тўқ сариқ, қизил ранглиги пигментлар турруҳи каротиноидалар дейилади. Бу пигментлар ҳамма ўсимликларнинг хлоропластларида мавжуд. Хатто ўсимликларнинг яшил бўлмаган қисқларидати хлоропластларининг ҳам таркибига кирadi. Масалан, хро-моластлар сабзи ҳужайралари таркибига жуда кўп миқдорда бўлади (20-чизма) ва улар ҳам мураккаб тузилмаша эга (21-чизма).

Каротиноидалар хлоропластларда хлорофилл билан биргалликда учра-гани учун ҳам сезилмайди. Чунки хлорофиллнинг миқдори уларга нис-



20-чизма. Сабаги илдиз мевасининг ҳужайраси: 1—хромопластилар, 2—ядро.




21-чизма. Хромопластларнинг электрон микроскопида кўриниши (вакитли): 1—глобулар; 2—фибриллар; 3—кристаллик турғалги хромопластилар; BM—хромопласт пўстинининг ташқи мембрасаси; Пг—пластоглобулар; С—стромеа; Ф—фибриллар.


батан ўрғача уч марта кўп. Лекин кузда хлорофилларнинг парчала-ниши сабабли каротиноидлар кўрина бошлайди.

Якши ўрганилган ўсимлик каротиноидлари иккита гуруҳга бўлина-ди: 1) каротиноидлар; 2)ксантофиллар.

Каротиноидлар ($C_{40}H_{56}$) турли хил бўлиб, улардан а, В—каротиноидлар хлоропластларда хлорофил билан биргаликда учрайди. Ликопин ($C_{40}H_{56}$) меваларда учрайди. Бу пигментларнинг таржибида кислотод йўқ ва ранг-лари асосан тўқ сариқ ёки қизил бўлади. Каротиннинг тузилма форму-ласига келсак, у 8 молекула изопрен қоллигидан иборат. Унинг иккада томонида туртта изопрен гуруҳи ҳалқа шаклида туташиб, иккун шакли-ни ҳосил қилади. Булардан якши ўрганилиб фотосинтез учун муҳим аҳамиятта эга бўлганлари — а ва В каротинлардир. Уларнинг умумий формуллари бир-бирита ўхшаш ($C_{40}H_{56}$), фақат тузилмавий шаклида бироз фарқ бор (22-чизма).



22-чизма. Каротинларнинг тузилмавий формуллари.



23-чизма. Ксантофилларнинг тузилмавий формуллари.

Ксантофиллар таржибида кислотод бор ва улар асосан сариқ рангда кўринади. Асосий вакиллари лютеин ($C_{40}H_{56}O_2$), виолаксантин ($C_{40}H_{56}O_2$) ва бошқалар (23-чизма).

Каротиноидлар хлорофил, бензол, алетон каби эритмаларда яхши эриydi. Юқори ҳарорат, ёруғлик ва кислоталар таъсирида енгил парчалади.

Каротиноидлар бир қанча физиологик вазифаларни бажаради:


- 1) фотосинтез учун зарур бўлган ёруғлик нурларини ютади;
- 2) хлорофил молекуласини кучли ёруғлик таъсиридан муҳофаза қилади;

Э) фотосинтез жараёнида молекуллар кислороднинг ажралиб чықишида иштирок этади.

Каротиноидлар түлжин узуңлиги қисқа бўлган (480-530 нм) кўк-бинафша ва кўк нурларни қабул қилиб, хлорофилл "а" га етказиб беради ҳамда фотосинтез жараёнида иштирок этади (24-чизма).

Ўсимликлар баргида қуруқ оғирлигига нисбатан 20 мг.гача, айрим ўсимлик турлари ва органларида, аynиқса, айрим мевалар таркибида кўпроқ бўлиши мумкин.

ФИКОБИЛИНЛАР. Сув остида яшовчи ўсимликларда хлорофилл "а" ва каротиноидлардан ташқари махсус пигментлар ҳам борки,





24-чизма. Каротиноидлар (1) ва хлорофиллнинг (2) ёруғлик ютиши спектри.

ўларга фикобилинлар кирради. Яхши ўрганилганлари фикоэрритрин ва фикоцианиндир.


Фикоэрритрин ($C_{42}H_{64}N_4O_6$) – қизил сувўтларнинг пигментидир. Қизил рангга эга. Фикоцианин ($C_{36}H_{52}N_4O_9$) – кўк-яшил сув ўтларининг пигменти бўлиб, кўк рангга эга. Фикобилинлар – бу мураккаб оксидлардир. Уларнинг таркибига очиқ занжир ҳолида бирлашган тўртта пиррол ҳалқаси кирради. Бу ҳалқалар кўш боғлар орқали туташган (25-чизма). Уларнинг молекуласида металл атоми йўқ. Бу молекулалар оксидлар билан мустақкам бирикма ҳосил қиладики, уларни фақат қайнатиб ёки кучли кислота таъсирида парчалаш мумкин.

Фикобилинлар ёруғлик спектридан мавжум түлжин узуңлигига эга нурларни ютади ва хлорофилл "а" га етказиб беради. Фикоэрритринлар асосан түлжин узуңлиги 498 нм.дан 508 нм.гача, фикоцианинлар 585 нм.дан 630 нм.гача бўлган нурларни ютадилар (26-чизма).



25-чизма. Фикобилинларнинг молекулаларининг фермуляцонаси.

Чуқурсув остида ўсувчи ўсимликлар учун бу пигментларнинг роли жуда катта. Чунки сувнинг юқори қатлами хлорофилл молекулалари қабул қилиши мумкин бўлган қизил нурларни ютиб қолади. Масалан, денгиз ва океанларда 34 м чуқурликда қизил нурлар тўла ютилиб қолади, 177 м чуқурликда сариқ нурлар, 322 м. да эса яшил нурлар, чуқурлик 500 м га етганда кўк-яшил нурлар ҳам тўла ютилиб қолади.




26-чизма. Фикобилинларнинг ёруғлик ютиши спектри: 1-фикоцианин; 2-фикоэрритрин.

Умуман, фикобилинлар томонидан ютилган ёруғлик энергиясидан 90 фоизга яқини хлорофилл "а" га етказиб берилади.

3.4. ФОТОСИНТЕЗ РЕАКЦИЯЛАРИ

Яшил ўсимликларда ёруғлик энергияси иштирокида органик моддалар ҳосил бўлиши ва молекуллар кислород ажратиб чиқишини ифодаловчи схематик тенгламани кўрсатган эдик:



Бу тенглама оддий кимёвий реакция тенгламаси бўлмай, балки минерал реакциялар йиғиндисини ифодаловчи характерга эга. Барча реакциялар йиғиндисини асосан иккита босқични ўз ичига олади: 1) ёруғликда борадиган реакциялар; 2) ёруғлик шарт бўлмаган, яъни қоронғиликда борадиган реакциялар.

3.4.1. Ёруғликда борадиган реакциялар

Фотосинтезнинг биринчи босқичидаги реакциялар фақат ёруғлик иштирокида боради. Бу жараён хлорофилл "а"нинг бошқа ёрдамчи пигментлар иштирокида (хлорофилл "б", каротиноидалар, фикобилинлар) ёруғлик ютилиши ва ўзлаштиришидан бошланади. Натижада сув ёруғлик энергияси таъсирида парчаланиб, молекуллар кислород ажратиб чиқили, НАДФ·Н₂ (дигидроникотинамид — адеинин — динуклеотид фосфат) ва АТФ (аденозинтрифосфат) ҳосил бўлади.

ЁРУҒЛИК ЭНЕРГИЯСИ. Ёруғлик энергияси электромагнит тебраниш хусусиятига эга. У фақат квантлар ёки фотонлар ҳолида ажралди ва тарқалади. Хар бир квант ёруғлик маълум даражада энергия манбаисига эга. Бу энергия микдори асосан ёруғликнинг тўлқин узунлигига боғлиқ бўлиб, қуйидаги формула билан аниқланади:

$$E = h\nu,$$

бу ерда, E—квант энергияси, джоул (КДЖ) ҳисобида, h—ёруғлик константаси, доимий сон 6, 26196 · 10⁻³⁴ Дж/с—тўлқин узунлиги, c—ёруғлик тезлиги 3 · 10¹⁰ см/с.


Кўёш ёруғлигининг кўзга кўринадиган ва фотосинтетик фаол қисмидаги (400-750 нм) нурларда хар бир квантнинг энергияси турлича бўлади. Масалан, тўлқин узунлиги 400 нм.га тенг бўлган спектрнинг бир кванти-

нинг энергияси 299, 36 КДЖ га тенг, шу асосда 500 нм—239, 48 КДЖ, 600 нм—199, 71 КДЖ, 700 нм—170, 82 КДЖ ва ҳоказо. Яъни тўлқин узунлиги қисқа бўлган ёруғликнинг энергияси кўпроқ ва узулариники аксинча оз. Шунинг учун ҳам қисқа ультрабинафша нурлар (тўлқин узунлиги 300 нм.дан қисқа) Ердати тирлик организмларга зарарли таъсир қилиши мумкин. Чунки уларнинг энергияси кўп. Тўлқин узунлиги 300-400 нм.га тенг нурлар асосан ўсиш ва ривожланишни бошқаришда иштирок этади. Бу нурлар таъсирида ҳужайраларнинг бўлиниб кўпайиши ва ўсимлигининг ривожланиши жараёни тезлашади. Тўлқин узунлиги 400-700 нм.гача бўлган нурлар фотосинтезда иштирок этадилар, чунки бу спектрларнинг энергия даражаси фотосинтетик реакцияларни юзга келтиради. Тўлқин узунлиги 750 нм ва ундан узу нурларнинг энергияси жуذا камлиги сабабли улар фотосинтезда ишлатилмайди.

Хар бир пигмент, жумладан, хлорофилл молекуласи бир квант ёруғлик энергиясини ютиш қобилиятига эга. Пигментларнинг бир молекуласи билганига икки квант монохроматик ёруғликни ютолмайди. Квант ёруғлик пилмент молекуласининг биронта электрони томонидан ютилади ва бу электрон кўзгалган ҳолатга ўтади. Натижада пигмент молекуласи ҳам кўзгалган ҳолатда бўлади.

Хлорофилл молекулаларининг энергетик даражалари 27-чизмада кўрсатилган. Яъни хлорофилл молекуласи қизил нурлардан бир квант ютганда электрон асосий даражадан (S⁰) биринчи синглет (S¹) даражага ўтади (S⁰ → S¹). Уларнинг бу ҳолати жуذا қисқа давом этиб (10⁻⁸-10⁻⁹ сонияга тенг), юқори реакция қобилиятига эга. Шу қисқа муллат мобайнида электрон энергиясини сарфлаб, дастлабки тинч ҳолатига қайтади (S¹ → S⁰) ва бошқа квант ёруғликини қабул қилиши мумкин. Тўлқин узунлиги қисқа бўлган кўк-бинафша нурлардан бир квант ютилганда эса электрон асосий даражадан янада юқорироқ синглет (S²) даражага (S⁰ → S¹¹) ўтади. Электронлар иккинчи синглет даражадан тезлик билан (10⁻¹² - 10⁻¹³ сония) биринчи синглет даражага тушади ва бу жараёнда энергиянинг бир қисми иссиқлик энергиясига айланиб сарфланади. Фотокимёвий реакцияларда асосан биринчи синглет (S¹) ҳолатдаги электронлар, айрим тайтларда эса триплет (T¹) ҳолатдаги электронлар иштирок этади. Чунки бу жараёнда (S¹ → S⁰) түпгадан-түпри содир бўлиш ўрнига S¹ → T¹ → S⁰ ёки S¹ → T¹ → T² → S⁰ бўлиши ҳам мумкин. Пигментларнинг триплет ҳолати электрон ҳаракатининг йўналиши ўзгариши S¹ (11) → T¹ (11) натижасида рўёбга келади. Электронларнинг T¹ ҳолатдан S⁰ даражага ўтилиши учун бироз кўпроқ вақт (10⁻⁷ дан бир неча секундгача) сарфланади. Натижада бу ҳолатдаги пигментлар юқорироқ кимёвий фаолликка эга бўлади. Хлорофилл молекуласи ютган квант энергия бир неча жараёнларда, яъни асосан фотосинтетик реакцияларнинг содир бўлишида иштирок этади, молекуладан ёруғлик ёки иссиқлик энергияси ҳолида ажратиб чиқиб кетали.

Олигларнинг изланишлари натижасида ёруғлик энергиясининг фотосинтетик реакциялардаги самарадорлик даражаси аниқланди. Энергиянинг самарадорлиги ютилган квант ёруғлик нури ҳисобида фотосинтез



27-чизма. Хлорофилнинг ёруғликда фаоллашиш шакли.

жараёнида ажралиб чиққан O_2 ёки ўзлаштирилган CO_2 ning миқдори билан белгиланади. Шунга ҳисобга олиш зарурки, ютилган ҳамма нурлар (айниқса қизил) фойдали бўлса ҳам, улар энергиясининг анча қисми хлорофилл молекуласида электронлар кўчиши жараёнида йўқотилади. Натижада бу энергия фойдали коэффициентнинг (ФК) камайишига сабабчи бўлади. Бир молекула CO_2 ning тўла ўзлаштирилиши учун 502 КДЖ энергия сарфланади. Демак, бу реакциянинг амалга ошиши учун



тўлқин узунлиги 700 нм.га тенг бўлган қизил нурларнинг уч квант итарли бўлади. Чунки бу нурларнинг ҳар бир кванти 171 КДЖ энергияга эга. Амалда эса бир молекула CO_2 ning тўла ўзлаштирилиши ва O_2 ning ажралиб чиқиши учун 8 квант талаб этилади. Яъни фотосинтез жараёнида фойдаланиладиган қизил нурларнинг фойдали коэффициент 40 фоизга яқин бўлади. Кўк-бинафша нурларнинг фойдали коэффициенти янада пастроқ (21 фоиз). Усимликларга ёруғликнинг тўлқин узунлиги 400 нм.га тенг кўк спектри тавсир этирилса, фойдали коэффициент 20,9 фоизга тенг бўлади (чунки ҳар бир квантнинг энергияси 229КДЖ):

$$ФК = \frac{2229,8}{502 \cdot 100} = 20,9 \text{ фоиз.}$$


1957 йилда Р.Эмерсон ўтказган тажрибалар кўрсатишича, тўлқин узунлиги 660-680 нм бўлган қизил нурларнинг самарадорлик даражаси энг юқори кўрсаткичга эга. Тўлқин узунлиги улардан қисқа ёки узун

нурларнинг самарадорлик даражаси пасая боради. Бундан ташқари фотосинтетик реакциялар учун монохроматик нурларга нисбатан аралаш спектрлар энергиясининг самарадорлиги юқорироқдир. Масалан, тўлқин узунлиги 710 нм бўлган қизил нурларнинг 1000 кванти ютилганда 20 молекула кистород ажралиб чиққан, 650 нм.дан 1000 квант ютилганда эса 100 молекула кистород ажралиб чиққан. Лекин 710 нм ва 650 нм ёруғлик спектрлари бир вақтда тавсир этирилганда эса 120 молекула ўрнига 160 молекула кистород ажралиб чиққан. Демак, ҳар хил тўлқин узунлигига эга нурлардан фойдаланишнинг самарадорлиги юқорироқ бўлиб (40 молекула O_2 кўп ажралган), бу Эмерсон самараси деб юргизишга бошланди.

Бу тажрибалар ёруғлик энергиясидан фотосинтезда самарали фойдаланиш қонуниятларини тушунтириб берди. Яъни фотосинтез жараёнининг самарадорлиги учун фақат хлорофилл "а" қабул қилган энергия етарли бўлмай, қолган пигментлар, хлорофилл "б" ва каротинонидларнинг ҳам фаол иштироки катта аҳамиятга эга.

Р.Эмерсон (1957) хлоропластларда иккита фототизим мавжудлигини тахмин қилган эди. Бу тахмин кейинчалик тасдиқланди. Дифференциал центрифугалаш ва бошқа усуллар ёрдамида фототизим - I ва фототизим - II ҳосил қилувчи оксиллар комплекслари ажратиб олинди ва ўрланди. Фототизимлар фаолияти натижасида квантларнинг ютилиши, электронлар транспорт и ва АТФ ларнинг ҳосил бўлиш жараёни содир бўлади (28-чизма).


Ҳар бир фототизимда фаол реакциялар маркази мавжуд бўлиб, у хлорофилл "а" ютадиган нурларнинг энг юқори тўлқин узунлиги билан тавсифланади (29-чизма). Биринчи фототизимда асосий пигмент - P_{680} иккинчи фототизимда - P_{680} га тенг. Хлоропластлардаги ҳар бир фотосинтетик фаол реакция марказида 200-400 молекула хлорофилл "а",



28-чизма. Фототизимларда электронлар ҳаракати ва АТФ ning ҳосил бўлиши.


ёрдамчи пигментлар, хлорофилл "6", каротиноидлар ва фикобилинлар бор. Буларнинг асосий вазифаси ёруғлик энергиясини ютиш ва уни реактив марказга етказиб беришдир.

СЎВНИНГ ФОТОЛИЗИ. Фотосинтезнинг дастлабки фотохимик вий реакцияларидан бири—бу сув фотолизидир. Сўвнинг ёруғлик энергияси таъсирида парчаланishi фотолиз дейилади. Унинг мавжудлигини бирин-



29-чизма. Фотосинтезнинг ордий молекула:
1—квант ёруғлик; 2—хлоропластлардаги ёруғликни қабул қилувчи пигментлар; 3—реакция маркази; 4—донор; 5—акцептор.


чи марта 1937 йилда Р.Хилл барглардан ажратиб олинган хлоропластларда аниқлади. Шўннинг учун мазкур жараён Хилл реакцияси деб аталади. Бунда ажратиб олинган хлоропластларга ёруғлик таъсир этганда CO_2 сиз шаронда ҳам кислород ажратиб чиқилиши кузатилади (А—водород):




Хилл реакциясидан хлоропластларнинг фаоллик даражасини аниқлашда фойдаланилади. Ажратиб чиқатган молекуляр кислороднинг манбаи сув эканлигини 1941 йилда А.П.Виноградов ва Р.В.Тейс изотоплар усулидан фойдаланиши йўли билан тасдиқладилар. Хаволага умумий кислороднинг O^{16} —99,7587 фоизини, O^{17} —0,0374 фоизини ва O^{18} —0,2039 фоизини ташкил этади. Шў йилнинг ўзида америкалик олимлар С.Рубен ва М.Камен H_2O ва CO_2 ларни оғир изотоп O^{18} билан синтез қилиш ва фотосинтез жараёнини кузатиш усули билан ажратиб чиқатган кислороднинг манбаи сув эканлигини яна бир марта тасдиқладилар.

Найижата кисторол ажратиб чиқали. Хосил бўлган водород протони ва электрони акцепторлар ёрдамида CO_2 ни ўзлаштириши манбаи бўлиб ҳисобланади. Бу жараёнда турт молекула сўвнинг иштирок этиши Куторин шаклида янада яққол таъсирланган (30-чизма).

Сўвнинг фотолиз жараёни иккинчи фототизимдаги реакция марказида кечали ва бунга хлорофилл молекуллари ютган турт квант энергия сарфланади.



30-чизма. Фотосинтез жараёнида сўвнинг парчаланishi шакли:
1—энергия жамланувчи марказ; 2, 3—сув молекуллари тизими ва оксидланishi импулсининг ўзгаришчан валентли металда берилиши; 4—молекуляр кисторолнинг ажратилиши иштирок этувчи ферментлар тизими; Q—фототизим P даги электронлар акцептори.




Водороднинг акцептори НАДФ бўлиб, унинг қайтарилиши хлоропластлардаги махсус ферментлар иштирокида амалга ошади:



ФОТОСИНТЕТИК ФОСФОРЛАНISH. Яшил ўсимликларнинг

муҳим хусусиятларидан бири кўш энергиясини тўғридан-тўғри кимёвий энергияга айлантиришидир. Хлоропластларда ёруғлик энергияси ҳисобита АДФ ва анорганик фосфатдан АТФ хосил бўлиши фотосинтетик фосфорланиши дейилади. Унинг тенгламасини куйидагича кўрсатиш мумкин:




Бу жараён митохондрияларда кечадиган оксидатив фосфорланишдан фарқ қилади.
 Ёруғликда бўладиган фосфорланишни 1954 йили Д.И. Арнон ва унинг шогирдлари кашф этдилар.

Яшил ўсимликларда фотосинтетик фосфорланишнинг мавжудлиги жуда катта аҳамиятга эга. Чунки ҳосил бўладиган АТФ молекулалари ҳужайрадаги энг эркин кимёвий энергия манбаидир. Ҳар бир АТФ молекуласида иккита макроэргик боғ мавжуд. Уларнинг ҳар бирида 8-10 ккал энергия бор.

Макроэргик боғларнинг узлиши натижасида ажралган кимёвий энергия ҳужайрадаги реакцияларда сарфланади.

Хлоропластлардаги ёруғликда фосфорланиш реакциялари икки асосий турга бўлинади: 1) цикли фотосинтетик фосфорланиш; 2) циклиз фотосинтетик фосфорланиш.

Биринчисида хлорофилл молекуласи ютган ва самарали ўсиб оlingан барча ёруғлик энергияси АТФ синтезланиши учун сарфланади. Реакция тенгلامасини куйидагича кўрсатиш мумкин:



31-чизма. Цикли фотосинтетик фосфорланишнинг шакли.

Қуёшнинг ёруғлик энергиясини ютган хлорофилл қўзғалган ҳолатга ўтади ва унинг молекуласи электронлар донори сифатида юқори энергетик потенциалга эга бўлган ташқи қаватдан электронлардан биттасини чиқариб юбориши (31-чизма). Электроннинг чиқариб юборилиши натижасида хлорофилл молекуласи мушбат зарядланиб қолади.


Кисқа муддат ичида (10^{-8} - 10^{-9} сония) электрон маълум электрон оқитувчи (ферредоксин ва цитохром оқитлари) тизим орқали кўчирilib, мушбат зарядли дастлабки хлорофилл молекуласига қайтади. Бу ерда хлорофилл акцепторлик вазифасини бажариб, яна тинч ҳолатга ўтади. Хлоропластларда бу жараён цикли равишда тақдорланиб туради. Электрон ҳаракати мобайнида

энергияси АТФ синтезланишига сарфланади. Натижада биринчи фотосинтетик тизимдаги ҳар бир хлорофилл молекуласи ютган бир квант энергия ўсиб оlingа икки молекула АТФ синтезланади.

Циклиз ёруғликда фосфорланишда АТФ синтези билан бир қаторда сув фотолизини содир бўлади. Натижада молекуллар кислород ажралиб чиқди ва НАДФ қайтарилди, яъни фотосинтезнинг ёруғлик боғицидаги реакциялар тизими тўла амалга ошди. Реакция тенгلامасини куйидагича кўрсатиш мумкин:



Бу реакцияларда иштирок этадиган электронларнинг кўчирилиш мўли цикли фотосинтетик фосфорланиш жараёнига нисбатан анча мураккаб. Циклиз ёруғликда фосфорланишда иккита тизим иштирок этади. Биринчи фотосинтетик тизим 680-700 нм узунликдаги нурларни ютувчи хлорофилл "а" дан иборат. У ёруғлик спектрининг энергияси камроқ



32-чизма. Цикли фотосинтетик фосфорланишнинг шакли.

Кизил нурларини ютиш ҳусусиятига эга. Иккинчи фотосинтетик тизим 650-670 нм узунликдаги нурларни ютувчи хлорофилл "а", хлорофилл "б" ва каротиноидлардан иборат. У ёруғлик спектрининг энергияси кўп бўлган нурларини ютади (32-чизма).

Бунда икки фотохимиявий тизимнинг ўзаро таъсири натижа-сида молекуллар кислород ажралиб чиқди ва АТФНАДФ. Н₂ ҳосил бўлади. Ёруғлик энергияси тасвирланган иккинчи фотосинтетик тизимда ҳам реакция бошланади ва сувнинг фотолизини рўй беради. Бу ерда қўзғалган хлорофиллдан ажрайдиган хлорофилл молекуласига қайтмайди. Мушбат мўн электронни сувнинг фотолизини натижасида ҳосил бўлган гидроксила дастлабки фермент цитохром О га, кейинчалик пластохинонга, ундан цитохром б га ўтади. Шу оралиқда электрон энергияси ўсиб оlingа бир молекула АТФ синтез бўлади. Цитохром б3 дан электрон пластоцианинга ўткази-


лади. Пластоцианиндан чиққан электрон биринчи фотосинтетик тизимнинг реакция марказини ташкил этувчи пигмент P_{680} ни қайтареди. Яъни бу пигментлар электрон учун акцепторлик вазифасини бажареди. Чунки ёруғлик энергияси тавсиридан қўзғалган фотосинтетик тизимнинг реакция марказидати хлорофилл "а" нинг электрони пластоцианин ва бошқа ферментлар орқали ферредоксинга ўтказилади. Бу жараёнда ҳам бир молекула АТФ синтезланади ва НАДФН₂ ҳосил бўлади.

Умуман, ёруғликда фосфорланиш механизми мураккаб ҳусусиятга эга бўлиб, унинг муҳим томонларидан бири электронларнинг қўчишида иштирок этадиган орадик мошлардир. Бу молдлардан пластохинон, пластоцианин, цитохромлар ва ферредоксиннинг ҳусусиятлари анча яхши ўрганилган. Лекин электронлар ҳаракати худудларида ҳали аниқланмаган молдлар ҳам бор.

Хлорелла билан ўтказилган тажрибалар натижасининг кўрсатишича, ёруғликда фосфорланиш жараёнида ҳосил бўлган умумий АТФ миқдорининг 70-80 фоизи циклик ва 20 фоизи циклига фотосинтетик фосфорланишнинг маҳсулоти экан. Лекин яшил ўсимликларда бу нисбат бошқача ҳам бўлиши мумкин.

3.4.2. Фотосинтезда карбонат ангидриднинг ўзлаштирилиши

Фотосинтезнинг иккинчи босқичи — қоронғилик босқичи дейилади. Чунки бу босқичда боралган реакциялар ёруғлик талаб қилмайди ва CO_2 нинг ўзлаштирилиши билан тавсифланади. Ёруғлик босқичининг асосий маҳсулоти бўлган АТФ ва НАДФН₂ лар карбонат ангидриднинг ўзлаштирилиб углеводлар ҳосил бўлишида иштирок этади:




Карбонат ангидриднинг ўзлаштирилиши ҳам олдий жараён эмас. У жуда кўп биокимёвий реакцияларни ўз ичига олади. Бу реакцияларнинг ҳусусиятлари тўғрисида батафсил маълумотлар биокимёининг янги усуллариини қўлаш натижасидагина олинди.

Ҳозирги пайтда CO_2 ни ўзлаштирилишининг бир неча йўли аниқланган. 1) C_3 йўли (Калвин цикли); 2) C_4 йўли (Хетч ва Слэж цикли) ва бошқалар. **ФОТОСИНТЕЗНИНГ C_3 йўли.** Фотосинтез жараёнида CO_2 ни ўзлаштириш йўлини 1946-1956 йилларда Калифорния доридфунунинда америкалик биохимик М.Калвин ва унинг ходимлари аниқладилар. Шунинг учун ҳам у Калвин цикли деб аталади (33-чизма). Кейинги


йиллардаги илманишларнинг натижалари кўрсатишича, бу цикл ҳамма ўсимликларда содир бўлади.

Биринчи асосий вазифа CO_2 ўзлаштирилиши оқибатида вужудга келадиган дастлабки органик молдани аниқлаш эди. Айгиш лозимки, мажур жараёнда ҳосил бўладиган углеводларни аниқлаш жуда қийин, чунки микрор жаҳатидан кам бўлган турли-туман орадик мошлар ҳосил бўлади.


Бу вазифани ҳал қилиш учун М.Калвин углероднинг радиофаол атомларидан (нишонланган ^{14}C) фойдаланади. Радиофаол ^{14}C нинг емирилиш даври 5220 йилга тенг бўлиб, тажриба ўтказиш учун жуда кўлай ҳисобланади. Бир ҳужайрали сувўти хлорелла нишонланган $^{14}CO_2$ бўлган шароитда ҳар хил мудатларда сакланади ва фиксацияланади. Фиксацияланган сувўтларидида ҳосил бўлган органик молдлар хроматография усули билан бир-биридан ажратилади ва радиоавтография усулини қўлаш билан ҳар бир органик молда таркибида (42-чизма) Калвин циклидаги ^{14}C миқдори аниқланади. Натжида 5 сонияда ^{14}C нинг 87 фосфоглицерат дақиқадан кейин эса нишонланган ^{14}C бир қанча органик ва аминокислоталар таркибида қайд этилди. Шундай қилиб, карбонат ангидриднинг ўзлаштирилиши натижасида ҳосил бўладиган дастлабки молда фосфоглицерат кислота эканлиги маълум бўлди:



М.Калвин нишонланган P^{32} ва C^{14} дан фойдаланиш натижасида фосфоглицерат кислотасининг ҳосил бўлиш йўлини ҳам аниқлади. Унинг дик вазифасини рибулоза — 1,5 дифосфат бажареди:



Рибулоза-1,5 дифосфатенюл пакли карбонат антидидини бириктириши натижасида олти углеводли бекарор оралик молда хосил бўлади ва у дарҳол сув ёрдамида парчаланали ҳамда 3-фосфоглицерат кислотаси хосил бўлади:



33-чижа. Калвин цикли.




Бу реакция рибулозадифосфаткарбоксилгаза ферментининг иштирокида содир бўлади.

Дастлабки органик молда — 3 - фосфоглицерат кислотасидан иборат бўлганлиги учун фотосинтезнинг C_3 йўли дейилади. Хлоропластларда хосил бўлган 3 - фосфоглицерат кислотасидан хлоропластларда ёки хужайрада цитоплазмасида бошқа углеводлар: олдий, мураккаб шакрлар ва крахмал синтезланади. Бу жараёнда (яъни Калвин циклида) ёруғлик босқичида хосил бўлган 12НАДФН₂ ва 18 АТФ сарфланади. М.Калвин цикли бўйича фотосинтез жараёни содир бўладиган ҳамма ўсимликлар C_3 ўсимликлар дейилади.

ФОТОСИНТЕЗНИНГ C_4 ЙЎЛИ. Дастлаб Козон дорилфунунининг олимлари Ю.С.Карпов (1960), И.А.Тарчевский (1963) айрим ўсимликлар ва бирламчи органик моллар уч углеводли бўлмай, балки тўрт углеводли эканлигини аниқладилар. Австралиялик олимлар М.Д.Хетч ва К.Р.Слэк (1966-1969) буни тажрибалар асосида тасдиқладилар. Шунинг учун ҳам фотосинтезнинг бу йўли Хетч ва Слэк цикли дейилади. Фотосинтезнинг C_4 йўли асосан бир паллали ўсимликларда (маккажухори, оқ жўхори, шакарқамиш, тарик ва бошқалар) содир бўлади. Бу ўсимликларда

фотосинтезнинг дастлабки маҳсулоти сифатида оксалоцетат ва малат хосил бўлади. Чунки нишонланган C_4 дастлаб бу кислоташарнининг тўртинчи углеводлида тулланади ва фақат кейинчалик фосфоглицерин кислотасининг биринчи углеводлида пайдо бўлади.

М.Хетч, К.Слэк ва бошқа олимларнинг курсатишича, бу циклда CO_2 нинг акцепторлик вазифасини фосфоенолпируват кислотаси бажарди:




Кўпчилик бир паллали ва айрим икки паллали ўсимликлар баргидаги най ва тола бойламлари агрофида бир қатор хлоропластларга эва хужайралар бўлиб (улар обжладка хужайралари деб юритилади), уларда фотосинтез C_3 йўли билан (Калвин цикли) содир бўлади. Барнинг мезофилл қатламини хосил қилган хужайраларида эса фотосинтез C_4 йўли билан (Хетч ва Слэк цикли) содир бўлади.

Бу ўсимликларнинг обжладка хужайраларида жойлашган хлоропластлар йиқроқ бўлади ва улар ламеллар тўзилмига эга бўлиб, транслари бўлмайди. Мезофилл хужайраларидаги хлоропластлар асосан Транулар тўзилми хусусиятига эга. Маккажухори баргидаги умумий хлоропластларнинг 80 фоизи мезофилл хужайраларига ва қолган 20 фоизи обжладка хужайраларида тўғри келади.

Мезофилл хужайраларидаги хлоропластларда Хетч ва Слэк цикли билан хосил бўлган дастлабки углеводлар (оксалоцетат ва малат кислоталари) найларга ва обжладка хужайраларида ўтказилади. Обжладка хужайраларидаги хлоропластларга ўтган тўрт углеводли бирикмалар яна Калвин циклида илтирок этади ва крахмалга ўзгаради. Шунинг учун ҳам бу хлоропластларда крахмалнинг миқдори кўпроқ бўлади. Обжладка хужайраларидаги хлоропластларда малатнинг парчланиши натижасида хосил бўлган пируват кислотаси мезофилл хлоропластларига ўтказилади ва фосфоенолпируватга айланиб, яна CO_2 нинг акцептори вазифасини бажарди (34-чижа).

Бундай тизим орқали фотосинтези содир бўладиган ўсимликлар C_4 ўсимликлар дейилади. Бундай ўсимликларда оғизчалар ёпик бўлса ҳам фотосинтез жараёни давом этади. Чунки обжладка хужайраларидаги хлоропластлар аввал хосил бўлган малат (аспарат) дан фойдаланади. Бундан ташқари ёруғлик таъсирида нафас олиш (фотодыхание) жараёнида ажра-курвоқчиликка, шўрликка нисбатан чидамли бўлади. Бундай ўсимликларни оғизчаларда ёруғликни сезувчан бўладиган ва сутка давомида қанча уяйтирилган кун билан таъсир элтирибса, шунча органик моллар кўп хосил бўлади.



34-чиизма. Фотосинтезнинг C₃ йўли (Хемч ва Свэк цикли); I—мезофилда ҳужайраси; II—обҳадда ҳужайраси; КС—ҳужайра нусти.

3.5. ФОТОСИНТЕЗНИНГ САМ ЙЎЛИ

Онготенезнинг кўпчилик даври жула Курроқчилик шароитида ўтандиган ўсимликларда фотосинтез C₄ йўли билан бориб, улар асосан, кечаси (оғизчалар очик вақтда) CO₂ ни ютиб олади ва олма кислотаси (малат)ни тўплайди. Чунки кундуз кунлари оғизчалари тўла ёпиқ бўлади. Оғизчаларнинг ёпиқ бўлиши уларни танасидаги сувнинг транспирация учун сарфланишидан сақлайди.

Кечаси оғизчалар очик бўлганда кабул қилинган CO₂ ва нафас олиш жараёнида ҳам ажралиб чиққан CO₂лар ферментлар (ФЕП-карбоксиллаза) ёрдамида фосфенолпируват билан бирлашиб оксалоацетат (оск) ҳосил бўлади. Оксалоацетат кислотаси эса НАДФ ёрдамида малатга айланади ва ҳужайра вакуолиларида тўпланади. Кундузи ҳаво жула иссиқ ва оғизчалар ёпиқ пайтида малат цитоплазмага ўтади ва у ерда малатдегидрогеназа ферменти ёрдамида CO₂ ва пируватга парчаланadi. Ҳосил бўлган CO₂ хлоропластларга ўтади ва Калвин цикли бўйича шакарларнинг ҳосил бўлишида иштирок этади. Ҳосил бўлган пируват (ПГК) кислотаси ҳам крахмалнинг ҳосил бўлиши учун сарфланади.

Фотосинтезнинг бу йўли асосан қуяли қурғоқчиликка чидамли бўлган суқкулентлар (Стассуласеае) оиласи (кактуслар, атава, алоэ ва бошқалар) вакилларида содир бўлади. Бу инглизча Стассуласеае оид metalolism тушунчасидан келиб чиқиб, САМ йўли дейилади.

Умуман фотосинтезнинг бу йўлида кечаси кабул қилинган CO₂ ҳудуди фотосинтезда иштирок этади.

3.6. ЁРУГЛИКЛА НАФАС ОЛИШ


Ўсимликларда ёруғлик тавсарида кислороднинг кабул қилиниши ва карбонат ангидриднинг ажралиб чиқиши ёруғликда нафас олиш дейилади.

Нафас олишнинг бу тури митохондрияларда бўлган ва кимёвий энергия ажратилиши билан тавсифланган оксидатив нафас олишдан тубдан фарқ қилади. Ёруғликда нафас олиш жараёнида учта органик: хлоропластлар, пероксисомалар ва митохондриялар иштирок этадилар (35-чиизма).

Ёруғликда нафас олиш хлоропластларда бошланади. Фотосинтез жараёнида органик маҳсулот сифатида гликолат кислотаси ажралади:




Гликолат хлоропластлардан пероксисомаларга ўтади ва ташқаридан кабул қилинган кислород ёрдамида то глиоксилат кислотасигача оксидланади:



Оралик маҳсулот сифатида ажратган водород пероксид каталази ферментин ёрдамида парчаланadi. Глиоксилат аминланиш йўли билан глицинга айланади:



Ҳосил бўлган глицин митохондрияларга ўтказилади ва у ерда икки молекула глициндан серин ҳосил бўлади ва CO₂ ажралади. Серин яна пероксисомаларга ўтказилади ва оралик реаксиялар натижасида глицерат кислотаси ҳосил бўлади. Кейинчалик глицерат хлоропластларга ўтказилади ва Калвин циклида иштирок этади. Бу жараён гликолат кислотасининг ҳосил бўлишидан бошлангани учун гликолатги йўл ҳам дейилади. Бу йўл ёруғликда нафас олиш жараёнининг даражада содир бўлади. Айрим ҳолларда 50 фоизгача етади. Лекин бу жараён C₄ ўсимликлариди яхши сезилмайди. Чунки ажралиб чиққан CO₂ мезофилда ҳужайралариди ушланади, фосфенолпируват(ФЕП) билан қўшилиш натижасида оксалоацетат ва малат кислоталари ҳосил бўлади. Кейинчалик улардан ажралган CO₂ хлоропластларга ўтади ва фотосинтезда иштирок этади. Шунинг учун ҳам C₄ ўсимликларда фотосинтез маҳсулдорлиги юқори бўлади.



35-чизма. Ёруликда нафас олиш (фототеххонин) жараёнининг шакли.

3.7 ФОТОСИНТЕЗ ЭКОЛОГИЯСИ

Фотосинтез экологияси деганда, фотосинтез маҳсулдорлиги ташқи шароит омилларининг таъсирита боғлиқ эканлиги тушунилади. Бу омилларнинг таъсири ва ўсимликларнинг бу таъсирларга мослашуви ўсимликшуносликда катта аҳамиятга эга. Чунки фотосинтез жадаллиги ва маҳсулдорлиги шу муносабатта боғлиқ.

Фотосинтез жадаллиги деб бир метр квадрат ёки дм² барг юзаси ҳисобита бир соат давомида ўзлаштирилган CO₂ ёки ҳосил бўлган органик модда микроорга айтилади.

Фотосинтезнинг соф маҳсулдорлиги деб бир кеча-кундуз давомида ўсимлик қуруқ массасининг барглари юзаси ҳисобита ортлиш нисбатида айтилади. Кўпчилик ўсимликлар учун бу 5-12 г/м² га тенг.

Фотосинтез энг муҳим физиологик жараёнларидан бири бўлиб, ўсимликлар томонидан бошқарилди ва уларнинг бошқа функцияларида ҳам таъсир этади. Шунинг учун ҳам бу жараёнга ташқи ва ички омилларнинг таъсирини ўрганиш катта аҳамиятга эга.

ЎРУЛИК. Ёрулик фотосинтезнинг асосий ҳаракатантирғувчи кучи бўлиб, унинг жадаллиги ва спектрал таркиби катта аҳамиятга эга. Ўрулик спектрдаги фаол (400-700 нм) нурларнинг 80-85 фоизини барглтар ютади. Лекин шундан фақат 1,5-2 фоизи фотосинтез учун сарфланади, қыни қимёвий энергияга айланиб, органик моддалар таркибиди (макро-эрлик болларда) тўпланиди. Қолган энергиянинг 45 фоизи транспирация учун ва 35 фоизи иссиқлик энергиясига айланиб сарфланади.

А.С.Фаминшиннинг кўрсатишича (1880), фотосинтез энг лагт ёруликда, ҳатто керосин лампасининг ёрулигиди ҳам бўлиши мумкин. Айрим олимларнинг кўрсатишича, фотосинтез кечки номозлом ва баъзи минтакаларда ёруғ кечаларда (оқ тун) кучсиз бўлса ҳам давом этади.


Кўпчилик ўсимликларда фотосинтез тезлиги ёрулиқнинг жадаллигига боғлиқ. У тўла куёш ёрулиқнинг 1 гача олиб боради. Ёруликсевар ўсимликларда эса тўла куёш ёрулиқнинг 1 гача олиб боради. Ёрулик кучининг бундан олиб бориши фотосинтезга камроқ таъсир этади.

Фотосинтезнинг ёруликка тўйинган (максимал) ҳолати ўсимлик турларига боғлиқ. Бу даража ёруликсевар ўсимликларда анча юқори, сояга чинамлиларда эса паст бўлади. Масалан, айрим сояга чидамли ўсимликларда (маршанция мохилда) фотосинтезнинг ёруликка тўйинган ҳолати ёрулик 1000 лк бўлганда юз бериши, ёруликсевар ўсимликларда эса 10000-40000 лк да юз бериши. Кўпчилик қишлоқ ҳўжалик экинлари ҳам ёруликсевар ўсимликлар гурӯҳига киради. Ёруликнинг максимал даражадан юқори бўлиши хлорофилларнинг ва хлоропластларнинг бузилишига сабабчи бўлиши мумкин, натижада ўсимликларнинг маҳсулдорлиги камаяди.

Энг юқори ёруликда фотосинтез жадаллиги ўсимликларнинг нафас олиш тезлигидан сезиларли даражада баланд бўлади, яъни фотосинтез учун ютилган CO₂ нинг микро нафас олиш жараёнида ажралиб чиққан CO₂ нинг микролидан кўп бўлади. Ёруликнинг пасайиб бориши натижада эса CO₂ лар ўртасиди фарқ ҳам камейиб боради. Фотосинтез жараёнида ютилган CO₂ нинг микроли билан нафас олишдан ажралиб чиққан CO₂ нинг микроли тенг бўлган ёрулик даражаси — ёруликнинг компенсация нуктаси дейилади. Ёруликнинг компенсация нуктаси софга чидамли ўсимликларда куёш ёрулиқнинг 1 фойизда, ёруликсевар ўсимликларда 3-5 фойизда содир бўлади.

Бүргөлүкнүн фотосинтездагы самарадорлтигита бошка омиллар ҳам тавсир этиди. Масалан, Һаводаги CO_2 нинг миқдори кам ва Һарорат паст бўлганда бүргөлүк жадаллтигининг ошиб бориши жуда кам тавсир этиди. Һаво таркибидати CO_2 нинг миқдори билан бүргөлүкнүн биргалтикта ошиб бориши фотосинтез тезлигини ҳам оширади (36-чизма).

Фотосинтезда бүргөлүк нурларининг спектрал таркиби ҳам муһим рол ўйнайди. Спектрининг қизил нурлари тавсирда фотосинтез жадаллтиги энг юқори даражада кечеди. Чүнки бу нурлар бир кванттининг энергияси 42 ккал/молга тенг бўлиб, хлорофилл молекуласини қўзғалган Һолатта ўтказди ва энергияси фотохимевий реакциялар учун тўла фойдаланилади. Спектрининг күк қисмидати нурларининг бир квантида 70 ккал/мол энергия бўлиб, уни қабул қилган хлорофилл молекуласи қўзғалган Һолаттининг юқори даражасига ўтди ва то фотохимевий реакцияларда фойдалангунча бир қисми иссиқлик энергиясига айланиб атрофта тарқалади. Шүнинг учун ҳам бу нурларининг унумлиги камрок бўлади. Лекин фотосинтез учун энг қулай бўлган қизил нурларга тўйинган қизил нурлар Һисобидда 20 фоиз күк нурлар қўшилиса, фотосинтезининг тезлиги ошади.



36-чизма. Фотосинтез жадаллтигиде бүргөлүк ва CO_2 нинг ўзаро таъсири (Б.А.Рубин, В.Ф.Гавриленко, 1977).


КАРБОНАТ АНГИДРИДНИНГ КОНЦЕНТРАЦИЯСИ. Фотосинтез учун энг зарур бўлган бирикмалардан бири CO_2 Һисобланади. Унинг миқдори Һаво таркибида 0,03 фоизни ташкил этиди. Бир тектар ер устидаги 100 м Һаво қатламидда 550 кг CO_2 бўлади. Шундан бир кеча-кундуз мобайнида ўсимликлар 120 кг CO_2 ни ютади. Лекин атмосферадаги CO_2 нинг миқдори табиғатда мавжуд бўлган карбонат ангидриднининг доимий миқдорини саклаб қолади. Һатто атмосфера таркибида CO_2 нинг аста-секин қупайиш жараёнлари сезилмоқда.

Һаво таркибидати CO_2 нинг миқдорини 0,03 фоиздан то 0,3 фоизгача қупайтириш фотосинтез жадаллтигини ҳам оширади (37-чизма). Ўсимликларни қўшимча CO_2 билан озиклантириш, айниқса, иссиқхоналарда ўстирилгилган қишлоқ хўжалик экинлари учун фойдалидир. Бу усул билан уларнинг Һосилдорлтигини ошириш мумкин. Аммо қўшимча CO_2 билан озиклантириш фақат C_4 ўсимликларнинг Һосилдорлтигини оширишга қучли тавсир этиди, C_3 ўсимликларига эса таъсир этимайди. Чүнки C_4 ўсимликлари ўз танасида CO_2 тўплаш ва ундан фойдаланиш Һусусиятига эга.

Иссиқхоналарда Һаво таркибидати CO_2 нинг миқдорини 0,2-0,3 фоизга етказиш, айниқса, сабзавот ўсимликларига яқши таъсир этиб, уларнинг Һосилдорлтиги 20-50 фоиз ва Һатто 100 фоизгача қупайиши мумкинлиги аниқланган.

ҺАРОРАТ. Һарорат ўсимликларнинг Һамма тириклик жараёнларига таъсир этиди. Фотосинтез жараёни учун асосан учта Һарорат нуқтаси мавжуддир: 1) минимал — бу даражада фотосинтез бошланади; 2) оптимал — фотосинтез жараёни учун энг қулай Һарорат даражаси; 3) максимал — бу энг юқори Һарорат даражаси бўлиб, ундан озгина ортса фотосинтез тўхтаб қолади.

Һарорат нуқталарининг даражаси ўсимлик турларига боғлиқ бўлади. Минимал Һарорат шимоллий кенгликка ўсадиган ўсимликлар (қарағай, арча ва бошқалар) учун - 15°C, тропик ўсимликлари учун эса 4-8°C атрофида бўлади. Қўйиллик ўсимликлар учун Һарорат 25-35°C бўлганда энг жадал




37-чизма. Фотосинтез жадаллтигиде CO_2 концентратиясининг таъсири (В.А.Чесноков, 1955).

фотосинтез содир бўлади. Хароратнинг уялган ошиб бориши фотосинтезни ҳам секинлаштирилади ва 40°C га етганда тўхтаб қолади (38°C -гача).

Харорат 45°C га етганда эса айрим ўсимликлар ўла бошлайди. Айрим чўл ва эдирларда яшайдиган ўсимликларда 58°C да ҳам фотосинтез тўхтамай давом этади. Умуман, фотосинтез жараёнига ёруғлик, CO_2 , минералдор ва харорат биргаликда мураккаб алоқадорликда таъсир этади.

СУВ. Фотосинтез жараёнида сув жуда катта омилидир. Чунки сув асосий оксидатив субстрат — ҳавога ажралиб чиқадиган молекуляр кислород ва CO_2 ни ўзлаштириш учун водород манбаи бўлиб ҳисобланади. Бундан ташқари барглarning мейёрида сув билан таъминланиши: оғизчаларнинг очилиш даражасини ва CO_2 нинг ютилишини, барча физиологик жараёнларнинг жадаллигини, ферментатив реакцияларнинг йўналишини таъминлайди.

Барг тўқималарида сувнинг жуда кўп ёки камлиги (айниқса, кур-роқчиллик шароитида) оғизчаларнинг ёпилишига, натижада фотосинтез жадаллигига ҳам таъсир этади. Сув танқислиги ёки камчилигининг узоқ муддатта давом этиши электронларнинг циклик ва циклиз транс-



38-чиизма. Харорат фотосинтезнинг жадаллигига хароратнинг таъсири (Б.А.Рудин, Г.Ф.Гарришанко, 1977).

порти, ёруғликда фосфорланиш, АТФларнинг ҳосил бўлиши жараёндарига салбий таъсир этади.

ИЛДИЗ ОРҚАЛИ ОЗИҚЛНИШ. Ўсимликлар илдиз орқали тулроқдан жуда кўп элементларни (N, P, K, Ca, S, Mg, Fe, Mn, Si, Zn, Al ва бошқалар) ўзлаштирилади. Бу элементлар хлоропластлар, пигментлар, ферментлар, оксидлар, ёғлар, углеводлар ва бошқаларнинг таркибига қиради. Шунинг учун ҳам ўсимликларнинг ҳаводан ва тулроқдан озиқланиши ўзвий равишда бир-бири билан боғлиқ.

Хлоропластларнинг тўзиммавий шакли (ички мембраналар, ламеллалар, граналар ва пигментларнинг ҳосил бўлиши) фақат мейёридаги илдиз орқали озиқланиш шароитида ривожланади. Азот ва фосфор етишмаган шароитда хлоропластларнинг тўзиммавий шакли емирилади бошлайди. Пигментларнинг синтез жараёни секинлашади ва ҳатто тўхтаб қолади. Азот ва магний хлорофилнинг таркибига қиради. Демак, улар етмаса, хлорофил ҳосил бўлмайди ва фотосинтезга таъсир этади.

Темир ҳам шитохромлар, ферродоксин, хлорофиллаза ва бошқа ферментларнинг таркибига қиради. Мис пластоцианин ферментининг таркибига қиради. Бу ферментларнинг фаоллиги фотосинтез жадаллигини таъсирлайди.

Озика таркибиде фосфорнинг етишмаслиги натижада фотосинтезнинг ёруғликда ва қоронғиликда бўлладиган реакциялари бўзрилиши мумкин. Умуман, фосфор миклорининг етишмаслиги ҳамда ошиқчаси фотосинтез жадаллигини пасайтиради.


Ўсимликларнинг минерал элементлар билан таъминланиши даражаси фотосинтезнинг маҳсулдорлигини белгилайди. Уларни етарли даражада минерал элементлар билан таъминлаш ёруғлик энергиясини ютиш ва ўзлаштиришни, CO_2 миклоридан самарали фойдаланишни оширади. Бу эса қиллоқ хўжалик экинларида ҳосилдорликни кескин оширишни таъминлайди.

КИСЛОРОД. Барча ўсимликларда фотосинтез жараёни аэроб шароитда содир бўлади ва эволюция жараёнида ўсимликлар шунга мослашган. Шунинг учун ҳам анаэроб шароит ва ҳаво таркибиде кистлорднинг миклори 21 фоиздан кўп бўлиши фотосинтезга салбий таъсир этади. Ёруғликда нафас олиш жараёни кучли бўлган ўсимликларда (C_3 ўсимликлар) кистлорд миклорининг 21 фоиздан 3 фоизгача қаймайши фотосинтезни жадаллаштиригандлиги, ёруғликда нафас олиш жараёни кучсиз бўлган ўсимликларда (C_4 ўсимликларда) фотосинтез ўзгармагани аниқланган.

Атмосферада кистлорд концентрациясининг 25-30 фоиздан орттиши фотосинтезни пасайтиради ва ёруғликда нафас олиш жараёнининг тезлашишига сабаб бўлади.

3.8. ФОТОСИНТЕЗНИНГ КҮНЛИК ВА МАВСУМИЙ ЖАДАЛЛИГИ

Юқорида кўриб ўтилган ташқи шароит омиллари фотосинтезга бир-галликда комплекс ҳолатда таъсир этади. Айниқса, ёруғлик, харорат ва сув миклори кучли таъсир этиб, уларнинг кун давомида ўзариши натижада фотосинтезнинг кунлик жадаллиги таъсирланади.



39-чижа. Ғуза фотосинтезининг кундизги узгарыши (Ю.С.Носиров, 1956):
 А—тулгаш фазасыда; Б—кусақлаш фазасыда; 1—фотосинтез жадаллыгы;
 2—еруглик; 3—харорат; 4—хавонинг нисбий намлиги; 5—карбонат анги-
 ридининг концентрацияси.

Эрталаб куннинг чика бошлашидан фотосинтез ҳам бошланади. Куннинг урта қисмигача фотосинтез жадаллыгы ортиб боради. Чунки еругликнинг ва хароратнинг ортиб бориши бунга сабаб булади. Энг юкори фотосинтез куннинг урта қисмида (соат 12-14 ларда) содир булади. Кечга томон яна фотосинтез жадаллыги пасайиб боради, бу ҳам еругликнинг ва хароратнинг узариши асосида содир булади. Фотосинтезининг бу турин бир чуккили (ёки бир максимумли) дейилади. Бир чуккили фотосинтез кут усимликларда ва айниқса, урта иктым шароитларда содир булади. Фотосинтезининг иккинчи тури икки чуккили (максимумли) дейиладди. Фотосинтезининг бу тури жула иссиқ шароитда яшайдиган усимликларда содир булади. Масалан, буни ўзбекистон шароитида ёз кунларида кузатиш мумкин. Эрталаб еругликнинг бошланиши билан фотосинтез жараёни ҳам бошланиб, соат 10-11 ларда энг юкори жадалликка эришади. Чунки бу вақтларда усимликлар энг кулай еруглик, харорат ва сув билан

таъминланган бўлиб, оғизчалар очик ва CO₂ нинг ютилиши ҳам жадаллашган булади. Куннинг урта қисмида (айниқса, соат 13-14 ларда) фотосинтез секинлашган ёки тухтаган бўлиши мумкин. Чунки куннинг урта қисмига яқинлашганда харорат максимумга яқинлашган ёки ундан ошган бўлиши мумкин. Бундан ташқари сувнинг кам бўлиши сабабли (камчилигининг кутарилиши) оғизчаларнинг ётилиши ва CO₂ нинг ютилиши камади. Бундай куннинг урта қисмида фотосинтезининг секинлашиши ёки тухтаб қолишига фотосинтез депрессияси дейилади. Куннинг иккинчи ярмида фотосинтез яна жадаллашиб, юкори нуқтага кутарила бошлайди ва кечга томон яна пасая боради (39-чижа).

Усимликларнинг онтогенезида ҳам фотосинтез жадаллыги узаради. Кутушлик усимликларда фотосинтез жадаллыги усимининг бошланишидан то шоналаш-тулгаш фазасигача ортиб боради ва максимум даражага эришади. Кейинчалик эса аста-секин пасая боради. Бу асосан усимликларнинг моцла алмашинуви жараёнининг фаоллиги нагжаасидир.

Вегетация даври кусақа булган эфемер усимликлари фотосинтез жадаллыгининг максимумал даражаси март ойининг охири — апрел ойининг бошларига, яъни меза тулгашининг бошланиш даврига тури келади. Бугасимон ва дарахсимон кут йиллик усимликларнинг бошланишидан олдин содир булади. Кузга томон фотосинтез жадаллыги пасая боради.

3.9. ФОТОСИНТЕЗ ВА ХОСИЛДОРЛИК

Фотосинтез жараёнида усимликларда органик моцла хосил булади ва тулпана боради. Бу органик моцланингу умумий миқдори фотосинтез ва нафас олиш жараёндарининг жадаллыгига, яъни фотосинтез жараёнида хосил булагетган органик моцланингу нафас олиш жараёни учун сарфланаётган органик моцла нисбатига боглиқ булади:

$$A = F - D,$$

бу ерда, А—тулпанган органик моцла миқдори, F — фотосинтез жараёнида хосил булган органик моцла миқдори, D — нафас олиш жараёнига сарфланган органик моцла миқдори.

Дала шароитида органик моцланингу хосил бўлишини ва тулпанишини инфолаговчи фотосинтезининг соф махсулдорлигини куйидаги формула билан аниқлаш мумкин:

$$Ф = \frac{V_2 - V_1}{(t_1 + t_2) T}$$

бу ерда, V_1 ва V_2 — тажрибанинг бошланишида ва охирида ўсимликда ҳосил бўлган қуруқ модда миқдори (g), L_1 ва L_2 — тажрибанинг бошланашида ва охирида ўсимлик баргининг сатҳи (m^2), T — тажриба давомидаги кунлар сони, Φ — тўпланган органик модданинг миқдори (g/m^2 бир кеча-кундуз). Бир кеча-кундуз давомида тўпланадиган органик модданинг миқдори вегетация давомида ўзгариб туради ва у жуда оз миқдордан бошлаб то 15-18 g/m^2 гача бўлиши мумкин.

Фотосинтез жараёнида ҳосил бўлган ва тўпланган органик модда икки тўрухта бўлинади: 1) биологик ($Y - Y_{\text{биол}}$); 2) ҳўжалик ($Y - Y_{\text{ҳўж}}$).

Ўсимлик танасида вегетация даврида синтез бўлган қуруқ модданинг умумий миқдори биологик ҳосил дейилади. Биологик ҳосилнинг ҳўжалик мақсадларига ишлатиладиган қисми (донлари, уруғлари, илдиз мевалари ва бошқалар) ҳўжалик ҳосили дейилади.

Ҳўжалик ҳосилнинг миқдори ҳар хил ўсимликларда турлича бўлади ва бу коэффициент ($K_{\text{ҳўж}}$) билан ифодаланади:

$$K_{\text{ҳўж}} = \frac{Y_{\text{ҳўж}}}{Y_{\text{биол}}}$$

Умуман, қуйидаги шартлилар яратилганда энг юқори ҳосилдорлик даражасига эришиш мумкин: 1) экинзорларда барт сатҳини кўпайтириш; 2) фотосинтетик органикнинг феол ишлаш даврини узайтириш; 3) фотосинтезнинг жадалигини ва маҳсулдорлигини ошириш; 4) фотосинтез жараёнида синтезланган органик моддаларнинг ҳаракатини ва ўсимлик аъзоларида қайта тақсимланишини тезлатиш ва ҳоказолар.

Бунинг учун эса ҳамма агротехник тадбир ва чоралар (ўғитиш, сугориш, срга ишлов бериш, зараркунандаларга қарши куралиш ва ҳоказолар) ўз вақтида сифатли ўтказилиши зарур.

IV БОБ

ЎСИМЛИКЛАРНИНГ НАФАС ОЛИШИ

4.1. ЎСИМЛИКЛАР ҲАҲТИДА НАФАС ОЛИШНИНГ АҲАМИЯТИ

Фотосинтез жараёнида ҳосил бўлган шакрлар ва бошқа органик моддалар ўсимлик ҳужайраларининг асосий озиқа моддалари ҳисобланади. Бу органик моддалар тарқибда кўп миқдорда қимёвий энергия тўпланиб, нафас олиш жараёнида ажралиб чиқади ва ҳужайрадаги барча синтетик реакцияларни энергия билан таъминлайди. Ўсимликлар ҳужайраларида бошланган оксидатив реакциялар органик моддаларнинг кислород иштирокида аэроганаик моддаларга (CO_2 ва H_2O) парчаланishi ва қимёвий энергия ажралиб чиқиш жараёни нафас олиш дейилади. Бу жараёнининг шаклини тенгламасини қуйидагича кўрсатиш мумкин:



Нафас олиш муҳим физиологик жараён бўлиб, барча тирик организмларда хос хусусиятидир. Бунда углеводлар муҳим аҳамиятта эга. Бироқ углеводларнинг тирик организмларда бажарилган вазифаси фақат уларга энергия етказиб бериш билан яқунланмайди. Уларнинг парчаланishiда бир қатор органик бирикмалар ҳосил бўлади. Бу бирикмалар ўсимликлар танасида учрайдиган бошқа органик моддаларнинг (сеплар, аминокислоталар ва бошқалар) асосини ташкил этади. Демак, ўсимлик танасидаги органик моддаларнинг турли хиллигида нафас олишнинг аҳамияти катта.

Лекин ўсимликларнинг (хайвон ва одамларникига ўхшаш) махсус нафас олиш аъзолари бўлмайди. Уларнинг барча ҳужайралари ва тўқималари мустақил нафас олиш хусусиятига эга. Барча тирик ҳужайраларнинг органикди саналадиган митохондриялар нафас олиш аъзоси ҳисобланади. Ана шу митохондрияларда мўраққаб органик бирикмалар (асосан углеводлар) ферментлар тизими иштирокида кислород ёрдамида оксидланиб, сув ва CO_2 га парчаланаяди. Бу реакциялар тизими *биологик оксидланиш* дейилади.

Тирик организмларда борадиган нафас олиш жараёнида кислороднинг ролини дастлаб ХУШ асрнинг охириларида француз олими А.Л. Лавуазе қимий асослаб берган эди. У ўзининг 1773-1783 йилларида ўтказган бир қатор тажрибаларида нафас олиш ва ёниш жараёндарининг ўхшашлигини исботлаб берди. У нафас олишда ҳам худди ёнишдагидек атмосферадан кислород қотилади ва атмосферага карбонат ангидрид ажралиб чиқади, деб таъкидлади.

А.Л.Давязе ўз кузетишларига асосланиб, нафас олиш бу кислород ёрдамида органик моддаларнинг жуда ҳам сезкиклик билан ёнишидир, деган хулосага келишди. Таҳминан шу вақтларда (1777) Шелле уруғлар билан ўтказган тажриблари асосида унаётган уруғ солинган ёпик идишда кислороднинг миқдори камайиб, CO_2 нинг миқдори кўпайганини аниқлади.

1778-1780 йилларда Я. Ингенхауз яшил ўсимликлар қоронғида кислородни ютиб, карбонат ангидрид чиқарди ва бу жихатдан ҳайвонларга ўхшайди, ўсимликларнинг яшил бўлмаган қисмлари эса ёрўгликда ҳам кислород ютиши мумкин, деган хулосага келди.

илдиэлари оладиган ҳолатга келтириши мумкин. Денгиз суввида натрий жула кўп, калий эса оз бўлади, лекин шунга карамай, денгиз сувўтлари таркибида натрийдан кўра калий кўпроқ. Бу ўсимликларнинг ўзига зарур элементларни тўллашини кўрсатади. Натрийнинг ўсимликлардаги роли тўла ўрганилмаган.

Тўпроқдаги натрий микроэлимининг кўпайиб кетиши ўсимликлардаги катионлар баланси бузилишига олиб келади.

ХЛОР. Ўсимликлар кулида маълум миқдорда хлор мавжудлиги аниқланган. Кейинги йиллардаги изланишлар натижасининг кўрсатишича, хлор ҳам ўсимликлар учун зарур элемент ҳисобланади. У карбоксилаза ферментининг таркибига кириди. Бошқа ионларнинг, айниқса, фосфор анионининг ўсимликларга қабул қилинишини тездаштиради. Тўпроқдаги хлорни тузлар физиологик нордон тузлар қаторига кирилади. Шунинг учун ҳам улар фосфатидлардан фосфор анионини ўзлаштиришни тезлаштиради ва ҳужайра ширасининг осмотик потенциалини ҳосил қилишда иштирок этади.

Хлор ҳужайралардаги оксидатив фосфорланиш ва ёруғликда фосфорланиш жараёнларини фаоллаштириш йўли билан ўсимликларнинг энергия алмашинуви жараёнида ҳам иштирок этади. Ўсимлик илтиза-рининг кислородни ютиши ва фотосинтез жараёнида кислород ажрати-чиқини ҳам хлор иштирокида фаоллашади. Умуман, ўсимликлар меъришда ўсиши ва ривожланиши учун бироз бўлса ҳам хлор зарур.

КРЕМНИЙ. Турли ўсимликларда кремний турли миқдорда учрагани учун В. И. Вернадский уларни уч гурӯҳга бўлади : 1) Кремнеорганиклар - бу ўсимликлар таркибида кремний 10 фоиздан кўпроқ бўлади (диатом сув ўтлари ва соликофлагеллаталар); 2) таркибида 1-2 фоиздан кўпроқ кремний сақловчилар (қирқбўғимлар, мохлар, папоротниксимонлар); 3) таркибида 0,1-0,0001 фоизгача кремний бўладиган барча ўсимликлар.

В. И. Вернадскийнинг кўрсатишича, биронта тирлик организм ҳам кремнийсиз яшай олмайди. Тўпроқда кремний жула кўп. Унинг ўлгиродаги нисбати (кремний : углерод) 276:1 га ва гумуста — 15:1 га тенг.

Диатом сувўтларида кремнийли паншир ҳосил бўлиб, у муҳорфа вазифасини бажаради. ДНКнинг синтези жараёнида иштирок этиш йўли билан ўсимликларнинг кўпайишига ҳам таъсир этади. Организмда аминокислоталар, оқсиллар, хлорофиллар синтезини кучайтиради.

Кишлоқ ҳўжалик ўсимликлари (бугдой, арпа, сули, шолга ва бош-қалар) ва дарахсимонлар тўпроқдан кремнийни фаол ўзлаштиради. Ўсимликлар танасида аорганик кремнийни органикка айлантиривуви махсус фермент — сидликазалар топилган. Лекин ҳозиргача кремнийнинг организмдаги роли тўла ўрганилмаган.

МАГНИЙ. Ўсимлик кули таркибида магний бошқа элементлар азот, калий, кальцийга нисбатан камроқ учрайди. Юқори ўсимликларда қуруқ оғирлигига нисбатан 0,02-3,1 фоизгача, сувўтларида 3,0-3,5 фоиз

бўлиши мумкин. Кисқа кунли ўсимликларнинг (маккажўхори, та-булиши мумкин, картошка, далаги, тамаки ва бошқалар) бир кило-рик, канош, картошка 300-800 мг магний бўлиши мумкин. Шундан 30-грамм ҳўл баргида 300-800 мг магний бўлиши мумкин. Шундан 30-грамм ҳўл хорофилли таркибига кириди. Магний уруғларда ва ўсимлик-нинг ёш органдларида кўпроқ учрайди.

Тўпроқда магний карбонатлар шаклида, сидликалар, сульфат-лар, хлоридлар таркибида, подзол тўпроқларда кам ва бўз тўпроқ-ларда кўпроқ бўлади. Сувда эрийдиган ва ўзлаштирадиган маг-ний 3-10 фоиз бўлиши мумкин. Агар тўпроқда магнийнинг миқдори ҳар 100 г тўпроқда 2 мг дан кам бўлса, магнийнинг етишмаслик белгилари кўрина бошлайди. Магнийни ўсимликлар (Mg^{2+}) катиони ҳолатида ўзлаштиради.

Ҳужайрада магний металлоорганик бирикмалар таркибига кириди. Уму-мий магнийнинг тахминан 10-12 фоизи хорофилли таркибига кириди. Магнийнинг бу функциясини биронта бошқа элемент алмаштиролмайди. Магний ҳужайранинг модал алмашинуви жараёнида фаол иштирок этади. Бир қанча ферментларнинг (РФД - карбоксилаза) фаоллигини кучайтиради. Фотосинтез жараёнида электронлар ҳаракатини тезлаштиради ва НАДФ қайтарилиши учун керакли бўлиб ҳисобланади. Магний фосфат гурӯҳларини ташувчи ферментларнинг (фосфокиназалар, фосфаттрансферазалар, АТФазалар, пирофосфатазалар) дезрили ҳаммасининг фаоллигини кучайтиради.

Магний гликолиз ва Кребс циклида иштирок этувчи кўп ферментлар учун зарур элемент ҳисобланади. Митохондрияларда ва рибосомаларда магний етишмасликда уларнинг тузгамайви бўлиши кузатилади. Гликолиз жараёнида иштирок этадиган олтига фермент таркибида фақат магний иштирок этади : гексокиназалар, фосфофруктокиназалар, енолазалар ва пируваткарбоксилазалар. Кребс циклидаги фумаразадан ташқари ҳамма ферментлар магний иштирокида фаоллашади.

Булардан ташқари магнийнинг эфир ёллари, қачуқ, витаминлар-дан А ва С ларнинг синтезини кучайтириши аниқланган. Рибосомалар ва полисомалар ҳосил бўлишида иштирок этади.

Умуман, ўсимликлардаги модал алмашинуви жараёнларининг жула кўп реакцияларида магний иштирок этади. Унинг кам бўлиши ёки етмай қоллиши ўсимликларнинг зарарланишига олиб келади.

ТЕМИР. Ўсимликларнинг модал алмашинуви жараёнида темир ҳам муҳим рош ўйнайди. Темирнинг ўсимликлардаги миқдори ўртача 0,02-0,08 фоизга (ёки 20-80 мг қуруқ оғирлик ҳисобида) тўри келади.

Ёр қобилида темир миқдори анча кўп. Сув билан туйинган, аэрация кан тўроқларда темир тўпроқ коллоидлари билан мустаҳкам бирик-ниш моддалар (сулфидлар, карбонатлар, фосфатлар) ҳосил қилади. У орта-нонлар (Fe^{2+} , Fe^{3+}) шаклида ўзлаштиради. Нордон тўпроқларда ўзлаш

тирилиши кучли боради. Усимликлар баргида оксидлар ҳолатида тушадимили хусусиятига эга. Шунинг учун ҳам барглар тўқилганда (айниқса, ҳазорезлик пайтида) тўпроқ темир билан бойилади.

Дастлаб Кноп тажрибаларидаёқ темир бўлмаса, ўсимликларнинг барглари яшил рангини йўқотиши аниқланган эди. Шунинг учун ҳам темир хлорофил таркибига кирса керак, деган фикр туғилган эди. Лекин Р.Вилштеттер ўз тажрибаларида хлорофил таркибига темир эмас, балки магний киришини кўрсатди. Кейинчалик темир хлорофилнинг синтезида иштирок этадиган хлорофиллаза ферменти таркибига кириши аниқланди.

Темирнинг роли хлорофил ҳосил бўлишида иштирок этиш билан чегараланмайди. У оксидланиш - қайтарилиш реакцияларида иштирок этувчи ферментлар (ҳамма пптохромлар, каталаза, пероксидаза) таркибига кирсади ва шунинг учун фотосинтез, нафас олиш жараёнларида катта аҳамиятга эга. Аэот алмашинувида ҳам таъсир кўрсатади. Темирнинг ўзлаштирилиши қийин шароитда (айниқса, оҳагли тўпроқларда) хлороз пайдо бўлади. Бунда ўсимликлар баргининг томирлари яшилтигича қолиб, пластинкаси рангсизланиши, сатҳи қырашади. Фотосинтез ва нафас олиш кучи ҳам пасайиб, Ферритинлар қуруқ оғирлигининг 23 фоизи темирга тўри келади ва у кўп миқдорда пластидларда жойлашган бўлади.

Одатда тўпроққа темир ўнги солинмайди. Чунки тўпроқларда ўзлаштирилган темир кўп бўлади. Лекин оҳаги кўп тўпроқларда темирнинг ўзлаштирилиши қийинлашади ва хлороз касаллиги бошланади. Кўшимча темир билан озиклантириш орқали бунинг олдини олиш мумкин. Кўшимча озиклантириш мақсадида тўпроққа хелатлар солиш тавсия этилади. Хелатлар — органик анионлар ва металллардан ташкил топган комплекс бирикмалар бўлиб, ўсимликлар уни яхши ўзлаштирилади ва темирга бўлган талаб тўла қондирилади.

Урта Осиё шароитида хлороз касаллиги кўпинча тоқзорларда, шит-рус ўсимликларида ва мевали дарахтларда учраб туради.

6.4.МИКРОЭЛЕМЕНТЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Ўсимликлар танасида асосий озуқа элементларидан ташқари жуда кўп микроэлементлар деб аталувчи кимёвий элементлар ҳам учрайди. Бу элементлар тўқималарда оз бўлса ҳам юқори биологик функцияликка эга. Уларнинг ҳар бири маълум физиологик функцияларни бажаради. Шунинг учун бирор микроэлементни бошқаси билан алмаштириб бўлмайди. Ўсимликда уларнинг миқдори 0,001-0,00001 фоизгача бўлиши мумкин. Улар тўпроқда, сувда, тоғ жинсларида ва барча тирик организмларда мавжуд.

Тўпроқда микроэлементлар икки — ўзлаштирилмайдиган, ўзлаштирилмайдиган шаклда бўлади.

Биринчиси сувда ва суоштирилган кислотода эринмайдиган тузлар, органик ёки анорганик бирикмаларни мисол қилиш мумкин. Уларнинг тўроққа кўп ёки оз бўлиши тўпроқнинг кимёвий таркибига боғлиқ.

Микроэлементларнинг ўзлаштирилмайдиган шакли сувда осон эринмайдиган тузлар бўлиб, улар асосий манбани ташкил этади ва қилшқ ҳужайра ўсимликларидан юқори ҳосил олиш шароитини яратди. Чунки микроэлементлар ўсимликдаги оксидланиш-қайтарилиш, фотосинтез, азот ва углевод алмашилиш жараёнларида фаол иштирок этади. Улар ферментларнинг фаол марказига кирди, ўсимликларнинг касалликларига ва ташқи шароитнинг ноқулай омиллари таъсирига чидамлилигини оширди. Микроэлементларнинг етишмаслиги эса ҳосилдорликнинг кескин қайишишига, касалликларнинг пайдо бўлишига, ўсимликларнинг ўсиш ва ривожланиши тўхтаб қолишига, ҳатто ўлишига сабаб бўлиши мумкин.

Микроэлементлар физиологик нуқтани назардан ҳар хил хусусиятга эга бўлган турли элементлар груҳини ташкил этади. Кейинги йилларда ўсимлик учун микроэлементлар ҳам макроэлементлар каби зарур эканлиги ва бу иккала груҳ бир-биридан фақат миқдор жиҳатидан фарқ қилиши аниқланди.

МАРГАНЕЦ. Дастлаб Бертран ва И.В.Мичуриннинг тажрибалари ўсимликлар ҳаётида марганец катта аҳамиятга эга эканлигини кўрсатди.


Тўпроқда марганец аморф оксидлар, карбонатлар шаклида, силикатлар таркибига бўлади. Ўсимликлар марганецни тўпроқдан катион (Mn^{2+}) шаклида ўзлаштиради. Унинг ўсимликдаги ўртача миқдори 0,001 фоиз ёки 1 мг/кг қуруқ масса ҳисобида бўлади. Айнақса, ўсимликларнинг баргларида кўп тўпланади. Масалан, Қруглованинг кўрсатиши бўйича, 100 г қуруқ масса Мисобига марганец тўза баргларида 24 мг, поқсида 2 мг, чанокларда 4 мг, чигида 2 мг ва толасида 1 мг бўлар экан.

Марганец фотосинтез жараёнида иштирок этиб, сувнинг фотолиз ва кислотоланинг ажратиб чиқиши, CO_2 нинг қайтарилишида муҳим рол ўйнайди. Бу микроэлемент ўсимликларда шакарларнинг синтез қилиниши, унинг барглардан бошқа органларга оқимини қулайтиради. Марганец нафас олиш жараёнида ҳам иштирок этиб, Кребс циклидаги маддатларотенез ва изоцитратдегидрогеназа ферментларини фаоллаштириди. Марганец ўсимликларнинг азот ўзлаштириш жараёнида ҳам фаол иштирок этади. Нитратларни ўзлаштиришда қайтарувчи, амоний ҳолдаги азотни ўзлаштиришда эса оксидловчи сифатида иштирок этади. Гидроксиламинредуктаза ферментининг фаол марказига кирди ва нитратларнинг қайтарилишида иштирок этади. Марганец нуқсенин кислотала-нинг синтези жараёнида ҳам иштирок этади.

Тўроқларда марганец кўпчилига қарамай унинг ўзлаштирилмайдиган қисми оз бўлиши мумкин. Бу айнақса, нейтрал ва ишқорий реакцияларда эга тўроқларда кузатилади. Марганец етмаганда барг томирлари

тирок этади. Усимликларни рух билан озиклантириш аўсинларнинг туқамаларда кўпайишига ва ўсишнинг фаоллашишига олиб келади (60-чизма), зарарланади. Усимликлар ўсишдан тўхтайдди, баргларда хлороз бошланади, ҳосил тутиш издан чиқеди, фотосинтез жараёни пасаяди. Рух жулда кам бўлган ерларда цитрус ўсимликларининг касалланиши аниқланган. Шундай касаллик рўй берган вақтда тутроққа озроқ рух тузлари солиш тавсия этилади. Ҳар бир гектар ерда 6-10 кг рухни ($ZnSO_4 \cdot 7H_2O$) дан паст концентрацияли эритма тайёрлаб) ўсимликларга пурқаш тавсия этилади.

БОР. Бор жулда кўп ўсимликларнинг ўсиш ва ривожланиши учун зарур элемент ҳисобланади. Айниқса, зигир, рангли қарам ва қанд лавдати ўсимликлари бор бўлмаган озқуқли эритмада тез зарарланиши ва қуриб қолади (61-чизма). Умуман, икки паллали ўсимликлар борни бир паллалиларга нисбатан кўпроқ талаб этади.



60-чизма. *Памидорларнинг йеликка рух микроэлементининг таъсири:* А—рух билан тула таъминланган; Б—рух берилмаган; В—тузлашнинг бошланғичида рух берилган.

Усимликларда ўртача 0,0001 ёки 0,1 мг/кг қуруқ масса ҳисобида бор бўлади. Бор айниқса, ўсимлик тулларида, ҳужайра пўстида тулланади. Кўп физиологик жараёнларга таъсир этади. Бор тулчанларнинг ўнгиши ва чанг найларининг ўсишини тезлаштиради. Туллар, мевалар сонини кўпайтиради. Углеводлар, оксидлар ва нуклеин кислоталарнинг алмашиш нувига таъсир этади. Бор етмаганда репродуктив органларнинг шаклланиши—чангланниш ва меза тулганларининг ҳосил бўлиш жараёнари идан чиқеди. Усиш конуси биринчи навбатда нобул бўлади.



61-чизма. Бор микроэлементининг физиологик аҳамияти. Бор етмамағлиги нагложасида: а—рангли қарам поқсонини зарарланиши; б—лампалида ўяқ чирши касаллигининг бошланиши.

Профессор М.Я. Школьниковнинг кўрсатишича, бор элементи ферментлар таркибида кирмайди. Унинг таъсири таснифий ҳусусиятта эва. У ферментлар таъминлувида иштирок этади. Икки паллалилар туқималарида бор етмаган тақдирда феноллар ва аўсинлар кўп тулланиши аниқланган. Бу эва нуклеин кислоталари ва оксидларнинг синтезини издан чиқареди. Ферментлар жулда кўп тулланиганда тонопластнинг ўтказувчанлиги қуяради. Натяжада полифеноллар вақуоладан цитоплазмага чиқеди ва полифенолоксидга ферменти иштирокида хинонларга оқидланади. Хинонлар эва ўсимликни захарлайди. Усиш конуслари ўла бошлайди.

Уғит сифатида бор кислотасини (H_2BO_3) ишлатиш мумкин. Унинг таркибида 17 фоиз бор бўлади. Борли чиқиндилардан фойдаланиши ҳам яхши натижа беради.

6.5. МИНЕРАЛ ЭЛЕМЕНТЛАРНИНГ ЮГИЛИШ МЕХАНИЗМИ

Фанда анча вақт ўсимлик илдизларида тупроқдан минерал молдаларнинг кириши транспирацияга туғридан-туғри боғлиқ, яъни транспирация кучи таъсирида сувнинг ўсимлик илдизларида ва сўнра тана орқали баргларга қараб ҳаракат қилиш жараёнида жулда сувоқ тутроқ эритмаси ҳам даярли ўлгармасдан ўсимлик илдизларида кириди, деган фикр ҳукм сўрган. Кейинги йиллардаги текширишлар бу жараёнининг анча мураккаб эканлигини ва ўсимликка кириб, унда тулланаётган минерал молдаларнинг миқдорига мутаносиб бўлганлигини кўрсатди.

Шундай қилиб, ўсимлик илдизларида минерал тузлар ўзлуксиз сўриладиган сув билан пасив равишда кириди, дейилган тушунчанинг асосиз транспирация аниқланди. Лекин бундан минерал тузларнинг ўлаштирилишида Чунки илдиз ҳужайралари орқали трахея ва найларга ўтган минерал молдалар қилгема шираси ҳолатида ўсимликнинг бошқа органларига транспирация кучи орқали тақсимланади.

Иллизларнинг асосий сўрувчи қисминни ташки этган туқчалар туққан сув ва минерал элементларни ютади. Бу иккала жараён бир-бирига боғлиқ бўлса ҳам, уларнинг иллизларга кириш механизми ҳар хил. Чунки ўсимликларнинг минерал озиқланиши жуда мураккаб ҳуусиятга эга. У биофизик, биохимёвий ва физиологик жараёнларни ўз ичига олади ҳамда асосан икки боёқчида солир бўлади:

- 1) радиал транспорт;
- 2) ксилема ширасининг транспорт.



Радиал транспорт минерал молдалар иллиз туқчаларининг юзасидан ютилишидан бошланиб, ҳужайра қисмлари ва туқималар билан маълум мўносбатлари натижасида трахсиллар ва ксилема найларининг минерал молдаларга тўлиши билан яънгланади. Ксилема найларидаги шира эса ўсимликнинг бошқа қисмларида транспирация кучи ҳамда иллиз боёқчи хисобига кўтарилади ва тақсимланади.

Ўсимликларнинг туқималарида тўпланган озиқа молдаларнинг миқдори улар ўсиб турган шароитдаги миқдорига (яъни тулпроқдаги) нисбатан бир неча баравар кўп. Бу ўсимликлар ҳужайрасида зарур элементларни ташлаб юттиш ва уларни тўлилай оладиган махсус механизмлар мажбурийликдан далолат беради.

Минерал элементларнинг ҳужайрага ютилиши даставвал, ҳужайра пўстидан бошланади ва: сўнтра мембранада давом этади. Ҳужайра пўсти асосан целлюлоза, гемицеллюлоза ва пектин молдалардан иборат. Пектин молдаси ўз таркибида карбоксил гурўҳларни сақлайди ва хаттон алмашинув ҳуусиятига эга бўлади. Бу эса нисбатан зарарланган молдаларни тўлиш шароитини яратди. Натгжада моллар тулпроқ эритмасидан ҳужайра пўстига диффузияланади. Диффузияланиш жараёни пўстидаги эркин бўшлиқлар тўлиб, моллар концентратиниси ташқи эритманинг концентративисига тенлашунча давом этади. Ҳужайра пўстидаги эркин бўшлиқлар ўртача 5-10 ҳажмга эга бўлиб, пўстидаги молекулалараро, плазмолемма ҳамда пўст ўртасидаги бўшлиқлар бириндисиан иборат. Эркин бўшлиқларнинг минерал ионлар билан тўлиши олдий диффузияга асосланган. Унинг концентративиси ташқи эритма концентративисига боғлиқ. Тулпроқ эритмасининг концентративиси ўтарлиши эркин бўшлиқдаги элементлар миқдорига ҳам таъсир этади. Масалан, иллизлар тоза сувга солинса, эркин бўшлиқдаги ионлар сувга кўтиб чиқади. Ионларнинг пўстидаги эркин бўшлиқлардан пптоплазмага ўтказилиши алмашинув адсорбциясига асосланган, яъни пптоплазмадаги нефас олиш жараёнида ҳосил бўлган Н⁺ катионларга ва НСО₃⁻ (ОН⁻) эки органик кислоталарнинг анионлари минерал молдаларнинг анионларига алмашинади (62-чизма). Иллизнинг сўрувчи қисми билан тулпроқ заррачалари умумий коллоид тизимига ҳосил қилади ва у молдаларнинг адсорбцияланишида муҳим аҳамиятга эга бўлади. Иллиз туқчалари, олдийда тулпроқ заррачаларига маҳкам ёпишади ва ил-

лифли ўсимлик иллизларида алмашинуш реакциялари анча энгил бўлади. Пптолазмага ўтган ионлар метаболизм жараёнида иштирок этади. Охирти йилларда биологик мембраналарда транспорт механизми ҳар томонлама ўрганилди ва ҳар хил омиллар асосида турлича бўлиши аниқланди (63-чизма):


1. Агар молдалар липидларда эрувчан бўлса, у ҳолда улар мембрананинг липид фазасида олдий диффузияланади.
2. Липофил ташувчилар ёрдамида гидрофил молдаларнинг диффузияси.
3. Ион каналлари орқали олдий диффузия.
4. Молдаларни фаол ташувчилар (насослар) ёрдамида ўтказиш.



62-чизма. Тулпроқ зарралари ва иллиз ҳужайралари ўртасида ионларнинг алмашинув шикли (В.В. Лодовой, 1989).

5. Молдаларни экзоцитоз ва эндоцитоз йўллари билан ўтказиш. Молдаларнинг мембраналар орқали бундай ҳаракатлари фаол ва суст ҳуусиятга эга бўлади (64-чизма).

Молдаларнинг (эки ионларнинг) градиентга асосан олдий диффузияланиш йўли билан эки ташувчилик вазифасини бажарувчи махсус оксил-ронтда иштроқдада ўтишга суст транспорт (ташви) дейилади. У ташқи шасоллар ионларнинг концентративиси ҳужайрадаги миқдордан кўп бўлганда градиентга қарама-қарши солир бўлади. Яъни ҳужайрадаги молдаларнинг концентративиси ташқи шароитдаги нисбатан бир неча баравар кўп бўлганда




63-чизма. Мембранда ионларнинг транспорту хилдери.

ХАМ ИОНЛАРНИНГ мембрана орқали ташкилиши давом этади. Бу жараён энергия (АТФ) сарфланishi билан боғлиқ. Фаол транспорт: H^+ - АТФаза, Na^+ ва K^+ - АТФаза, Ca^{2+} - АТФаза, анион АТФаза ион насослари мисол бўлади.


Ташувчилик вазифасини bajaruvchi оксидлар мембранда битта эриган моддани ўтказибунга унипорт дейиладди. Биринчи эриган модданинг ўтказилиши иккинчи модданинг ўтказилишига ҳам боғлиқ бўлиши, яъни уларнинг иккаласи ҳам бир томонга (симпорт) ёки қарама-қарши томонга (антипорт) ўтказилиши мумкин (65-чизма). Минерал элементларнинг радиал транспортини икки йўл билан содир бўлади: апопласт; симпласт.

Анопласт ҳаракати. Хужайранинг пустига диффузия ва лав машинув адсорбцияси билан тўланган ионлар эритманинг



64-чизма. Хужайранинг мембрана қаватида содир бўладиган суюқ ва фаол транспортлар.

граденти асосида ҳаракат қилади ва бу ҳаракат суюқ ердимида тезлашди. Пустан-пушта адсорбцияланиш йўли билан ионларнинг сўрилиши



65-чизма. Ташувчи оксидлар фаолиятининг шакли.

нидизнинг то ички эндодерма қаватигача давом этади ва цитоплазмага ўшиб, симпласт йўли билан ҳаракат қилади. Чунки эндодермалати Кастари белботи деб аталувчи суберин моддаси бўлган қалин пусти оуқа молдаларини ўтказмайди. Бу йўл қисқа бўлса ҳам илдизларнинг ташки муҳит билан алоқа сатҳини кўп марта оширади.

Симпласт ҳаракати минерал молдалар транспортининг асосий йўлидир. Яъни цитоплазмага ўтган молдалар цитоплазманинг ҳаракати ва шитоплазматик тўр каналлари орқали хужайрадан-хужайрага плазмодесмадар ёрдамида ўтади. Бу ҳаракат тезлигига молдаларнинг концентратсия градиенти ҳам таъсир қилиши мумкин. Юқорида айтилганидек, эндодерма қаватида бунга апопласт йўли билан ташилаётган ионлар ҳам қўшилиди ва ягона симпласт йўли давом этади. Бу ҳаракат натижасида оуқа молдалар трахеид ва келлема найларига ўтказилади. Бу найлардаги ширалар транспирация кучи ва илдиз босими асосида ўсимликнинг бошқа қисмларига тарқалади.

6.6. ИОНЛАР АНТАГОНИЗМИ ВА ТЕНГЛАШТИРИЛГАН ЭРИТМАЛАР

Бир валентли ва икки валентли ионларнинг ҳар хил, ҳатто қарама-қарши физиологик таъсирлари мавжудлиги аниқланган. Масалан, натрий урчишта ва шу туфайли унинг таъсирларининг кучлироқ гипротацияга қўсқини қамайишига сабаб бўлади. Бу цитоплазманинг кўп оуқа қовуш-таъминлишига олиб келади. Калций эритмасида цитоплазма тезликта қавароқ плазмолитизга ўтади. Калций катиони (Ca^{2+}) эса цитоплазманинг қовушқўқинини оширади. Калций иони таъсирида ҳосил бўлган плазма-лиз уоқ вақтда киррали шаклда (қалпоқчани) бўлади.

Бир ва икки валентли катионларнинг бундай ҳар хил ва ҳатто қарама-қарши физиологик таъсири антагонизм дейилади.

Металларнинг тоза тузлари (бошқа тузлар аралашмаси бўлмаганда) ўсимликларга захарли таъсир этади. Фақат бошқа тузларнинг аралашмасигина озиққа сифатида ишлатилиши мумкин. XIX асрнинг охирида яхши тозаланган NaCl тузining захарли таъсир этиши аниқланган эди. Бу эритмага озроқ калций ва магний тузлари аралаштирилганда эса дароҳол натрийнинг захарли таъсири йўқолади.

Валентликлари ҳар хил ионлар ўртасидаги антагонизм кучлироқ же-чеди. Лекин ионнинг валентлиги қанча юқори бўлса, унинг антагонистик таъсири шунча камроқ концентратияда бўлиши мумкин.

Айрим ионларнинг ҳар хил концентратияси ни танлаш йўли билан тажрибадаги ўсимликлар учун жуда яхши ривожланишга комбинанцияларни топиш мумкин. Бундай оптимал комбинациялар тенглаштирилган эритма дейилади.

Бундай тенглаштирилган физиологик эритмалар ўсимликларга захарли таъсир этмайди, аксинча ўсиш ва ривожланишни оптимумга кучайтиради. Денгиз сувўтлари учун денгиз суви ана шундай тенглаштирилган муҳит ҳисобланади, чунки бу сув ўзидаги тузлар таркибига кўра тенглаштирилган эритмага тўғри келади.

Физиологик тенглаштирилган эритмалар ўсимликларни озиқли эритмада ўстириш учун энг қулай ҳисобланади. Чунки бу эритмаларда ўсимлик жуда яхши ривожланади. Агар шу эритмадан биронта ион чиқарилса, ўсимликнинг ўсиш ва ривожланиши кескин пасаяди. Айрим элементлар бошқа элементларнинг физиологик таъсирини кучайтира-ши ҳам мумкин. Бундай жараёнларга синергизм дейилади.

Масалан, ўзага азот, фосфор ва калий ўғитларини бирташкида бериш натрижасида олинган ҳосил, ҳар доим уларни алоҳида-алоҳида берилганда олинган ҳосил йилдисида кўп бўлади.

6.7. ЎСИМЛИКЛАРНИНГ ТАБИИЙ ТУТПРОҚДАН ОЗИҚЛАНИШИ

Ўсимликларнинг табиий тутпроқда минерал моддалар билан озиқлани-ши сунъий шароитта нисбатан анча мураккаб. Чунки ўсимлик табиий тутпроқда турли элементлар бир-бирига яқиндан таъсир қиладиган шароитда дуч келади. Тутпроқдаги минерал тузларнинг жуда оз қисминда сувада эриб-ўсимлик ўзлаштириладиган тутпроқ эритмасини ҳосил қилади. Жуда кўп тузлар эса тутпроқнинг қоллонларига адсорбцияланган бўлади. Маълум қисми органик моддалар ва сувада эримайдиган минераллар таркибига бўлади. Бундай ташқари ўсимликларнинг минерал озиқланиши кўп жихатдан тутпроқ эритмасининг реакциясига ҳам боғлиқ.

Ўсимликлар учун зарур озиққа моддалар тутпроқда тўрт хил шаклда бўлади:

1) сувада эритган ҳолда — буларни ўсимликлар яхши ўзлаштиради, лекин ювқилиб кетиши мумкин; 2) тутпроқ қоллонларининг юзасига адсорбция-ланган ҳолда ювқилиб кетмайди, ўсимликлар ион алмашинуви йўли билан ўзлаштиради; 3) ўзлаштирилиши қийин бўлган анорганик тузлар (сульфат-лар, фосфатлар, карбонатлар); 4) тутпроқнинг адсорбция қилиш ва эритган моддаларни ушлаб туриши ютиш қобилияти дейилади. Шу қобилиятни ҳосил қилувчи қоллонд қисми тутпроқнинг ютувчи ком-плекси дейилади. Бу жараёнларни ҳар томонлама ўрганган К.К.Гедройш тутпроқнинг ўзлаштириш қобилиятини беш турга ажратди: 1) механик; 2) физик; 3) физик-кимёвий; 4) кимёвий; 5) биологик.

Механик ўзлаштириш қобилияти тутпроқ орқали лойқа сув филтрилишида суспензия ҳолидаги майда заррачаларнинг тўғилиб қоли-шидан иборат.

Физик ўзлаштириш қобилияти. Бунда тутпроқнинг каттик фазаси ва тутпроқ эритмасининг сатҳида тортишув рўй беради. Бу ҳол тутпроқ заррачаларининг ўстки қисмида эритган моддалар концентратиясининг орттишига олиб келади, яъни адсорбция жараёни содир бўлади.

Тутпроқ заррачалари юзасида бундай қуюқлашган концентратиянинг юзга келишига асосан тутпроқ намлигида эритган электролитлар саёб бўлади. Лекин баъзи моддаларнинг ионлари тортилмайди, аксинча, тутпроқ заррачалари томонидан ытарилади. Бунга айрим анионларни (Cl^- , NO_3^-) мисол қилиш мумкин. Уларни тутпроқ заррачалари ўзлаштиролмайди.

Физик-кимёвий ўзлаштириш қобилияти. Ўсимликларнинг минерал озиқ-ланиши учун катта аҳамиятга эга. Бунда элементларнинг бир қисми тут-проқ заррачаларининг юзасига адсорбцияланган ва қолган қисми тутпроқ эритмасининг таркибига ионлар шаклида бўлади. Бу ионлар ўртасида до-иний алмашинув жараёни содир бўлиб туради.

Кимёвий ўзлаштириш қобилияти. Тутпроққа солинган кимёвий моддалар тутпроқ эритмасидаги моддалар билан реакцияга киришиб, сувада эримайди-тан бирикмаларга айланади. Бундай бирикмаларни ўсимликлар ўзлаштирол-майди. Масалан, тутпроққа калцийга бой бўлган фосфорли тузлар солинган-да сувада эримайдиган калций фосфат $Ca_3(PO_4)_2$ ҳосил бўлади.

Биологик ўзлаштириш қобилияти. Бунда тутпроқда яшовчи микроор-ганизмлар (бактериалар, замбуруғлар ва бошқалар) ўзларининг ҳаёт танлаарида тўғилайди. Ўсимликларнинг илдизлари ўзлаштириб, ўз моддаларнинг ютилиши ҳам биологик ўзлаштиришга қиради.

Тутпроқнинг минерал элементларни ўзлаштириш қобилияти, ай-ниқса, физик-кимёвий ва физик ютиш қобилияти ўсимликларнинг минерал озиқланиши учун катта аҳамиятга эга. Чунки тутпроққа со-

линган калий, фосфор, азот ўғитлари қовлиб кетишдан сақланиб, туپроқ унумдорлиги ошади ва шу билан бир қаторда ўғитлар ўсимлик билан ўсимликлар ўзлаштирилади. Буларни алмашинув адоорбичиқа.

Ўсимликларнинг минерал озиқланиш жараёнида туپроқ реакцияси ҳам катта аҳамиятга эга. Туپроқ эритмаси таркибидати кистота ва асослар миқдори эритма реакциясини ҳосил қилади. Туپроқ эритмасининг реакцияси H^+ ва OH^- ионларининг нисбатига асосан аниқланади. Туپроқ реакцияси рН билан, яъни эритмадаги водород ионлари концентратсиясининг манфий логарифминини ўзида намоён қилувчи водород кўрсаткичи билан ифодаланади. Туپроқ реакцияси асосан уч турухунга ўзича олади: 1) нордон реакция - рН 7 дан кам; 2) нейтрал реакция - рН 7, 3) ишқорий реакция - рН 7,5 ва ундан ортиқ. Табиий шароитда бу реакциялар иқлим, она жинслар, туپроқнинг минерал ва органик таркиби, жойнинг рельефи ва бошқалар таъсирида шаклланади. Масалан, оҳак стишмаса туپроқ нордон реакцияга эга бўлади (ботқоқликларда рН 3-4 га, подзол туپроқларда 5-6 ва ҳоказо).

Таркибиди $CaCO_3$ кўп туپроқлар асосан ишқорий реакцияга эга. Нордон туپроқларда, оладда, ўсимликлар озиқланиши учун қулай модаллар — азот, фосфор, калий, олтингурут, магний, кальций, молибден ва бошқалар кам бўлади, нитрификация ва азотификация жараёнларида иштирок этувчи микроорганизмлар ҳам яхши ривожланолмайди. Нативжараён ўсимликларнинг озиқланиш жараёни ҳам қийинлашади.

Кислоталарнинг нейтралловчи $CaCO_3$ билан таъминланган туپроқлар нейтрал ёки кучсиз ишқорий реакцияга эга (рН 7, 0-7, 5) бўлади. Туپроқнинг нейтрал реакцияси туپроқ микроорганизмлари учун қулай шароит ҳисобланади. Бундай туپроқлар ўсимликларнинг оптимал ўсиш ва ривожланиши учун жуда қулай. Туپроқда кальций миқдорининг ортши туپроқнинг ишқорийлигини кучайтиради.

Туپроқдаги минерал озиқа модаллар билан бир қаторда гумификация ва ўсимлик ҳамда ҳайвонлар қолдирининг чалга парчаланиш маҳсулотлари бўлган органик модаллар ҳам катта аҳамиятга эга. Туپроқ унумдорлигининг шаклланишида гумус катта рол ўйнайди. Унинг таркибиди асосий озиқа модаллардан ташқари жуда кўп микроэлементлар мажмуи. Улар ўсимликларга ўтиб, ферментларнинг фаоллигини оширади ва бошқалар ҳам бўлади.

Туپроқнинг органик қисмида биологик фаол модаллар: витаминлар В, ва В₁₂, тиамин, рибофлавин, биотин, тетраоуксин, тиобериллинлар ва бошқалар ҳам бўлади.

Умуман, туپроқда чиринди модалларнинг кўп бўлиши минерал озиқланиш учун қулай шароит яратлади.

6.8. ЎСИМЛИКЛАР ОНТОГЕНЕЗИДА МИНЕРАЛ ОЗИҚЛАНИШ

Ўсимликлар онтогенезида минерал модалларни ўзлаштириш уларнинг биологик хусусиятларига боғлиқ. Ўсимликларнинг кўпчилигида асосий элементлар туллагича бўлган даврда ўзлаштирилади. Баҳорги асосий онтогенезининг дастлабки 1,5 ойи мобайнида азот, фосфор ва галдалар энг фаол ўзлаштириши. Шу вақт ичида сули умумий калийнинг катлини энг фаол ўзлаштириши. Магний эса онтогенезда 70 фоизга ва кальцийнинг 58 фоизини тўллайди. Магний эса онтогенезда бир текисда ўзлаштирилади. Нўҳат ўсимликлари ҳам барча ҳаётти зарур элементларни онтогенезда бир текисда ўзлаштирилади.

Айрим ўсимликлар минерал элементларнинг асосий қисминни онтогенезнинг иккинчи ярмида, яъни туллаг, уруғ ҳосил бўлиш даврида қабул қилади.

Умуман, экинларни қисқа ва узок мудат давомида озиқланадиган иккита катта турухга бўлиш мумкин. Ғуза узок мудат давомида озиқланадиган экинлар қаторига кирлади. У ердан чиқишидан тортиб то ўсув даврининг ойиритча туپроқдан озиқ модаллар олиб туради. Лекин онтогенезида минерал модалларнинг турларига бўлган талаб ҳам ўзгариб туради. Масалан, П. В. Протасовнинг кўрсатишича, ғузанинг ердан чиқишидан тортиб то дастлабки чинбарг чиқадиган давригача бўлган вақтда фосфорни кўпроқ талаб қилиши аниқланган. Азотга бўлган талаб эса кечроқ, тахминан дастлабки чинбарг пайдо бўланидан сўнг бошланади ва туллаг ҳосил туғишининг бошланишигача солиб бўлиш ўғитларни туллаг ва ҳосил туғишининг бошланишигача солиб бўлиш тавсия қилинади. Ғузани азот билан кеч озиқлантириш эса ўсувчи органларнинг фаоллашишига олиб кетлади. Бу эса ҳосилнинг кеч етилиши, оз бўлишига сабаб бўлади.

6.9. ЎҒИТЛАШНИНГ ФИЗИОЛОГИК АСОСЛАРИ

Ўсимликларни озиқ модаллар билан таъминлаш воситаси бўлган ўғитлар экинлар ҳосилдорлигини оширишининг энг муҳим омилларидан биридир. Ҳозирги вақтда қишлоқ хўжалик экинларида ўғитларни қўллаш нисбатига ҳосилдорликни бир неча бараваар ошириш мумкинлиги тажрибадан маълум. Чўнки экинлар ҳар йили ғузанинг ҳосили ҳисобига туллагдан анча энг зарур минерал элементларни олиб кетлади. Шу сабабдан йили озиқа элементларининг миқдори камай боради. Туپроқдан ҳарнинг миқдори табиий иқлим шароитларига боғлиқ бўлади. Сабзаёт-талдаларга нисбатан кўпроқ олиб чиқали. Масалан, бир тонна ҳосил билан галдалар 10 кг, картошка ва лавлагги 30-40 кг ва қарам 60 кг

калшийни туфроқдан олиб чиқади. Бу жараён йилдан-йилга тақрорланадиган ва экинлардан мумкин қадар кўп ҳосил олиш учун туфроққа ўнгитиш тавсия этилади. Унумдорликни пасайтирмасдан доимий юқори ҳосил олиш учун қишлоқ хўжалигини ялпи қимёлаштириш тавсия этилади. Бунинг учун ўнгитиш тизимини ишлаб чиқиш катта аҳамиятга эга. Ўнгитиш тизими — бу алмашлаб экишни, тулпроқ унумдорлигини, иқлимни, ўсимликларнинг биологик хусусиятларини, навларини, ўнгитларнинг таркиби ва хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган ўнгитиш дастуридир.

Ўнгитлардан унумли фойдаланиш учун энг аввал ўсимликлар онтогенезида минерал озик элементларга бўлган талабни ҳам ҳисобга олиш мумим. Ўсимлик ўз ривожланишининг энг олдинги босқичида асосан уруғда бўлган минерал моддалар захирасини ўзлаштирилади ва шунинг учун ҳам кўшимча талаб кам бўлади. Лекин ўсимлик умумий массасининг орғиб бориши билан озика моддаларга бўлган талаб ҳам орғиб боради. Кўпчилик ўсимликларнинг тулғаш ва мева тутиш даврида минерал элементларга бўлган талаб ҳам энг юқори даражада бўлади. Донларнинг етилган ёки меваларнинг тиша бошлаган даврига келиб бу талаб кескин қамаяди.

Ёрни экиш олдида тула ўнгитиш унчалик мақсадга мувофиқ эмас, чунки ўнгитдан фойдаланиш коэффициентини жуда паст бўлади. Усимлик ерга солинган ўнгитнинг 1/3 ёки 1/2 қисмини ўзлаштирилади, қолдирган қисми туфроқда қолиб, сувда эримайдиган минералларга айланади ёки ювиллиб кетади, айниқса, тез эрийдиган азот ўнгитлари. Шунинг учун ҳам ўнгитларни экиш олдида ва ўсимликнинг вегетацияси давомида уларнинг талабига мувофиқ тулпроққа солиб, ҳосилдорликни режалри равишда ошириш мумкин.

Айрим ҳолларда кўшимча усул сифатида экинларни баргларида озикланттириш ҳам қўлланилади. Бунда ўнгитларнинг паст концентратлари эритмаси тайёрланиб, ўсиб турган ўсимликларга самолёт ёки тракторлар ёрдамида пуркалади. Натижада ўнгит тулпроққа эмас, асосан ўсимлик баргларига тушади ва барглар уни ўзлаштириб, ўсимликнинг бошқа органларига ўтказлади. Бундай усулнинг қўлланилиши шундаки, ўнгитлар кам сарф этилади, шунинг учун ҳам кам солиниши зарур бўлган микроэлементлар учун алоҳида аҳамиятга эгадир. Бундан ташқари бу усул билан ўсимликларни кўшимча озикланттириши, айниқса, илдам тизимининг фаоллиги пасайган вақтларда (ўнгитроқ ҳароратининг пастлиги, илдамларнинг касалланиши ва бошқа ҳудуддаги фаолликнинг пасайиши) мумим.

Ўсимликларни баргларида озикланттиришни зараркунддаларга касалликларга қарши кураш билан бирга олиб бориш мумкин. Унумли юқори ҳосил олишда ялпи қимёлаштиришнинг аҳамияти катта.

Барча ўнгитлар минерал ва органик турларга бўлинади. Минерал ўнгитларга: азотли, фосфорли, калийли ва микроўнгитлар; органик ўнгитларга: гўнглар, хайвон қолдиқлари, торф ва бошқалар қиради. Ўнгитлар олдий ва мурраккаб бўлиши мумкин. Таркибида ўсимликларнинг озикланиши учун зарур битта элемент бўлган ўнгит олдий ўнгит дейилади. Масалан, азотли, фосфорли, калийли ва бошқа ўнгитлар. Таркибида иккита ва ундан кўп озика элементи бўлган ўнгитлар мурраккаб ёки комплекс ўнгитлар дейилади. Масалан, калий натрий тузи KNO_3 , аммофос $NH_4H_2PO_4$ ва бошқалар.

Ўнгит сифатида ишлатиладиган тузлар тулпроқ эритмасидаги реакция хусусиятлари асосида уч гуруҳга бўлинади: 1) физиологик нордон; 2) физиологик ишқорий; 3) физиологик нейтрал.

Хар хил тузлар, уларнинг анион ва катионлари ўсимликларга бир хил таъкида сўрилмайди. Айрим тузларнинг катионлари, бошқа тузларнинг эса анионлари тез сўрилиши натижасида қолган ион эритмада тулланади ва маълум реакцияни ҳосил қилишга сабаб бўлади. Масалан, аммоний сульфат $(NH_4)_2SO_4$ тузининг катиони (NH_4^+) тез ўзлаштирилади, аниони эса (SO_4^-) тулпроқда тулланади, эритма реакциясини кислоталик томонга ўзгартиради. Шунинг учун ҳам бундай тузлар физиологик нордон тузлар дейилади. Натрий $NaNO_3$ тузининг аниони (NO_3^-) тез ўзлаштирилади, катиони (Na^+) эса тулпроқда тулланади, эритманинг реакциясини ишқорий томонга ўзгартиради. Шунинг учун ҳам бундай тузларга физиологик ишқорий тузлар дейилади. Аммоний $-NH_4NO_3$ тузининг катиони (NH_4^+) ва аниони NO_3^- дегерли бир хил ўзлаштирилади. Бундай тузлар физиологик нейтрал тузлар дейилади.

Ўнгитларнинг самардорлигини ошириш мақсадида тузларнинг реакцияларини ва тулпроқнинг рН даражасини, экинларнинг рН даражасига муносибатларини ҳисобга олиш катта аҳамиятга эга бўлади.

АЗОТЛИ ЎНГИТЛАР. Барча азотли ўнгитлар турутта гуруҳга бўлинади: 1) нитратли; 2) аммонийли; 3) аммонийли-нитратли; 4) мочевина.

Нитратли ўнгитлар таркибида азот нитрат аниони (NO_3^-) шаклида бўлади. Энг мумим тузлари — $NaNO_3$, $Ca(NO_3)_2$ физиологик ишқорий реакцияга, нордон тулпроқларда юқори самардорликка эга. Нитрат шаклида азотли ўнгитлар тулпроқ қатлами бўйлаб тез тарқалади.

Шунинг учун ҳам кўп ишлатиладиган селитра аммоний нитрат ўнгитини қўли шултор қилишда тулпроққа солиш тавсия қилинади. Чунки тез ювиллиб кетади. Қўли шулторлашда солиш учун азотнинг сувда экин эрийдиган қалшии цианамид каби шакллардан фойдаланиш мумкин. Азот ўнгитларидан фойдаланишда уларнинг нероф бўлишини ҳам ҳисобга олиш, айниқса, мумимдир. Азотнинг тез эрийдиган нитрат тузлари самардорлигини экинларнинг вегетация даврида ишлатилганда юқори даражага эга бўлади.

Аммоний ва аммиак ўғитлари таркибда азот асосан катион NH_4^+ , шаклида бўлади. Энг муҳим ўғитлари аммоний сульфат ($\text{NH}_4)_2\text{SO}_4$ сунок, сувсиз аммиак (таркибида 82,2 фоиз азот бор) ва аммиакли сул (NH_4OH аммиакнинг 25 фоиз суви эритмаси). Булар физиологик нормон реакцияли бўлганликлари учун кам ишқорий реакцияга, тўпроқларда юқори самарадорликка эга. Агар нордон тўпроқларга солиш зарур бўлса, у ҳолда кўшимча оҳажлаш ҳам талаб этилади.

Аммонийли-нитратли ўғитлар таркибда ўсимликлар катионини ва анионини ҳам ўзлаштириши мумкин. Бунинг асосий вакили аммиакли селитра — NH_4NO_3 бўлиб, таркибида 34 фоиз азот бўлади. Бу ўғит нефрал эки кам ишқорий реакцияга эга тўпроқларда яхши натижа беради. Ўзбекистон шароитида азотли ўғитлардан энг кўп ишлатиладигани аммоний селитрашир (NH_4NO_3). Лекин бу ўғитни ҳам шулғорлашдан олдин солиш тавсия этилмайди. Чунки жуда тез эрийди.

Мочевина (карбамид) $\text{CO}(\text{NH}_2)_2$ таркибда 46 фоизи яқин азот бўлади, паст ишқорий реакцияга эга.

Азотли ўғитлар тўпроқда ўз таъсирини узоқ сақламайди ва кўп туланимайди. Чунки улар тез эрувчан бўлганлиги учун тўпроқнинг чуқур қатламларида тушади эки юзилиб кетади. Бундан ташқари уларнинг маълум миқдори денитрификацияга учрайди, яъни тўпроқ микроорганизмлари томонидан молекуляр азотга айланиб, ҳавога учиб кетади. Шунинг учун ҳам уларга нитрификация ингибиторларини кўшганда азот ўғитларининг самарадорлиги ошади.

ФОСФОРЛИ ЎҒИТЛАР. Фосфор ўғитлари уч туррухта бўлинади:

1) эрийдиган; 2) сувда эрмайдиган, кучсиз кислоталарда эрийди;

3) сувда эрмайдиган ва кучсиз кислоталарда ҳам ёмон эрийдиган. Фосфор ўғитларининг энг кўп ишлатиладиган туррухи эрийдиган олтий $\text{Ca}(\text{H}_2\text{PO}_4)_2$ ва кўш $\text{Ca}_3(\text{H}_2\text{PO}_4)_4 \cdot \text{H}_2\text{O}$ суперфосфатлар бўлиб, ҳисобланади. Суперфосфат таркибидagi фосфор ҳаракатчанлиги кам тўпроқларда тулланади. Шунинг учун ҳам уларнинг таъсир кучи 2-3 йилгача давом этиши мумкин. Олтий суперфосфатнинг таркибда ўзлаштирилган фосфор кам бўлиб, одатда 14 фоиздан ошмайди. Аглатитлардан олдинадиган суперфосфат таркибда ўсимлик ўзлаштира олаватган фосфор 18-20 фоиз бўлади. Кўш суперфосфатларнинг таркибда 30 фоиздан кўпроқ соф фосфор бўлади. Ҳозирги вақтда кўш суперфосфатнинг хусусиятларини яхшилаш мақсадида лоналдор ёки аммиаклаштирилган килиб тайёрланади. Чунки суперфосфатнинг бу шакли юқори самарадорликка эга. Фосфор билан аммиак кўшилиб аммофос ҳосил қилинади. Аммофос мураккаб ўғит ҳисобланади. Чунки унинг таркибда фосфор (48-60 фоиз), азот (11 фоиз) бўлади.

Фосфорнинг сувда эрмайдиган, кучсиз кислоталарда эрийдиган туррухта преципитат (фосфор кислотасининг кўш калцийли тузи) ва бошқа қалар кирди. Буларнинг таркибда ҳам ўсимликлар яхши ўзлаштирилади.

ган фосфор бор. Преципитат таркибда ўсимлик ўзлаштирилган фосфор 25-38 фоиз бўлади.

Фосфорнинг сувда эрмайдиган ва кучсиз кислоталарда ёмон эрийдиган ўғитларига фосфорит ва суяк уни кирди.

Фосфор ўғитларининг самарадорлиги жуда кўп омилларга, жумладан, тўпроқлардаги фосфорнинг миқдори, бошқа озик молдаларнинг нисбати ва ҳоказоларга боғлиқ бўлади. Тўпроқда фосфор кўпайиб кетганда эса фосфорли ўғитларнинг самарадорлиги камаяди.

КАЛИЙЛИ ЎҒИТЛАР. Ўсимликлар тўпроқ таркибидagi калийни бошқа кўп элементларига нисбатан анча яхшироқ ўзлаштиради. Шунинг учун ҳам калийли ўғитларнинг аҳамияти катта. Калий ўғити сифатида асосан калий (КС1) қўлланилади. Унинг таркибда 52 фоиз соф калий бўлиб, сувда яхши эрийди. Бу туз ҳамма тўпроқларда ва барча ўсимликлар учун ишлатилиши мумкин. Калий ўғити сифатида фойдаланиладиган тузлардан калий сульфат (K_2SO_4) таркибда 48-52 фоиз соф молда (K_2O) бўлиб, сувда яхши эрийди. Калий нитрат (KNO_3) таркибда соф молда (K_2O) 45-46 фоиз ва 13 фоиз азот бўлади. Сувда яхши эрийди.

Калий ўғитларининг ҳаммаси физиологик нордон тузлар ҳисобланади. Шунинг учун ҳам бу тузлар нордон тўпроқларда ишлатилганда кўшимча оҳажлаш самарадорлигини оширади. Калий ўғитлари азот ва фосфор ўғитлари билан биргаликда ишлатилганда самарадорлиги юқори бўлади.

МИКРОЎҒИТЛАР. Ўсимликларга ўсиш ва ривожланиш учун ўзлаштириладиган асосий элементлардан (NPK) ташқари жуда оз талаб қилинадиган микроўғитлар ҳам керак. Ҳозирги вақтда ўсимликларнинг бор, марганец, мис, рух ва моллибден каби элементларга талаби анча яхши ўрганилган. Ўсимликлар таркибда бу элементлар етарли бўлганда ўсиш ва ривожланиш фаоллашади, касалликларга ва ташқи шароитнинг нуқудай омиллари таъсирига чидамлилиги ортади. Шунинг учун ҳам тўпроқда бу элементлар етмаганда, уларнинг ўғитларидан фойдаланиш умумий самарадорлигини оширади. Ўғит сифатида бу элементларнинг сувда яхши эрийдиган тузларидан ёки таркибда ўзлаштириладиган микроэлемент билан чинкиндиларидан фойдаланиш мумкин. Кўп мамлакатларда бу элементлар асосий ўғитларга кўшиб ишлатилади.

Микроўғитлардан фойдаланишнинг асосан учта усули кенг қўлланилади:

- 1) тўпроққа солиш;
- 2) суякотирилган эритмасини ўсимликларга пуркаш;
- 3) уручларни экишдан олдин микроўғит билан таъминлаш.

Биринчиси асосий йўл бўлиб, бу айрим элементлар тўпроқ таркибиде кам бўлганда кенг қўлланилади. Солинадиган ўғитнинг миқдори микроэлемент турига, тўпроқдаги миқдорига, ўсимлик турига ва бошқаларга боғлиқ. Масалан, бор ўғити сифатида H_2BO_3 кислотадан 0,5-2 кг/га, марганец ўғити сифати MnSO_4 туздан 10-18 кг/га, рух ўғити сифатида

ZnSO₄ тўзидан 5-10 кг/га тулпроққа солинганда ҳосилдорлик сезиларли даражада ошганлиги аниқланган.

Микроэлементларнинг сувоқтирилган эритмаларини ўсимликларга пурқаш қўшимча усуллар каторига кирди ва баъзи бир кулайликларга эга: микроўғитлар анча кам сарфланади, энг зарур вақтларда ишлатиладди, тез ўзлаштирилади ҳамда экологик тоза ҳисобланади. Масалан, фазанинг гуллаш фазасида бор кислотасининг (H₂BO₃) 0,01-0,02 фоиз ва рух сульфат (ZnSO₄) тўзининг 0,02-0,05 фоизли эритмалари билан пурқалганда гулларнинг чангланishi жараёни фаоллашади, ўсимликларнинг сувсизликка ва иссиқликка чидамлиги ортади.

Уруғни экишдан олдин микроўғитлар билан тавминлаш ҳам қўшимча усуллар каторига кирди. Бу усул айниқса, ивигилиб экиладиган уруғлар учун қўлай. Масалан, чигит тоза сув ўрнига мис сульфат (CuSO₄) тўзининг 0,001-0,005 фоиз эритмасида ивигилиб экилганда, чигитларнинг униси кучи ортиши ва ёш ниҳолларнинг баҳорги ҳароратнинг ўсма муддатли пасайишига чидамли бўлиши аниқланган.

БАКТЕРИАЛ ҲҒИТЛАР. Бу ўғитлар тулпроқнинг биологик фаоллигини сақлашга мўлжалланган бўлиб, асосини куйилати микроорганизмлар ташкил этади:

- 1) фосфобактерин;
- 2) азотоген;
- 3) нитратин ва бошқалар.

Фосфобактерин – тулпроқдаги органик фосфор бирикмаларини парчаловчи бактериялар препаратидир. Бу микроорганизмлар органик бирикмаларни парчалаб, улардан фосфор кислота ажратди ва тулпроқда ўсимликлар ўзлаштириши мумкин бўлган фосфорнинг миқдорини кўпайтиради. Бу препарат заводларда микроорганизмларни кўпайтираб тайёрланади. Сифатли тайёрланган препаратнинг ҳар граммда камидан 200 млн яшашга қобилиятли бактериялар бўлади. Бир гектар экин майдонига 250 г препарат солинади. Уни ишлатиш учун сувга аралаштириб, экиннинг олдин уруғларга пурқалади. Бу препарат физиологик нейтрал ёки кам ишқорий реакцияга эга ва чиринли молдалари кўп тулпроқларда яхши натижа беради.

Азотоген ёки азотобактерин – азотобактериндан тайёрланган препаратдир. Азотобактерин бактериял ўғит заводларида тайёрланади. Уни ишлатиш учун экинга мўлжалланган уруғлар соя ва тоза ерда тўқилади. Бир килограмм уруғ 1 стакан сув ҳисобида намлиланади ва препарат билан аралаштирилади. Шу усул билан тайёрланган уруғ экилади. Бу бактериялар фаоллиги натижасида молекуллар азотнинг фиксацияланishi ва ерда триада тулпроқда ўзлаштирилиши мумкин бўлган азотнинг кўпайиши содир бўлади. Бир гектар ерда 50-60 кг азот тўланади.

Нитратин – туғанак бактериялар препаратидир. Бу бактериялар молекуллар азотни фиксациялашда иштирок этади. У ҳам сунъий одамда бактерияларни кўпайтириш йўли билан тайёрланади. Препаратнинг бир граммда 100 млн гача бактерия бўлади. Препарат уруғларга аралаштириб экилади. Нейтрал реакцияга эга бўлган тулпроқларда яхши натижа беради. Бир гектар ерда бир йил давомида 300-500 кг гача азот тўлаши мумкин.

МАҒЛИЙ ҲҒИТЛАР. Мағлий ўғитлар ичида тўнг асосий ўринни эгаллайди. Унинг таркибида ўсимлик учун зарур ҳисобланган азот, фосфор, калий, кальций, олтингугурт, мағний ва барча микро-элементлар ҳам бор.

Ўнг экинларга озик бўлишидан ташқари, ундаги органик молдалар тулпроқ тўзимчасини яхшилаб, унмдорлигини оширади. Тўнг солинган ерларда тулпроқнинг роваклиги ошади, сув ўтказувчанлиги яхшиланади, намини узоқ сақлаб туради. Таркибида органик молдалари кам, олтир тулпроқли ерларда унинг ҳажминини оширишда, сув ва ҳаво режими ҳамда микробиологик жараёнларни яхшилашда тўнгнинг роли айниқса катта. Механик таркиби енгил тулпроқларда эса унинг қовушқоқлик ҳусусияти яхшиланади (Э.Т. Шахнов ва бошқалар, 1990).

Тўнг ерда солинган минерал ўғитларнинг самардорлигини оширишда ҳам муҳим омил ҳисобланади. Шунинг учун минерал ўғитларни органик ўғитлар билан аралаштириб солиш тавсия қилинади. Айниқса, у тулпроқда секин эрийдиган фосфорли ўғитларнинг эруванлигини кучайтириб, ўсимлик осон ўзлаштирилган ҳолга келтирди.

Тўнг ерларни қуяи шудорлаш олдидан махус машиналарда сочилади. Бушга ҳар гектар ерда ўрта ҳисобда 20-25 т дан солиш тавсия қилинади.

Парранда ахлати, ипак куртчи чиқиндиси ва гумбажлари энг кучли ўғитлардан ҳисоблангани учун тўзанинг ўсиш даврида минерал ўғитлар билан аралаштириб бериш тавсия қилинади.

КЎКАТ ҲҒИТЛАР. Бир ерда сурунқасига бир неча йилгача бир хил ўсимлик ўстиравериш натижасида тулпроқда чиринли молдалар камайиб кетиб, унинг физик ҳусусиятлари ёмонлашади ва бу ўсимлик ҳосилининг кайишига сабаб бўлади. Масалан, белалоядан чиққан ерларда 4-5 йилдан ўнмдорлигини ошириш мақсадида органик ва минерал ўғитлар мезёрини самара беради. Кўкат ўғитлар тулпроқдан фойдаланиш энг яхши ҳусусиятларини яхшилайди.

Кўкат ўғит сифатида кўк нўхат, нўхат, бурчюк, мош, қизилгача, себарга, шеблар (эрон беласи) каби дуккакли экинлар, шунингдек, қуяи жавлар, рапс, торчиша (хантал), перко кабилар экилади.

Бу экинлар қузда ва ерда кўктамда озанқлантирилса, кўп миқдорда кўкат масса тўплайди. Айниқса, дуккакли бўлмаган экинлар етарли миқ-

дорда озиклантирилиши шарт. Ўзбекистон шароитида кўкат ўқит учун экилган экинларни апрелнинг бошларида ҳайдаб, тўпрокка арашатирилиб юборилади ва ер бироз тингандан сўнг чигит экилади. Кўкат ўқит учун экилган экинларни кўкчамда молларга едириб, кейин анғизини ҳайдаш мумкин, шундай қилинганда ҳам тўпрокка тўпланган органик моддалар фўзанинг ўсишига, ривожланишига ва пахта ҳосилига ижобий таъсир этади (Э.Т. Шайхов ва бошқалар, 1990).

6.10. ЎҒИТЛАШ УСУЛЛАРИ ВА МУДДАТЛАРИ

Ўғитлаш муддатини ва усулларини белгилашда ўғитларнинг ҳуссиятлари, тўпрокда ўзгариши, ўсимликнинг озик элементларга бўлган талаби, илғиз тизимининг озикани ўзлаштириш имкониятлари ва бошқалар ҳисобга олинади.

Ўғитлаш меъёри, олатга олиндирилган ҳосилга қараб белгиланади. Масалан, 1 т пахта етиштириш учун 30-80 кг азот, 10-20 кг фосфор ва 40-70 кг калий сарф бўлади. Ўғитларни экишдан олдин, экиш вақтида ва ўсимликларнинг ўсиш даврида солиш мўҳим аҳамиятта эга.

Уғитни ер ҳайдашда солиш. Ерни кузги ёки баҳорги шўлгор қилишда умумий ўғитнинг тахминан 2/3, 3/4 қисми тўпрок устига сепилиб, ҳайдаш билан кўмилади. Бу усул билан асосан органик, фосфорли, қисман азотли ва калийли ўғитлар солинади. Нордон реакцияга эга бўлган тўпрокларга оҳак ҳам солинади.

Уғитни экиш билан бирга солиш. Ўғитларни экиш билан бир қаторда ўғит ҳам солинади. Экиш пайтида ерга ўғит солишдан мақсад ёш ниҳолларни минерал элементлар билан озиклантиришдан иборат. Чунки ерни ҳайдаш оқидан солинган ўғитлар тўпрокнинг чуқур қатламига тушганили сабабли ёш ўсимлик ундан фойдалана олмайди. Бу муддатда асосан яхши эрийдиган ва осон ўзлаштириладиган ўғитлардан оз микдорда фойдаланилади. Ғузлар билан ўтказилган тажрибаларнинг кўрсатишича, ўғитни ўғитлашга ўрнатилган маҳсус сепилмада тўпрок бетидан 12-15 см чуқурликка ва чигит тушган жойдан 5-7 см четга солиш яхши натижа беради. Чигит экиш билан бир пайтда гектарига 10-20 кг фосфор, 5-10 кг азот солиш йўли билан ҳар гектардан 3,5-4 центнердан кўшимча пахта олиш мумкин.

Ўсимликларни ўсиш даврида ўғитлаш ўсиш ва ривожланишнинг энг мўҳим фазаларида минерал озикланишни кучайтириш мақсадида ўтказилади. Бу фазаларда озик моддаларнинг ўсимликка мумкин қалар тезроқ ўтиб, тўла ўзлаштирилиши мўҳим аҳамиятта эга. Ёш ўсимликнинг илғизлари унча яхши ривожланмаган, лекин юқори концентративли озик моддаларга мўҳтож бўлади, шунинг учун ҳам кўшимча ўғитланиб турилса яхши ривожланади.

Кузги ғалгаларни эрта баҳорда азот билан озиклантириш доллардаги оксид микдорини 0,5-1 фоизга кўпайтиради. Бундай даладарда фос-

фор ва калий ўғитларини ҳар 2-3 йилда бир марта 2-3 меъёрни бирдани-дан солиш мумкин. Лекин пахтачиликда бундай қилиб бўлмайди. Тажрибаларга суянган ҳолда кўриш мумкинки, ғўза униси фазаларида боларга бўлган талабни ҳисобга олиб ўғитлаш юқори самардорликка эришиб бўлади.

Ўғитлар ўсимликнинг талабидан ошқича солинса, ҳосилдорлик кўпаймайди, аксинча камайиши ва ҳатто сифати ҳам пасайиши мумкин. Шунинг учун ҳам сабзавотлар таркибидан нитратларнинг микдори кўйилган меъёрдан ошмаслигига эътибор берилди: картошкада ҳўл оғирлик ҳисобига 86 мг/кг, қарам, болдринг ва помидорда — 150 мг/кг.

Умуман, минерал ўғитлар ўсимликлар ҳосилдорлигини оширишнинг бе ҳосил сифатини белгилашнинг мўҳим омилларидан биридир. Ҳисобларга кўра, умумий ҳосилнинг 50 фоизи ўғитлар ҳисобига таъминланади. Лекин улардан нотўғри фойдаланиш (талабдан ошқича, нотўғри қўллаш ва бошқалар) тўпрок унумдорлигини пасайтириши, ўсимликларнинг қуриб қолиши ва табиатнинг ифлосланишига сабаб бўлиши мумкин.

VII БОБ

ЎСИМЛИКЛАРДА МОЛДАЛАР ТРАНСПОРТИ

Ўсимликлар танасида содир бўлаётган ҳаётий жараёнларнинг энг муҳим кўрсаткичларидан бири молдаларнинг ҳаракатидир (транспорт). Айрим органларда ҳосил бўлган ёки шимиб олинган бирикмаларнинг бошқа органларга силжиши, ўтиши ва тақсимланиши натижасида барча физиологик жараёнларнинг ўзаро бирлиги таъминланади. Бундай транспорт ўз навбатида ўсимликларнинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлик даражасини таъсирлайди.

Бошқли ўсимликларнинг пояси ётиб қолганда илдиэга яқинроқ қисмидан эгилиб, бутун тавласи билан қайтадан кўтариллиш қобилиятига эга. Чунки бошқли ўсимликларнинг бўғимлари ўсиш қобилиятини жуда узоқ сақайди. Шунинг учун ҳам улар горизонтал ҳолатга тушиши билан бўғимнинг пастки томони юқориги томонидан тезроқ ўса бошлайди ва поя юқорига кўтарилди (84-чизма, 6-шакли).

Илдиэларнинг эса аксинча, юқори томони пастига нисбатан тезроқ ўса бошлайди. Илдиэнинг геотропик сезгирлиги унинг энг учиди 1-2 мм жойида тўлланади. Ч.Дарвин (1880) ўз тажрибаларида учи кесилган илдиэнинг горизонтал ўсиб, ернинг тортиш кучини сезиш қобилиятини йўқотганлигини аниқлаган.


Ўсимлик ернинг тортиш кучи йўналишини қандай сезганлигини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Кейинги йилларда бу жарён механизминини ўрганиш соҳасида бир қанча ишлар қилинди. Айниқса, ўсиш гормонлари ҳақидаги таълимот бу масалани ҳал қилишда анча ёрдам берди. Бунда турли органларнинг геотропик сезиш ҳудудининг ўсиш гормони тайёрловчи ҳудуди билан тўри келиш факти муҳим аҳамиятга эга бўлади. Тажрибаларда — индолил сирка кислотасининг (ИСК) ҳаракатини ўрганиш натижасида унинг геотропизмга ҳам алоқаси борлиги аниқланди. Бу гормон ҳарда кўп тўлганса, ўша ердаги ҳужайраларнинг ўсиши тезлашади.

Илдиэларда синтезланган абсцисин кислотаси (АБК) — ингибиторнинг микдори ҳам катта аҳамиятга эга. Бу бирикмалар тўпланган ҳужайраларнинг ўсиши жуда секинлашади. Илдиэлар горизонтал жойлаштирилганда, АБК ўсувчи қисмининг пастки ҳужайраларида тўпланади ва уларнинг ўсишини сустайтиради. Натижада ўсувчи қисмининг юқори ҳужайралари ИСК иштирокида тез ўсади ва пастки ҳужайраларнинг ўсиши эса АБК иштирокида сусаяди. Бундай жарайнлар натижасида илдиэ пастга қараб эгилади.

Кейинги йилларда илдиэнинг геотропизм ҳаракати статолитларга боғлиқ деб тушултирилмоқда. Цитоплазмалати статолит крахмални жойлашган таначалар амилонпастлар дейилади. Статолитларга эга бўлган ҳужайралар статолитлар дейилади. Илдиэларда статолитлар вазифини илдиэ кинининг марказий ҳужайралари бажаради (85-чизма).

Фототропизм деб ўсимликларнинг ёруғлик энергиясининг йўналишига қараб бурилиш қобилиятига айтулади. Еш ўсимликлар ва уларнинг ўсиш қисмлари ёруғлик манбаи томонга қараб бурилади. Бундай ҳаракат мусбат фототропизм дейилади. Бундай фототропизмни уйларда ўстирилувчи ўсимликларда яққол кузатиш мумкин. Ўсимлик ўстирилган туваллар деразата яқинроқ жойда сақланса, ўсимликлар ёруғлик тушган томонга эгилади. Ёруғлик манбаидан тескари томонга қараб эгилиш манфий фототропизм дейилади. Барг пластинкасининг қуёш нурларига пер-

пендиклар равишда жойланиш қобилияти диафототропизм дейилади. Умуман, дарзоевентрал тузилишга эга бўлган органлар, яъни устки ва остки томонларининг тузилиши фарқ қиладиган (барглар) органлар — диафототропизмга, радиал тузилишдаги ўқ органлар эса мусбат ёки манфий фототропизмга эга бўладилар.



85-чизма. Нативинге геотропик реакцияси:

А—илдиэ кинидаги статолитлар;

Б—статолитларнинг тузилиши; В—илдиэларнинг геотропик эгилиши; Г—илдиэнинг бошланғич горизонтал ҳолати; 2—икки соатдан кейин; 3—7 соатдан кейин; 4—23 соатдан кейин; 5—ядро; 6—статолитлар (амилопастлар).

Фототропизм қобилияти асосан ўсимликнинг ер устки органларига хос. Мусбат ва манфий фототропизм доимий бўлмай, ёруғлик кучига ҳам боғлиқ. Масалан, кучсиз ёки меъсридаги ёруғликка мусбат хусусиятга эга бўлса, мусбат эгилишлар манфий эгилишларга айланади.

Ўсимлик ҳаётида фототропизм катта аҳамиятга эга. Чунки ўсимликлар ва уларнинг барглари ёруғлик энергиясидан яхшироқ фойдаланиш учун энг қулай ҳолатга жойлашади. Фототропик ҳаракатлар умуман диафототропнинг соясиди, уй ичида ва ёруғлик сийрак бўлган жойларда очник жойларга нисбатан яхшироқ сезилади. Фототропизм хлорофилнинг бўлишига боғлиқ эмас. Аксинча, хлорофилли ўсимликлар (қоронғида ўстирилган) яшил ўсимликка нисбатан кўпроқ сезгир бўладилар. Шунинг учун ҳам, олатда аниқ фототропик тажрибалар учун қоронғида ўстан ўсимликлар ишлатилади. Бундай тажрибалар қоронғи кутиларда ва хо-

наларда олиб борилади. Ёруғлик бир томондаги қичкина тешик орқали киради. Бундай тажрибаларда ўсган ўсимликлар ёруғлик тушадиган тешик томонга эгилади. Агар ўсимликнинг ўсиш нуқтасини қора қотро билан ёки бошқа қалпоқча билан ёпиб, қисоқтиги қисмини бутунлай қопласак, пояда ёруғлик томонга эгилиш бўлмайди. Аксинча, пояннинг пастки қисмини очик қолдирсак, ўсимлик бутунлай ёритилгандек эгилади. Демак, ёруғликни фақат ўсимликларнинг атикал қисмидаги меристема тўқималари сезади ва унга жавоб қайтаради.

Мусбат фототропизм механизми шундан иборатки, пояннинг ёритилган томонидаги ўстирувчи гормонлар (ИСК) Қарама-Қарши (ёритилмаган) томонига кўпроқ сўлжиқли. Нагжада пояннинг ёритилган томонидаги хужайраларнинг ўсишидан ёритилмаган томонидаги хужайраларнинг ўсиши жадатроқ бўлади ва поя эгилади.

Ёруғлик спектрининг ҳамма нурлари ҳам бир хил фототропик таъсир қилавермайди. Унинг қизил нурлари энг оз таъсир этади ва қисқа тўлқинли нурлар томонига ортиб боради. Спектрнинг кўк рангли (465 нм) қисмида энг юқори фототропик сезгирлик бўлади, кейин спектрнинг кўк-бинафша рангли қисмида пасая бошлайди.

Ўсимликларда қимбейи моддаларнинг таъсири натижасида солир бўладиган ҳаракат хемотропизм дейилади. Бу ҳодиса организмларга ўзларининг илпиз, тўф ва сўртгачларини озика манбаига йўналтиришга ёрдам беради. Хемотропизм мусбат ва манфий бўлиши мумкин. Мусбат хемотропизм асосан турли озика моддалари таъсирида вужудга келади. Чунки илпизлар улар томонга ўсади. Манфий хемотропизм қислоталар, ишқорлар ва бошқа ҳар хил захарли моддалар таъсирида вужудга келади. Бу ҳуусуятлар илпизлар учун катта аҳамиятга эга. Хемотропизм туфайли илпизлар туپроқдаги органик ва анорганик ўтларга томон ўсади ва улардан яхши фойдаланади. Илпизлар ноқулай қимбейи таркибга эга бўлган туپроқ қатламидан қочади.

Ўсимликларда муҳитнинг намлиги таъсир қилиши натижасида солир бўлган ҳаракати гидротропизм дейилади. Бу ҳаракат кўпрок илпизларда бўлади. Нам туپроқ ичида нотекис тарқалган вақтда илпизлар наглироқ жойларга йўналлади. Хатто очик ҳавода ҳам илпизларнинг намланган сатҳлар томонга қараб эгитилликларини кузатиши мумкин. Гидротропик сезгирлик ҳам илпизнинг ичида бўлади.

Ўсимликларда ҳарорат таъсири натижасида солир бўладиган ҳаракат термотропизм дейилади. Бунда ҳароратнинг нотекис тарқалиши натижасида илпизларнинг ва пояларнинг эгилиши юзата келади. Бу ҳолда мусбат ва манфий термотропизмлар мавжуд. Оптимумдан пастроқ нисбий ҳароратда ўсимликлар иссиқроқ томонга эгилади (мусбат термотропизм), оптимумдан юқори ҳароратда улар аксинча собатроқ томонга эгилади (манфий термотропизм). Ҳарорат даражасидаги ўзгаришларга боғлиқ. Масалан, ҳарорат нўхатлар учун 32°C

ва мажжажўхори учун 38°C дан кам бўлганда мусбат эгилишлар, ундан ошганда манфий эгилишлар солир бўлади.

НАСТИК ҲАРАКАТЛАР. Бутун ўсимликка баравар таъсир қилдиган ҳаракатлар — настик ҳаракатлар дейилади.

Кун билан туннинг алмашиниши сабаб бўладиган ҳаракат — настик ҳаракат энг кўп тарқалган. Жуда кўп гуллар эрталаб очилади, кечаси эса ёпилади. Бошқалари эса кечаси очилади (намошомигул), кундузи ёпилади. Кўп ўсимликларнинг барглари ҳам кун билан кечанинг алмашиб туришига қараб ўз ҳолатларини ўзгартириб туради. К. Линней бундай ҳаракатларга асосланноб "флора соатларини" тузишга ҳаракат қилган. Бунинг учун у эрталаб ва кечқурун турли соатларда очилдиган ва ёпиладиган ўсимликларни бир жойга тўшлаб ўстирган.



86-чизма. *Ловия барги*: а—кундузи; б—кечаси.

Настик ҳаракатнинг солир бўлишига ёруғлик ёки ҳароратнинг ўзгариши сабаб бўлади (фотонастия ёки термонастия). Термонастия ҳаракати дола Гулиннинг очилишини мисол қилиш мумкин. Яъни ёпиқ ҳолдаги илпизларни иссиқ жойга киратиш билан тезда очила бошлайди.


Батан гуллар (нилуфар, қоқи ва бошқалар) фақат ёруғликда очилади. Булар фотонастига мисол бўлади. Кўп ўсимликларнинг барглари ҳам кечаси очилиб, вертикал ҳолатга, кундузи эса горизонтал ҳолатга ўтади (86-чизма).

Ўсимликлар ҳар хил тебраннишларга ҳам жавоб қайтарилади. Бунга сейсмонастия ҳаракатлар дейилади. Бунга бутакўз Гулида кўриш мумкин. Гулнинг оталик илпизига тегиш билан улар дарҳол қисқаради. Натижада оналикни ўраб олган чанглонлар пастга қараб эгилади. Зирк ўсимлигининг оталик илпизи алоҳида ёстиқчаларга тегиб қолган вақтда уларнинг жосларни тез эгилиб, чанглонлар оналик тумшукчасига урилади. Бу ҳаракатлар ўсимликларнинг чанглонниш жараёнига боғлиқ.

Сейсмонастик ҳаракатларга уялчан мимоза (*Mimosa pudica*) жуда яхши мисол бўлади. Агар мимозанинг баргига оғина тегилса у дарҳол осонлик қолади (87-чизма). Бу ҳаракатланиш механиزمи бўғинларнинг устки ва пастки ярмида тургор ҳолатининг ўзгариб туриши натижасида содир бўлади. Тўтраш вақтида бўғинларнинг пастки ярмида протоплазманинг ўтказувчанлиги бирданига ортади ва шунгача таран бўлиб турган хужайра пусти протоплазманинг қаршичилигига уярамаганлиги сабабли қисқариб, хужайра шираси сувнинг бир қисmini хужайра оралиқларига чиқаради. Натижада тургор ҳолати пасаяди, ammo бўғинларнинг устки хужайралари тургор ҳолатида қолганлигидан, у бўғинни пастга қараб эгдди ва шу сабабли барглар ҳам пастга эгилади. Бироз вақт ўтандан кейин суюқлик қайтадан шимилдади ва бўғин тўғриладиб қолади.

Умуман, ўсимликларда бундай ҳаракатнинг мажмулини ҳимов ва-зифасини бажаради. Тропик ўрмонларда бўғиндан тўтовсиз бир неча кеча-кундуз давомидали ёғинерчиликдан зарарланмаган сакданлиш мумкин. Сейсмонастик ҳаракатлар ҳашаротхўр ўсимликларда ҳам кузатилади. Уларнинг ҳам ҳаракат механиزمи хужайраларнинг ташқи таъсирот натижасида ўз-ўзидан тургорлигини ўзгартириш қобилиятига асосланган.

НУТШИЯ ҲАРАКАТЛАРИ. Табиатда бошқа ўсимликларнинг танасига ўраллиб ёки чирмашиб ўсувчи ўтсиммон ўсимликлар мавжуд. Бундай ҳаракатта нутация ҳаракати дейилади. Бу гурӯҳга кирувчи ўсимликларнинг ўсиш нукталаридаги допраний ҳаракат пов ички ва ташқи томонда-рининг бир меъёрида ўсмаганлиги натижасида содир бўлади. Айниқса, допраний нутация чирмашиб ўсувчи ўсимликларнинг (печак ўтлар, дар-печак, лианалар ва бошқалар) послирида яхши ҳаракатланган. Бу ўсим-ликларнинг бир марта айланиш узунлиги 2 дан то 12 соатгача давом этиши мумкин. Кўпчилик лианалар чапта, яъни ўсиш нукталари совет стрелкасига қарама-қарши ўсади. Бошқа гурӯҳлари эса ўнгига — совет стрел-касининг йўналиши бўйича ўраллиб ўсади. Нутацион ҳаракат қилувчи ўсим-ликларнинг кўпчилиги ёруғлик энергиясидан самарали фойдаланадилар. Чунки бу ҳаракат натижасида улар бошқа энг баланд ўсимликларнинг танасига чирмашиб, энг юқори қисмигача кўтарилдилар.




87-чизма. Мимозанинг шох: чап томонда—иккита очик барг; ўнг томонда кўралиш натижасида осилган да ёпилган барг.

8.7. ЎСИМЛИКЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШ ВОСҚИЧЛАРИ

Ўсимликларнинг ҳаётий цикли (онтогенези) тухум хужайранинг уруғланиши ва энготанинг ҳосил бўлишидан бошланади ва то табиий ўлишгача давом этиб, мустақил ривожланиш жараёнларини ўз ичига олади. Ҳаёт циклининг бошланиши асосан вегетатив органларнинг ўсиш жараёнлари билан тавсифланади. Кейин воқта етиш, кўпайиш, охирида қариш ва ўлиш билан якунланади. Умуман, бу циклининг асосини ўсиш ва ривожланиш ташкил этади. Ўсимликнинг ўсиши асосан ўзининг массаси ошишидан ва пов, барг, илдиз каби вегетатив органларнинг такрор вужудга келишидан иборат бўлади. Бу органларнинг асосий вазифаси ўсимликларда органик молдалар тўпланиш ва репродуктив органлар ҳосил бўлиши учун шароит яраттидир. Ривожланиш жараёнида эса ўсимликлар танасида бирин-кетин кечадиган сифатий ўзгаришлар содир бўлади.


Олий ўсимликларнинг ҳаёт циклини тўрт босқичга бўлиш мумкин: 1) эмбрионал; 2) ювенил (ёшлик); 3) репродуктив (воқта етиш ва кўпайиш); 4) қариллик (ёки табиий ўлим).



88-чизма. Ёмбирруйи ўсимликлар олимгоетишининг босқичлари: А—эмбрионал; Б—ювенил; В—воқта етиш ва кўпайиш; Г—қариш; 1—тухум; 2—чинглапич; 3—микроспора (нан)нинг ондалик хужайрали чангтони; 4—микроспоралар тетрадаси (туғилти); 5—чанг дончалари; 6—стигма мевачи (уруғчи); 7—чинглапич; 8—муррак халтаси; 9—ёш муррак; 10—айлс; 11—стигма мевачи; 12—тўрт астапорадан (микроспоралар) уруғ муррак; 13—бир мекиспорали уруғ муррак; 14—муррак халтасининг ривожланиши.

ЭМРИОНАЛ БОСҚИЧ. Онтогенезнинг эмрионал босқичи зиготадан бошлаб то уруғнинг пишишигача бўлган даврда муртақнинг ривожланиш жараёнларини ўз ичига олади (88-чизма).

Барча ёлқурўғли ўсимликларда уруғланиш жараёни олтидан чангланмиш бўлади. Яъни чанглар оналик тумшукчасига тушади ва тумшукчадан ажралиб чиққан томчи эриктасда бўртган чангнинг ўсиши бошланади. Бу вақтда чангнинг сиртки пўсти (экина) ёрилади. Ички пўсти (интина) эса узун найчага айланиб пастга қараб чўзилди ва устунча бўйлаб тўлунчага бориб етади. Чанг найчаси уруғ кўртақчаси ёки муртақ халтачасига етгач



89-чизма. Ёлқурўғли ўсимликлар
эриктаси тўқилиши:
1—тумшукча; 2—устунча; 3—туғунча;
4—уруғ кўртақ; 5—муртақ қончаси; 6—
тўқум хужайра; 7—ингиналарда; 8—
иккита кутбай маслар; 9—тумшукчада
унмастан чанг ёнаётаси; 10—чанг
найи; 11—чангдон; 12—чангчи йипи;
13—тутож; 14—тулкаса.

очилди ва ундаги иккита сперманийг бېғтаси тўқум хужайра ядроси билан, иккинчиси муртақ халтачасининг иккиламчи ядроси билан қўшилиб уруғланади (бу ҳолда йирик цитолог олим С.Т.Навашинов томонидан очилган). Уруғланган хужайраларнинг бўлиниш жараёни бошланади. Айни вақтда уруғ кўртақчасида ва туғунинг бошқа бўлақчаларида бир қанча бошқа ўзгаришлар ҳам юз беради. Уруғ кўртақ пардалари ўсиб уруғ қобигини, туғунча деворчалари эса ўсиб мева қаватини ҳосил қилади. Мева қаватини ҳосил қилишда кўпинча тул таллиги ҳам қисман иштирок этади. Туғунинг бошқа қисмлари тўқилиб кетади (89-чизма).

Уруғланиш жараёни тулагандан кейин зиготада РНКнинг синтези тезлашади ва тўпланма бошланади. Эндоспермнинг ривожланиши учун ИСК ва цитокининг керак бўлади. Улар уруғнинг нүвасига қисмдан оқиб келади. Бу оқим доимий ҳусусиятга эга. Муртақнинг ривожланиши би-

дан бир қаторда хужайраларда ИСКнинг концентратцияси ҳам ошиб боради ва цитокининлар тўхтовсиз оқиб келавереди.

Уруғ муртақнинг ривожланиши ва дифференциацияси бирин-кетин бориб, бир неча гуруҳ дастлабки органларни ҳосил қилувчи хужайралар шаклланади (поя, илдиэ, уруғбаргчалар) ва прокамбий пайдо бўлади. Шу билан бир вақтда уруғда захира моддалар ҳам тўплана бошлайди. Бу моддалар уруғга асосан сувда яхши эрийдиган бирикмалар (шакарлар, аминокислоталар, ёғ кислоталари) ҳолида оқиб келади ва у ерда сувда бутунлай эримайдиган бирикмалар (крахмал, ёғлар, оқсиллар) ҳолатида тўпланади.

Уруғлар ривожланишининг бу босқичи жулда фаол ҳусусиятга эга бўлиб, ИСК цитокининлар ва гиббереллинларга бўлган талаб ҳам ошади. Шунинг учун бу тўқималарнинг ўзларида ҳам фитогормонлар кўп миқдорда синтезланади.

Пиша бошлаган уруғларнинг қуруқ оғирлиги тез кўпаяди, сувнинг миқдори аксинча камаё бошлайди. Тула пишган уруғларда сувнинг миқдори жулда кам бўлади. Шу билан биргаликда ауксинлар, цитокининлар, гиббереллинларнинг ҳам миқдори камаяди. Абсолют кислотанинг миқдори эса аксинча кўпаяди.

Шундай қилиб, уруғда муртақнинг ривожланиш жараёнилари фитогормонлар иштирокида содир бўлади. Дастлаб фитогормонлар эндостерм ва бошқа тўқималардан оқиб-кела бошлайди, кейинчалик улар ўзлари фитогормонларни синтезлайди ва ҳатто ауксинларни атрофта ҳам чиқаради. Пишган уруғларда эса бу жараён тўхтабди.

ЮВЕНИЛ БОСҚИЧ. Бу ўсимликларнинг ёшлик босқичи ҳисобланади. Уруғларнинг унилидан бошлаб то ўсимликларда репродуктив органлар ҳосил қилиш қобилиятининг пайдо бўлишигача давом этади. Ювенил босқичда ўсимликларнинг вегетатив органлари (поя, новдалар, илдиэ тизими ва барглар) тўла шаклланади. Ўсимликлар асосан вегетатив масса тўплаш билан тавсифланади. Бу босқичда ўсимликларда жинсий кўпайиш қобилияти бўлмайди.

Уруғларнинг унилиш жараёнлари юқорида кўрсатилган эди. Уруғ муртақдан ўсиб чиққан илдиэчаларда фитогормонларнинг (гиббереллин, цитокининлар) синтези бошланади. Синтезланган фитогормонларнинг бир қисми погта ўтказила бошланади. Натихада ёш илдиэлар тўпроқдан озиклана бошлайди. Фитогормонлар билан таъминланган гипокотилнинг (асосан икки паллалиларнинг уруғида) ёки мезокотилнинг (ғалгалларда) чўзиллиши натихасида поя ўсади. Ер устигача чиққан, этиолланган поячада эпикотил (биринчи ҳақиқий бўғим оралиғи) ва баргларнинг ўсиши жадаллашади. Ёш ўсимликлар хлорофилнинг ҳосил бўлиши натихасида яшил рангга қиради ва автотроф озикланишга ўтади. Ўсимликларнинг атмосфералдан ва тўпроқдан озикланиши ва ўсиш жараёнларининг фаолланиши натихасида ўсимликлар тўла шаклланади ва вегетатив масса кўп миқдорда тўпланади.

Ювенил даврининг давоми ўсимлик турларига боғлиқ. Бу одатда бир неча ҳафтадан (бир йиллик ўсимликлар) то ўнлаб йилларгача (даракхтар) давом этиши мумкин. Бу даврда ўсимликларнинг илдиз ҳосил қилиш қобилияти кучли бўлади ва ундан боғлорчиликка фойдаланилади. Чунки қалқатчаларда ауksинларнинг миқдори кўп бўлади. Бу даврнинг охирига келиб, ўсимликларда ретродуктив органлар ҳосил қилиш қобилияти вуҳшта келади.

ВОЯГА ЕТИЛИШ ВА КўПАЙИШ БОСКИЧИ. Бу bosкичда ўсимликлар энг ҳаётини даражада бўлиб, шонлар, гуллар, уруғлар ва мевалар ҳосил қилиш қобилиятига эга бўлади. ўсимликлар ривожланиш хусусиятлари асосида бир йиллик, икки йиллик ва кўп йиллик турруҳларга бўлинади. Уларнинг онтогенезлари бир-биридан кескин фарқ қилади.

Ҳаётида бир марта гуллаш мева тулувчи ўсимликлар монокарпик дейилади. Буларга барча бир йиллик ўсимликлар, айрим икки йилликлар (сабзи, қарам, пиез) қиради. Кўп йиллик ўсимликларнинг ичида ҳам монокарпиклар бор. Масалан, бамбук 20-30 йил яшаб, бир марта гуллайди ва меваси етказилган кейин қуриydi. Мексика алависи ваганда 8-10 йилда ва Европада 50 йилда бир марта гуллайди (Урга Оснэ чулларига яшайдиган м бўлиб, 1,5 млн. га яқин гулдан иборат). Урга Оснэ чулларига яшайдиган ферула ўсимлиги кўп йил яшайди, ҳаётида бир марта гуллайди ва ўлади.

Ҳаётида кўп марта гуллаб мева тулдиган ўсимликлар поликарпик ўсимликлар дейилади. Буларга барча кўп йиллик ўсимликларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Барча мевали даракхтар ҳам шулар жумласига қиради.

ўсимликларнинг гуллаш bosкичига ўтиши мураккаб жараёнлардан иборат бўлиб, ички ва ташқи омилларга боғлиқ. Экологик омиллардан ҳарорат (яровизация), кеча-кундуз, ёруғлик ва қоронғилик даврларининг алмашиб тавсир этиши (фотопериодизм) ёки эндотен омиллар ўсимликларнинг гуллаш жараёнида муҳим аҳамиятга эга бўлади.


Яровизация, яъни паст ҳароратнинг тавсири асосан кузги ўсимликлар учун зарур ҳисобланади. Бундай зарурат бўлмаган ўсимликлар баҳорилар дейилади. Яровизация, одатда 1-3 ойгача давом этиб, энг самарадор ҳарорат 0° дан 7°С гача ҳисобланади. Исиксевар ўсимликларда эса 10-13°С бўлиши мумкин. Шу омилнинг тавсири асосан бўлиниб кўпайиш жараёнидаги фаол ҳужайраларда содир бўлади (мутақда, пойда ва баргларидаги апиқал меристемаларда). Бу жараёнларнинг физиологик табиати ҳозиргача тўла ўрганилмаган. Лекин айрим ўсимликларнинг туқималарида яровизация натижасида кўпайиш аннқланган. Айрим ўсимликлар яровизациясиз гулдади, бошқаларининг эса гуллаш вақти паст ҳарорат тавсир этганда анча тезлашади.

Биринчи марта фотопериодизм тушунчасини америкалик олимлар У. Гэрнер ва Г. Д. Аллард (1920-1923) киритдилар. Кеча-кундуз ёруғлик даврининг узун ёки қисқа бўлиши ҳам ўсимликларнинг гуллаш тежинига фаол тавсир этади. Бу тавсир ўсимлик турларига боғлиқ бўлиб, улар узун кунлик (ДД), қисқа кунлик (КД) ва нейтрал турруҳларга бўлинади. Узун

кунлик (яъни кеча-кундузнинг ёруғлик даври қоронғиликка нисбатан узун бўлади) ўсимликларга асосан галлалар, кунгабоқар, лавлаги ва бошқаларни мисол қилиш мумкин. Бу ўсимликлар кеча-кундузнинг ёруғлик даври қанча узун бўлса, шунча тез гуллаш bosкичига ўлади (90-чизма). Қисқа кунлик ўсимликларга — шол, катпон, мақажуҳори, гўза, тамаки ва бошқалар қиради. Бу ўсимликлар кеча-кундузнинг ёруғлик даври 12 соатдан камроқ бўлганда тезроқ гуллайди. Айрим ўсимликлар — грецияча, нўҳат ва бошқаларнинг гуллаш тежинига куннинг узунлиги тавсир этмайди.

ўсимликлар фотопериодик тавсирни асосан барглари орқали қабул қилади. Чунки баргларида фитогормонлар учрайди ва улар тўлиқин узунлиги 660 нм ва 730 нм бўлган қизил нурларни ўзлаштиради.

Шундай қилиб, ўсимликлардаги фотопериодик хусусиятлар асосан барглари орқали содир бўлиши аниқлангандан сўнг олимлар уларнинг сабабларини ўргана бошладилар. 1937 йилда М. Х. Чайлахян “ўсимликлар ривожланишининг гормонал назарияси” ни тақлиф этиди. Бу назарияда қулай фотопериодизмда ўсимликларнинг баргларида гуллаш гормони — флориген ҳосил бўлади ва у гуллашга ўтишни тарминлайди, деб тушунтирилади.




90-чизма. Узун кунлик тамаки (1) ва қисқа кунлик мардук (2) ўсимликларига узун кун (ДД) ва қисқа куннинг (КД) таъсири.

Кейинчалик узун кунлик ўсимликларга гибберелин эритмаси пуркалганда уларнинг гуллаши анча тезлашгани аниқланди (А. Ланг, 1956). 1958 йилда М. Х. Чайлахян флориген биологик компонентлардан иборат деган гипотезасини илтари сўрди. Бу гипотеза бўйича гуллаш гормонлари гибберелин ва антезинлардан иборат деб тушунтирилади. Кейинчалик М. Х. Чайлахян (1978) бу гипотезани тажриба орқали исботлади (91-чизма). ўсимликларнинг гуллаш жараёни бошланиши учун баргларида маълум миқдорда гибберелинлар ва антезинларнинг тулланиши шарт эканлигини кўрсатди. Узун кунлик ўсимликларнинг баргида антезинлар кўп бўлиб, гибберелинлар оз бўлади, шунинг учун ҳам улар узун-кунлик ёруғликда кўпроқ гибберелинларни туллайди. Қисқа кунлик ўсимликларда эса

гиббереллинлар күп бўлиб, киска кунлик тавсирда кўпроқ антезинларни тўплайди ва ўсимликларнинг гуллашини тезлаштиради. Нейтрал ўсимликларда эса гиббереллинлар ва антезинлар бир меърада тўпланиб борлади ва бағр тўқималарида мавлум миқдорда тўплангандан сўнг гуллаш бошланади. Аммо антезинларнинг табиати ҳозир аниқланмаган.

Ўсимликларнинг жинси хромосомаларда жойлашган генетик омиллар ва ташқи шароит омиллари тавсирини шаклланди. Ўсимликларнинг асосий жинсий органи — гул бир жинсли ва икки жинсли бўлиши мумкин. Улар бир ўсимликда (бир уйлилар) ёки бошқа-бошқа ўсимликларда (икки уйлилар) ривожланиши ҳам мумкин. Икки уйли гуллар кам. Масалан, каноп, терак, тоғ ва бошқалар. Буларнинг эркак ва урғочи гуллари бошқа-бошқа ўсимликларда ривожланади. Бир уйли ўсимликлар эса жуذا кўп.



91-чизма. Узоқ кўчалик рўйбеки ва киска кўчалик тартип ўсимликларининг элданишда гиббереллиннинг таъсири (Чайлахин, 1988).

а— рўйбеки киска кўчал; 1—гиббереллин пурқалган; 2—назорат; б—тартип, узун кўчал; 3—гиббереллин пурқалган; 4—назорат.

Ўсимликларнинг жинсини белгиловчи генлари ички ва ташқи шароит омиллари тавсирини ва ҳужайраларнинг ўзгаришига қаршилик қилмайди. Шунинг учун ҳам ўсимликлар жинсининг шаклланиши куннинг узунлиги, ёруғликнинг жадаллиги ва спектрал таркиби, ҳарорат, минерал озигланиш, ҳаво таркиби ва бошқаларга боғлиқ бўлади. Масалан, азот ўғитлари билан яхши озиглантириш, тупроқ ва ҳаво намлигининг юқори бўлиши, ҳароратнинг бироз пастроқ бўлиши, ёруғликнинг тўлқин узунлиги қисқароқ бўлган нурларнинг тавсир этиши натижалари урғочи гуллар ва ўсимликларнинг ривожланиши-


ни фаоллаштиради. Қалий, юқори ҳарорат, намликнинг камроқ бўлиши, тўлқин узунлиги узун бўлган нурлар эркак гуллар ва ўсимликларнинг ривожланишини тезлаштиради.

Ички ва ташқи омилларнинг тавсири натижасида ўсимликлар жинсий хусусиятларининг бундай ўзгариши асосан фитогормонлар синтезига боғлиқ эканлиги кўрсатилмоқда. 1977-1982 йилларда М.Х. Чайлахин ўз ходимлари билан ўлқатган тажрибаларда бу тушунчани тасдиқлади. Атар ўсимликнинг илдизлари кесиб ташланса, цитокининлар синтези тўхтади (чунки цитокининлар илдизда синтезланади) ва кўпроқ гиббереллинлар тўпланади (чунки гиббереллинлар барглarda синтезланади). Бундай ўсимликларда эркаклик хусусиятлари ва гуллари кўп ҳосил бўлади (92-чизма). Барглари кесиб ташлаш эса аксинча самарадорликка эга. Ёлни урғочи гуллар кўпаяди. Шунинг учун ҳам шаҳарларда ўсадиган эркак теракларнинг ҳар йили шохларини кесиб баргларининг камайишига, натижада урғочи гуллар ҳосил бўлишига ва парлар миқдорининг камайиб кетишига сабаб бўлади. Умуман, ўсимликларнинг илдиз тизими цитокининларни синтез қилиб, ўсимликларнинг урғочлик хусусиятларини бошқаради. Барглари эса гиббереллинларни синтез қилиб, эркаклик хусусиятларини жаддлаштиради. Ташқи шароит омилларининг тавсири натижасида эса гормонлар синтези ва уларнинг бир-бирига бўлган нисбатлари ўзгариши мумкин. Натижада бу ўзгаришлар ўсимликларнинг жинсий ўзгаришларида сабаб бўлади.

Гулларнинг урувланиши, уларда уруғ ва меваларнинг етилгиш жараёнлари эмбрионал бооқичда кўрсатилган.

КАРИЛИК БОСҚИЧИ. Ўсимликлар бу бооқичда уруғ ва мева ҳосил қилишдан тўхтади. Уларнинг ҳаётийлик даражаси тўтовсиз пасая борлади ва табиий ўлим билан яқунланади. Ўсимликларнинг ҳаётийлик давоми уларнинг турларига боғлиқ. Масалан, эфемер ўсимликлар 2-4 ҳафта, тоғ 80-100 йил, қарағайлар 500 йил, эман (дуб) 1500 йил ва чинорлар 1000-2000 йил, сеқвойлар 5000 йил ва ҳоказо яшайди.

Қариш ва ўлиш ўсимликлар онтогенезининг охирти бооқичи бўлиб, у айрим органларга — барглар, ноздалар, мевалар ва бошқа қисملарга ҳам тааллуқлидир. Қариш бир неча хил бўлади (93-чизма). Кўпинча бир йиллик ўсимликлар бирдангина ўлади (1). Кўп йиллик ўтларнинг ҳар йили ер ўсти қисми нобуд бўлади, ер ўсти қисми эса ўзининг ҳаётийлиги




92-чизма. Усиқлик авваларининг фитогормонлар синтези ва жинси шаклланишдаги роли (Чайлахин, 1982).

ни сактеб қолади (2). Кўпчилик дарваҳтларнинг барглари кузда қарийди ва тўқилади (3). Қариш жараёнида баргларда хлорофиллар, оқсиллар ва нуклеин кислоталарининг микдори кескин қамаяди. Фотосинтез жадаллиги пасая боради ва тўхтабди. Ферментларнинг синтетик қоби-лияти тўхтабди ва гидролитик фаоллияти жадаллашади. Тўқилиш олдидан барг ва мева бандларида ажратувчи қават ҳосил бўлади.

Агарда баргларга цитокнининг пурқалса, уларнинг қариш жараёни секинлашади. Чунки баргларда нуклеин кислоталар (айниқса РНК) ва оқсиллар синтези фаоллашади. Ауксинлар ва гиббереллинлар ҳам қариш жараёнини тезлаштиради.

Айрим органларнинг қариши асосида бутун ўсимликнинг қариши ҳам содир бўлади. Бу жараёнда органлар ўргасидаги миносабатлар бузила бошлайди. Илдиз тизимининг кучи, клетка мақимининг жадаллиги, органик моддалар билан таъминланиш жараёнлари пасаяди. Айкиқса, илдиз ва пая ўргасидаги муносабат катта аҳамиятга эга. Фотосинтез жараёнининг секинлашиши ёки тўхтаб қолиши илдизларнинг зарарланишига сабаб бўла-



93-чиъзма. Ўсимликларнинг қариш ҳаъллари:

1—ўсимликлар тўла ўлади; 2—фақат ер устки қисми нобуд бўлади; 3—ҳамма барглар бир вақтда қарийди ва тўқилади; 4—барглارнинг тўқилиши пастдан бошланади.

ди. Бу эса ўз навбатида минерал моддалар ва цитокнинларнинг ер усти қисми оқимини тўхлатишга олиб келади.

Н. П. Крѐнке (1940) ўсимликларнинг морфологик ва физиологик жараёнларини таққослаш натижасида "ўсимликларнинг онтогенезида циклик қариш ва ёшариш назарияси" ни яратди. Бу назариянинг асосий мазмунини шундан иборатки, ҳар бир индивид (ўсимлик ёки ҳайвон), албатта, қарийди ва охирида ўлади. Ўсимликнинг бутун ривожланиш жараёни қариш жараёнидан иборат бўлиб, у циклик хусусиятга эга. Чунки қариш қарама-қарши ёшариш жараёни билан доим бўлиниб туради. Ёшариш ёш органларнинг янгилидан ҳосил бўлиши ва рив-

вожланишидир. Яъни янги ҳужайралар, тўқималар, органлар (поя, барглар, илдизлар) ҳосил бўлиб туради. Аммо бу организмнинг олдинги ҳолатига тўла қайтиши эмас. Ўсимликнинг мустақил ривожланиши унинг циклик ёшаришига қарамақадан, орқата қайтмайдиған жараёндир. Биологик қариш жараёни ҳар бир тирик организмга хос хусусиятдир. Ҳужайра ҳар бир бўлиниш вақтида қисман ёшаради, лекин уларда ҳам ёшига доир уэлқисиз ўзаришлар бўлиб туради ва натижада қаришнинг дастлабки цикли хусусияти намоян бўлади. Қариш жадаллигига жуда кўп омиллар таъсир этади. Тинч ҳолатидаги ва фаол бўлиши ҳолатидаги ҳужайраларда қариш жадаллиги бир хил бўлмайди. Тинч ҳолатидаги меристема ҳужайралари (тинчликдаги куртақларнинг ўсиш нуқтаси, уруғ муртаги ва бошқалар) жуда ҳам секин қарийди. Фаол бўлиниш ҳолатидаги ҳужайраларнинг қариш жараёни жадал хусусиятга эга. Шунинг учун ҳам дарваҳтларнинг айрим шохлари қирқиб олинганда, тинч куртақларидан ўсиб чиққан янги новдаларда ёшлик белгилари бўлади. Мева дарваҳтларининг шохларини қирқий йўли билан ёшартириш усули ҳам шунга асосланган.

Ўсимликларнинг ҳар бир органи новдаси ёки баргининг ёшини икки — хусусий ва умумий маънода тушуниш керак. Ўсимликнинг хусусий ёши деб ўша орган ҳосил бўлган вақтдан бошлаб кўриб чиқилаётган давргача ўтган муддатга айтилади. Шу организмнинг умумий ёши унинг хусусий ёши билан шу организмнинг ҳосил бўлиш вақтигача ўтган она организмнинг ёши ҳам қўшиб белгиланади. Хусусий ёшлари бир хил бўлган пайтда улардан қайси бирининг умумий ёши катта бўлса, шуниси қари ҳисобланади. Масалан, хусусий ёшлари бир ойдан иборат бўлган ёш ва қари тутлар баргининг умумий ёши бир хил бўлмайди. Қари тутдан олдинтан баргининг ёши катта бўлади.

Қариш ва ёшариш жараёнларининг теъзлиги ташқи шароит омилларининг таъсирига анча боғлиқ. Бунда ёшаришни тезлаштирадиган омиллар қаришни секинлаштиради ва аксинча, Масалан, азотли ўғитлар қаришни секинлаштиради, аксинча, фосфорли ўғитлар қаришни тезлатади. Қанд лавлагига берилган азот ўғитлари ўсиш жараёнини кучайтиради ва шакар тўплаш жараёнини кечиктиради. Агар қанд лавлагига фосфорли ўғитлар берилса, уларнинг ўсиши секинлашади ва шакарлар микдори кўпая бошлайди. Ўсимликларга сув етмаганда қариш тезлашади. Аксинча, сугориш йўли билан ўсимликни ёш ҳолатда узоқроқ саклаш мумкин. Мевали дарваҳтларни ҳар йили буташ ҳам шу муҳим аҳамиятга эга бўлади.

IX БОБ

ЎСИМЛИКЛАРНИНГ НОКУЛАЙ ОМИЛЛАР ТАВСИРИГА ЧИДАМЛИЛИГИ

Дастлабки ҳаётнинг пайдо бўлишидан бошлаб организмларнинг ташқи муҳитни нокулай омиллари таъсирга мослашуви ва чидамлиги содир бўла бошлади. Чунки нокулай омиллар организмларнинг, жумладан, ўсимликлар танасида кечётган физиологик ва биокимёвий жараёнларнинг жадаллигига таъсир этади. Айниқса, сув этишмаслиги, ҳароратнинг минимумдан паст ёки максимумдан юқори бўлиши, ҳар хил тузларнинг тўпланиши натижасида тулпроқ эритмаси концентрациясининг кучли бўлиши, патоген микроорга-низмларнинг кўпайиши, зарarli газлар ва радиациянинг мейёрдан ортиб кетиши кабилар ўсимликларнинг ҳаётий жараёнлариға салбий таъсир этмай қолмайди. Бундай омилларнинг юзага келиши ўсим-ликлар учун нокулай шароит ҳисобланади. Ўсимликларнинг шундай нокулай омиллар таъсирига нисбатан жавоб реакцияси уларнинг чи-дамлигини белгилайди. Чидамлилик даражаси индивидуал хусу-сиятга эга бўлиб, у ўсимлик турига, яшаш шароитидати бошқа омил-лар таъсирига боғлиқ ҳолда ҳам ўзгаради. Ҳатто бир ўсимликнинг ҳар хил ҳужайралари, тўқималари ва органлари чидамлилик даража-си билан бир-биридан фарқ қилиши мумкин.

Ташқи муҳит нокулай омилларининг таъсири қисқа ва узок му-датли бўлиши мумкин. Эволюция давомида бундай нокулай омиллар таъсирига ўсимликлар мослаша боради. Ўсимлик тўқималарида ўзига хос физиологик-биокимёвий ўзгаришлар рўй беради, натижада ўсим-лик шу шароитга мослаша боради ва келажак авлодларнинг нокулай шароитга бўлган чидамлиги орта боради, яъни ўзларини ҳамоя-лаш қобилияти пайдо бўлиб, улар ривожлана боради. Ўсимликларнинг аник бир яшаш муҳитига мослашуви — адаптациялангиш дейилади. Бундай функцияларнинг мавжудлиги барча физиологик жараёнлар каби зарурий ҳисобланади. Нокулай омилларнинг қисқа ёки узок мудатли таъсирига мослашмаган ўсимликларнинг метаболитик жа-раёнлари кучли зарарланади ва улар нобуд бўлишлари мумкин.

Нокулай омиллар таъсирини организмда пайдо бўлаштан носпецифик ўзгаришлар йнғиндиси стресс бўлиб, бу ўзгаришларни рўёба келтирадиган кучли таъсир этувчи омиллар стрессорлар дейилади. Ўсимликлар танасида стрессни рўёба келтирувчи омилларни учта асосий гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Физик — сув этишмаслиги ёки оптиқлиги, ёруғлик ва ҳароратлар-нинг ўзгариши, радиофаол нурлар ва механик таъсирлар.

2. Кимёвий — Ҳар хил тузлар, газлар, гербицидлар, фунгицидлар, саноат чиқиндилари ва бошқалар.

3. Биологик — шижастловчи ҳашаротлар, патоген микроорганизм-лар, паразитлар, бошқа ўсимликлар билан рақобат ва бошқалар.

Ўсимликларнинг стрессорлар таъсирига чидамлиги ўсиш ва ри-вожланиш бошқичларида ҳар хил бўлади. Тиним даврида уларнинг чидамлиги энг юқори бўлади. Энг чидамсизлик — ўсимликларнинг ёш майсаларида кузатилади. Кейинчалик ўсимликларнинг ўсиш ва ривожланиши билан бир қаторда уларнинг чидамлиги даражаси ҳам то пишиб этилиш бошқичига ортиб боради. Аммо ўсимликларнинг гул-лаш фазаси, айниқса, гаметаларнинг шаклланиш муддати ҳам критик саналади. Чунки бу мудатда ўсимликлар стрессорлар таъсиринида кучли зарарланиши ва ҳосилдорлигини кескин қамайтириши мумкин.

Кучли ва тез ортиб бораётган стрессорлар таъсириндан пайдо бўлади-ган ностецифик жараёнларга қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

1. Мемброналар ўтказувчанлиги ортали ва мембрана потенциалли ўзга-риши натижасида ионлар алмашинуви ҳам бузилади.

2. Цитоплазмага Са²⁺ кириши ўзгаради.

3. Цитоплазмага рН нордонлик томонга ўзгаради.

4. Протоплазманинг қовушқоқлиги ортали.

5. Кислороднинг ютилиши ва АТФ сарфланиши кучаяди.

6. Гидролитик жараёнлар тезлашади.

7. Стресс оксилларининг ҳосил бўлиши фаоллашади.

8. Плазмолеммалари Н⁺ - помпаларнинг фаоллиги ортали.

9. Этилен ва АБК синтези тезлашади, ҳужайраларнинг бўлиниши ва ўсиши секинлашади, физиологик ва метаболитик жараёнлар ўзгаради.

Юқорида санаб ўтилган стресс реакциялар исталган стрессорлар таъ-сирини содир бўлиши мумкин. Улар ҳужайра тузилмаларини ҳамюлашга ва нокулай ўзгаришлардан сақлашга қаратилган (Полевои, 1989). Ўз навбатида, ностецифик ўзгаришлар билан бир қаторда специфик ўзга-ришлар ҳам пайдо бўлади (Улар ҳақида кейинги мавзум бир омиллар-нинг таъсирини изоҳлашга тўхтаймиз).

Стрессорлар таъсиринида умумий оксиллар синтезининг кучийла-ниши билан бир қаторда махусе стресс-оксилларининг синтезланиши қизикари саналади. Масалан, маккажўҳорида бундай оксиллар ҳаро-рат 45°C бўлганда ҳосил бўлади ва улар иссиқлик шоки оксиллари дейилади. Бу оксилларнинг ҳаётийлиги 20 соатгача бўлиб, ҳужайра-лар чидамлигини бошқаради. Бундай оксиллар цитоплазмада ҳам бўлиб, стресс шароитда фаоллашади. Улар ядро, ядроча, мембрана-ларда ҳамюв функцияларини бажаради.

Ноқулай омиллар таъсирида ҳужайрада углеводлар ва айниқса, пролин (аминокислота) микдори ҳам кўпаяди ва ҳингов реакцияларида илтироқ этади. Ҳимикликларта сув етмаганда ҳужайра цитоплазмасида (арпа, шпинат, гўза) пролин концентративиси 100 мартагача кўпайгани аниқланган. Пролин оқсилларни денатурализациядан сақлайди. Пролин тўпланганда, осмотик фаол органик молда бўлганлиги учун ҳужайрада сувни сўқаша ҳам хизмат қилади.

Умуман, ҳимикликлар ноқулай муҳитда яшаванда уларнинг танасида этилен ва АБК микдори кўпаяди, молда алмашинув жараёни пасаяди, ўсиш ва ривожланиш сустлашади, қариш жараёнлари тезлашади, тўқилмаларда ақсин, цитокнинин ва гиббереллинлар микдори камаяди ва тинимга ўтиш тезлашади.

9.1. ҲИМИКЛАРНИНГ ҚУРҒОҚЧИЛИККА ВА ЮҚОРИ ҲАРОРАТ ТАЪСИРИГА ЧИДАМЛИЛИГИ

9.1.1. Ҳимикларнинг қурғоқчилиқка чидамлиги

Сувнинг етишмаслиги кўп ҳимикларга энг кўп зарарли таъсир этади. Сув етишмаслиги, яъни қурғоқчилик, даставвал, ҳимикларнинг сув алмашинув жараёнларида салбий таъсир этади ва ҳимиклигининг бошқа физиологик жараёнларида (фотосинтез, нафас олиш, кидиз орбали минерал элементларнинг ўзлаштирилиши, ҳимиклар танасида молдаглар транспорт ва бошқалар) ҳам намён бўлади. Натижлада ҳимикларнинг ўсиши ва ривожланиши секинлашади ёки тўхтаб қолади.

Қурғоқчилик уч хил, яъни туپроқ қурғоқчилиги, атмосфера қурғоқчилиги ва физиологик қурғоқчиликлар бўлади.

ТУПРОҚ ҚУРҒОҚЧИЛИГИ — асосан ёзнинг ўрталари ва охирида кузатилади. Бу вақтларда ҳавонинг иссиқ ва қуруқ келиши натижасида туپроқдаги сув ер юзасидан ва ҳимиклардан тез бўғланиб, туپроқнинг қуриб қолиши кузатилади. Натижлада туپроқ қурғоқчилиги бошланади.

АТМОСФЕРА ҚУРҒОҚЧИЛИГИ — ҳароратнинг жуда юқори бўлиб, ҳавонинг нисбий намлиги кам (10-20 фоиз) бўлиши билан тавсифланади. Бу вақтда ҳимикда транспирация жараёни жуда жадал бўлади. Натижлада ҳимикка сувнинг келиш тезлиги билан ундан сувнинг бўғланиб чиқиши ўртасидаги мосланиш бўзилади эганда ҳимик сўлий бошлайди. Иссиқ ва қуруқ шамол (тармсел) эганда вужудта келадиган атмосфера қурғоқчилиги ҳимиклар учун янада қарғириқ. Тармсел вақтида туپроқда сувнинг бўлишига қарамай, ҳимикнинг ер устки органларидаги сув кўпгаб сарфланиб, қурғоқчиликка чидамсиз ҳимиклар нобуд бўлади.

ФИЗИОЛОГИК ҚУРҒОҚЧИЛИК — туپроқда ҳимикларни таъминлаш учун етарли микдорда сув бўлса ҳам уни айрим сабабларга қура ҳимикларнинг ўзлаштира олмаслиги билан тавсифланади. Бу-

ларга туپроқда туларнинг тўлланиши (шўр туپроқлар), туپроқ ҳароратининг жуда паст бўлиши, қучли нордон реакцияга эга бўлган туپроқлар (рН 3-5) ва бошқаларни кўрсатиш мумкин. Бундай туپроқларда қуриқчилик кишлоқ ҳўжалик экинларининг ўса олмасликлари сабабларидан бири сувни ўзлаштира олмаганлигидир.

Қуруқ туپроқда ҳимикларнинг сув билан таъминланиш жараёни бўзилади. Натижлада ҳимикда узоқ вақтгача сув танқислиги ва сўлиш ҳолати давом этади. Сув бағлансининг узоқ вақтгача бўзилиб қолиши ҳимикда физиологик жараёнларнинг ўзарилишига ҳам сабаб бўлади. Сувсизлик натижасида протоплазманинг коллоид ва кимёвий хусусиятлари зарарланади. Оқсиллар синтези кескин пасаяди. Чунки информашон РНК илларини узвчи аленозинтрифосфатага фаоллашди, полисомолар парчаланган бошлайди.

Ҳимикнинг сўлиши меръерий молда алмашинувининг, ҳужайраларда осмотик хусусиятнинг бўзилиши, тўртор ҳолатининг йўқолиши, янги молдалар синтезининг тўхташи, тидролиз ва парчаланниш жараёнларининг қучайишига олиб келади. Кўпчилик ҳолларда намнинг етишмаслиги фотосинтез жараёнига салбий таъсир этади. Фотосинтез жалалдининг пасайишига қўйидагилар сабаб бўлади: 1) оғизчаларнинг ёпилиши натижасида CO_2 нинг етишмаслиги; 2) хлоропластлар тузилмасининг бўзилиши; 3) хлорофилл синтезининг тўхташи; 4) ёрулликда фосфорланниш жараёнида электронлар транспортининг бўзилиши; 5) фотохимёвий реакциялар ва CO_2 ўзлаштирилишининг бўзилиши; 6) асимилатор транспортининг тўхташи ва бошқалар. Шунинг учун қурғоқчилик ҳимикларнинг ўсишига салбий таъсир этади ёки тўхтаб қолади. Уларнинг умумий бағр сағҳини камайтиради, бу эса ҳимикларда органик молда ҳосил бўлишини сувайтиради ва ҳосилни камайтиради. Сувсизлик узоқ мудатли бўлганда, ҳатто ҳимиклар нобуд бўлади.

Сўлиш ёш ҳимикларга, ҳимикларнинг ёш органларида, айниқса, ёш генератив (гўнча, гўл) органларида кўпроқ таъсир этади. Гўл органларининг шаклланиши кечикади, генератив органларнинг тўқилиши қучайди ва ҳосилдорлик кескин камаяди. Ҳўбекистонда, олатда ҳароратнинг энг юқори, ҳаво намлигининг энг паст ва туپроқ қурғоқчилиги содир бўлган вақтда гўзнинг гуллаш боёқчи (сувга нисбатан критик) ҳам тўри келади. Бунга эътиборсизлик жуда кўп ҳосил элементларининг тўқилиб кетишига ва ҳосилдорлик паст бўлишига сабаб бўлади.

Сув тақчиллигининг зарарли таъсири ҳамма ҳимикларда бир хил эмас. Бунга чидамлилик ҳимик турларига боғлиқ. Масалан, ёрулликсе-вар ҳимиклар (қунгабоқар, қаргошқа ва бошқалар) танасидаги сувнинг 25-30 фоизини йўқотганда ҳам уларда сўлишининг ташқи белгилари яқши сезилмайди. Савга чидамли ҳимиклар сувларини 13-15 фоиз йўқотиши билан сўлиб қоладилар. Ботқоқчиликка яшовчи ҳимиклар энг чидамсиз бўлиб, сув тақчиллиги 7 фоиз бўлганда қуриб қолади.

Ўсимликларнинг қурғоқچиликка чидамлиги даражаси уларга яшаш муҳитининг таъсири натижасида, эволюция давомида яратилган. Қурғоқчилиқда яшовчи, қурғоқچиликка чидамли ўсимликларнинг морфологик, анатомик тузиллиши ва физиологик - биокимёвий хусусиятлари сув билан яхши таъминланган ўсимликлардан кескин фарқ қилади.

Сувни кам шароитда ҳаёт кечирувчи ва қурғоқچиликка чидамли ўсимликлар ксерофитлар дейилиб, уларнинг сув билан таъминланган шароитда яшовчи ўсимликлардан фарқ қилувчи белгиларига ксерофитлик белгилари дейилади. Ксерофитларнинг барглари жуذا кичик бўлиб, айримларида тикан (кактуслар, янтоқ) ва тангачаларга айланган. Уларнинг барг қутқуқлагиси яхши ривожланган, қалин, оғизчалари барг тўқимасида чуқур жойлашган. Ксерофитларнинг муҳим белгиларидан бири сув бўлгувчи сатҳларнинг кичиклигидир (9.7. га қараңг).

Маданий ўсимликларнинг қурғоқچиликка бўлган чидамлигини ошириш долзарб муаммо бўлиб, бу соҳада айрим ишлар мавжуд.

Ўсимликларнинг қурғоқچиликка чидамлиги ташқи шароит таъсирида ўзгаради. И.И.Тумановнинг изланишлари кўрсатишича, ўсимликларга қурғоқچилик билан таъсир этиш уеули туфайли уларнинг чидамлигини ошириш мумкин. Туманов текширишлари бир марта сувсизланган ўсимлик шундан кейинги сувсизланишга анча чидамли бўлиб, иккинчи марта сувсизланиш ва сўлиш уларга анча кучсиз таъсир қилганилигини кўрсатади. П.А.Генкел чинкиктиришни уруннинг унаётган пайтида ўтказишни тавсия этади. Бу усул бўйича уруғ эндилина унаётган вақтда бир мартадан уч мартагача қуритилади. Унинг маълумотларига кўра, бундай экишдан олдин чинкиктириш қурғоқچилик вақтларида бўлдой хосилини сезиларли даражада оширади. Генкелнинг тушунтириши бўйича, организм ривожланишининг дастлабки вақтларида кучлироқ чиникади.

Ўсимликларнинг қурғоқچиликка бўлган чидамлигини оширишда ўнгиларни қўллаш ҳам маълум аҳамиятга эга. Кейинги йилларда олиб борилган изланишларда калий, фосфор, қисман азот ва айрим микроэлементлар (бор, рух, мис, алтоминий ва бошқалар) таъсиридан ўсимликларнинг қурғоқچиликка чидамлиги анча ошганлиги кўрсатилган. Аммо азот кўпроқ қўлланилганда, аксинча, чидамлик пасайгани таъкидланади.

Қурғоқчилиқ таъсирига нисбатан чидамли навларни танлаш ва улардан фойдаланиш ҳам катта аҳамиятга эга. Бундай навлар ферментларнинг синтетик қобилияти юқори, боғланган сув миқдори кўп, ҳужайра ширасининг концентрасияси нисбатан юқори, мус-таҳкам пилментлар тизими, сувни сақлаш қобилияти кучли ва органик моддаларни тўплаш қобилияти юқорилиги билан фарқ қилади. Бу кўрсаткичлар қурғоқчилиқка чидамликнинг физиологик ва биокимёвий табиатини тавсифлайди.

9.1.2. Ўсимликларга юқори ҳароратнинг таъсири ва уларнинг иссиқликка чидамлиги

Барча ўсимликлар ҳарорат даражаларига бўлган муносабатлари бўйича ҳам бир-биридан фарқ қилади. Баязи сувўтлари 60-80°C иссиқликка эга бўлган булоқларда тарқалган. Кўпчилик юксақ ўсимликлар учун максимал ҳарорат 40-50°C га тенг. Кишлоқ ҳўжалиқ экинлари учун эса максимал ҳарорат 39-40° С га тенг бўлиб, ҳароратнинг бундан орта бориши уларни шикастлайди.

Ўсимликлар юқори ҳарорат таъсиридан шикастланганда, уларнинг ўлишдан олдин ҳужайралари ичида бўладиган биокимёвий жараёнлар ўта-силати мувофиқлик бўзиниб, протоплазмани захарлайдиган кераксиз моддалар вужудга келади. В.Ф.Алтерот ва бошқа олимларнинг фикрича, юқори даражадаги ҳарорат таъсирида оксидлар парчаланиши тезлашади, ҳужайраларни захарлайдиган аминияк ҳосил бўлади ва тўпланади. Цитоплазманинг микроструктурасига салбий таъсир қилиб, ундаги оксид-ти-пид бирикмалар ва пластидлар парчаланadi. Нафас олишда ҳосил бўлган кимёвий энергия самаралорлиги кескин пасаяди ва унинг асосий қисми ташқи муҳитта иссиқлик шаклида тарқалади.

Иссиқликка чидамли ўсимликлар протоплазмасининг қовушқоқ-лиги ва эластиклиги юқори бўлади. Боғланган сув миқдори кўп оксид-лари иссиқликка чидамли бўлиб, тезликда коагуляцияга учрамайди. Иссиқликка чидамли ўсимликларнинг нафас олиш жараёнида кўпроқ органик кислоталар ҳосил бўлади ва улар аминияк билан реакцияга киришиб, аспарагин, глутамин каби аминокислоталар ҳосил қилади. Натрижада эркин аминияк нейтралланиб, ўсимликларга зарар етказ-майди. РНК миқдори кўп бўлган ўсимликлар ҳам иссиқликка чи-дамли бўлади. Кўпчилик сув билан яхши таъминланган мезофит ўсим-ликлар транспирация жадаллигини ошириш орқали кучли иссиқлик таъсиридан сақланади. Бу ўсимликларнинг барг ҳарорати ҳаво ҳаро-ратига нисбатан 4-6°C гача паст бўлади.

Ю.Г.Молотковский ва И.М.Жестюковларнинг кўрсатишича, барг тўқималарига шакар эритмаларининг(глюкоза, галактоза, сахароза, лак-тоза, малтоза, рафиняза) инфилтрация қилиниши уларнинг иссиқлик-ка чидамлигини оширади.

П.А.Генкелнинг тақийфларига асосан уруғларга экишдан олдин қал-дий хлор тузининг 0,25 фозли эритмаси билан 20 соат давомида ишлов бериш ҳам ўсимликларнинг иссиқликка чидамлигини оширади.

Ўсимликларнинг иссиқликка чидамлигини ошириш мақсадига улар-ни микроэлементларнинг тузалари билан ишлаш ҳам тавсия этилади.

Самарқанд давлат университетини ўсимликлар физиологияси ва мик-робиология кафедраси аъзоларининг (профессор Ж.Х.Ҳўжаев ва бошқа-лар) олган маълумотлари асосида, ўзанинг гуллаш фазасида H_2O_2 , кис-

логанинг 0,01 фоз ва $ZnSO_4$ тузининг 0,05 фозгали эритмакаларини дур-каш (пуркаш кечки вақтларда ўтказилди) уларнинг иссиқликка ва кўроқчиликка чидамчилигини оширади. Натикада туларнинг чангта-ниши кўпайди ва ҳосилдорлик 10-12 фозгача ортади. Тола ва чипит сифати яхшиланади.

9.2. ЎСИМЛИКЛАРНИНГ ПАСТ ХАРОРАТ ТАЪСИРИГА ЧИДАМЛИЛИГИ

Хароратнинг ўсимликлар учун зарур бўлган минимал даражадан паст бўлиши уларнинг зарарланишига олиб келади. Шунинг учун ҳам ўсимликларнинг яшаши уларнинг совуққа чидамли бўлишларига боғ-лиқ бўлади. Чидамлик даражаси асосда барча ўсимликларни икки-группага бўлиш мумкин: совуққа ва ўта совуққа чидамли ўсимликлар.

СОВУҚҚА ЧИДАМЛИ ЎСИМЛИКЛАР. Бу турда барча ўта иқлимли худудларда тарқалган иссиқсевар ўсимликларни киритиш мумкин (болдинг, помидор, лония, қовун, ерентоқ ва бошқалар). Улар $+3$ $+5^{\circ}C$ да қолдириб, бир неча кундан кейин нобул бўлади. Тропик ва субтро-пик ўсимликлар ҳам $0^{\circ}C$ дан бироз юқори бўлган хароратда кўчли ши-кастланади ва нобул бўлади. Какао ўсимлиги $+8^{\circ}C$ да, гўза майсалари $+1$ $+3^{\circ}C$ да бир кеча-кундуз сақланганда нобул бўлади. Иссиқсевар ўсимликларга совуқ харорат ($0^{\circ}C$ дан юқори харорат даражалари) таъсир-этирилганда, улар аввал, сўнгий бошлайди ва тургор ҳолатини йўқота-ди. Масалан, болдинг барглари $+3^{\circ}C$ да учинчи кунга сўлйиши ва ўлади. Демак, сувнинг транспорт тезлиги ҳам бузилади. Аммо барглар сув би-дан етарли даражада таъминланганда ҳам совуқдан ўлади.

Иссиқсевар ўсимликларнинг совуқ таъсиридан нобул бўлишининг асосий сабаблари: нуклеин кислоталари ва оксил синтезининг бузили-ши, протоплазма қовушқоқлигининг кўтариллиши ва натикада мембра-налар ўтказувчанлигининг бузилиши, асиммилатор оқимининг тўхта-лиши, ферментлар фаолиятининг ўзгарилиши ва натикада диссимилацияи жараёнларининг кучайиши, ҳужайрада захрли молдаларнинг тўпланиши ва бошқалар. Совуқ харорат таъсирида фотоинтез жараёни тўхтаб қолди, синтез жараёнлари нисбатан тизроқиз жараёнлари жадаллашади. Совуқ хароратда заифлашган илдиз бўғизда патоген микродорганизмлар ривожланиб, ўсимликни шикастлайди ва нобул қилади. Танасида бундай ўзгаришлар кучсиз бўлгандаги эки бўлмайдиган ўсимликлар совуққа нисбатан чидамли бўлади.

Иссиқсевар ўсимликларнинг совуққа чидамчилигини нисбатан оши-риш усуллари ҳам тавсия этилган.

Х.Х. Енигилев (1955) тавсияси бўйича, гўза майсаларининг совуққа чидамчилигини ошириш учун экишдан олдин чипит 20 соат давомда $0,25$ фозгали аммоний нитрат эритмасида ивигилади. Ж.Х. Ҳўжаев (1985)

таъясиси бўйича, гўза майсаларининг совуққа чидамчилигини оши-риш учун экишдан олдин 24 соат мобайнида микроэлементларни $0,001$ фозга мис сульфат ва $0,05$ фозга марганец сульфат тузлари эритма-сида ивигилади. Бу чипитлардан униб чиққан майсаларда ҳужайра ци-топлазмасининг қовушқоқлик даражаси камайди, ферментлар фео-лиги ошади, хлорофилл синтези ва фотоинтез жараёни жадаллаша-ди, натикада молдалар алмашинуви жадаллашиб, майсалар мейрда ривожланади. Қалий ўғитлари ҳам совуққа чидамликни оширади. Иссиқсевар ўсимликларнинг нишлаган уруеларини совуққа чиниқ-тириш усуллари ҳам тақлиф этилган. Масалан, болдинг, помидор, қовун каби ўсимликларнинг нишланган уруеларига бир неча кеча-кундуз давомда 12 соатдан $+1$ $+5^{\circ}C$ ва $+10$ $+20^{\circ}C$ харорат билан ишлов берилганда уларнинг совуққа чидамчилиги сезиларли даражада ошади.

ЎТА СОВУҚҚА ЧИДАМЛИ ЎСИМЛИКЛАР. Табиий шароитда $0^{\circ}C$ дан паст харорат таъсирида шикастланмайдиган ўсимликларни ўта со-вуққа чидамли ўсимликлар турҳита киритиш мумкин. Ўта совуқ асосан кузда ва қишда содир бўлади.

Кўпчилик ўсимликлар куз ва қиш ойларини уруғ туланик ва илдиз-пов ҳолида ўтказди ва зарарланмайдди. Кузги экин ва дарахтар куз ҳам қиш фасиларини очик жойда ўтказди. Шунинг учун улар ўта совуқ таъсирига учрайди, айримлари шикастланади эки нобул бўлади.

Совуқ урган ўсимликлар тургор ҳолатини йўқотди, барглари қўнғир-тўса қириб, қуриб қолади. Ўта совуқ таъсиридан уларнинг шираси муз-лайди, натикада ҳужайра ва тўқималарда салбий ўзгаришлар бошланади. Тўқималарига бўлганган салбий ўзгаришларга қарши етарли даражада чи-дамли бўлмаган ўсимликлар кўп зарарланади ва ҳатто нобул бўлади.

Н.А. Максимов (1913) ўтказган тадқиқотларнинг қўрсатишича, ўта совуқ таъсирида муз кристаллари фақат ҳужайра ораллиқларидангина эмас, балки цитоплазмада ҳам ҳосил бўлади. Муз кристаллари томонидан сув тортиб олган цитоплазма биологидилари сувсизланиб зарарланади.

Сўнгги йилларда ўтказилган кўпчилик тадқиқотлар асосида, ўта совуқ таъсиридан ўсимлик тўқималарида муз ҳосил бўлиш жараёнларини ур-туруҳа бўлиш мумкин.

БИРИНЧИ ТУРУХ — ўта совуқ шиддатли ва жулда паст бўлиб, ўсим-ликларга бирданга таъсир этади. Бундай таъсирдан цитоплазма суви муздайди. Ҳосил бўлган муз кристаллари оқсил мицелларларни шикаст-лайди. Цитоплазма сувсизланиши натикасида микротузилмалар зарара-нади ва бундай ҳужайралар нобул бўлади.

ИККИНЧИ ТУРУХ — ўта совуқ жулда паст бўлиб, ўсимликларга тез таъсир этиши сабабли муз кристаллари ҳужайра девори билан плазмолемма ўртасида ҳосил бўлади. Бундай таъсирдан ҳажми йирикроқ муз кристаллари ҳосил бўлса, ҳужайра мембранаси зарарланади ва танлаб ўтказувчанлик қобилияти бузилади. Муз кристаллари қайта эритилган сўнг ҳам ҳужайра

сув ва молдаларни сақтай олмайди. Бундай ҳужайралар нобуд бўлади. Агарда ҳосил бўлган муз кристаллари кичик бўлса, улар мембраналари зарарланмайди ва қайта эригандан кейин тирикчилигини сақлаб қолади.

Учинчи гуруҳ — ҳарорат аста-секин пасая бошласа ва узоқ муддати бўлса, дастлаб ҳужайраларро бўшликдаги сув музлайди. Ҳа навба-тида бу музлар цитоплазмадаги сувни ҳам шимиб олиб йиритиқлашади. Аммо ҳужайрага кучли салбий таъсир этмайди. Қайта эриш жараёнида сув яна цитоплазмага ўтади ва ҳужайралар тирикчилигини сақлаб қолади. Маса-лан, И. И. Туманов раҳбарлигида ўсимликлар физиологиси институтининг фитотрон совутичларида оқ қайин ва қарғай дарактларининг нов-даларини аста-секин ва изчиллик билан — 195°С га музлатиб, кейин эритилганда новда ҳужайралари тирикчилигини сақлаб қолган.

Жуда паст ҳарорат (—200°С гача) бирданга тезлик билан таъсир этса, тандалаги сув зуллик билан ойнасимон-аморф ҳолатга ўтади. Бу ҳолига вестрификация дейилади. Бу жараёнда муз кристаллари ҳосил бўлмайди. Қайта суюлтириш жараёнида цитоплазмада муз кристаллари ҳосил бўлишига йўл қўйилмаса, ҳужайралар тирикчилигини сақлаб қола-ди. Шунинг учун ҳам бу усулдан айрим органларни узоқ муддатга сақлаш учун фойдаланиш мумкин. Чунки ойнасимон-аморф ҳолда қотиб қолган тўқималар ўзининг ҳаётчилигини узоқ сақлайди.

КИШЛАШ ВАҚТИДА ЎСИМЛИКЛАРГА ТАЪСИР КИЛУВЧИ БОШ-КА НОКУЛАЙ ОМИЛЛАР. Киш тайтларда ўсимликларга совуқдан таш-қари ҳам зарарли таъсир этувчи нокулай омиллар мавжуд. Буларга дими-қиш, ҳўланиш, қишки қуроқчилик ва бошқаларни киритиш мумкин. Димиқиш бир неча ой давомида қалин қор остида қолган ўсимлик-ларда кузатилади. Бундай шароитта кўпроқ кузда экилган галлар дучор бўлади. Ўсимликларнинг бундай димиқишига сабаб, узоқ муддат қор остида ётган ўсимликларнинг оқ қолишидир. Ҳарорат 0° га яқин бўлган шароитда қор остидаги ўсимликларнинг нафас олиши анча кучли бўлади. Наттяжада органик молаша қўп сарфланади. Қор остида қоронғилик бўлгани учун фотосинтез бўлмайди. Узоқ муддатда фотосинтез ва янги органик моддаларнинг ҳосил бўлмаслиги, нафас олиш кучли бўлиб, захирадаги органик моддаларнинг тез сарфланиши натижасида ўсимликлар оқ қола-ди ва шикастланади. Кучли шикастланган ўсимликлар нобуд бўла бош-лайди. Бундай нокулай шароит кўпроқ шимолги худудларда содир бўлади. Айниқса, узоқ муддатда қор остида яшаб, оқ қолган ўсимлик-лар совуққа бўлган чидамчилигини йўқотиб, қор кетиши билан эрта баҳорги совуқлар таъсиридан тез нобуд бўлади.

Ҳўланиш кўпроқ баҳорда ёнғинарчилик кўп бўладиган худудларда ёки узоқ давом этадиган қишки илқ вақтларда кузатилади. Чунки бун-дай вақтда ёнғингарчилик ва эриган қор сувлари музлаган туپроққа сингилмасдан ўсимликларни босади. Кислород етишмасдан анаэроб муҳит

содир бўлади. Аэроб нафас олиш ўрнига биожитиш жараёнлари кучайи ва ўсимликларга зарарли таъсир этувчи спиртлар ва бошқа оралик молдалар тўпланади. Агар совуқлар қайтадан такрорланса, у ҳолда эриган сув яна музлаб, янги муз қавати ҳосил бўлади. Бундай ҳолатда муз остида қотиб қолган ўсимликларнинг нобуд бўлиши тезлашади. Бу аҳол ҳам кўпроқ киш жула қаттиқ келувчи шимолги худудларда бўлиб туради.

Қишки қуроқчилиги ўсимликларга, айниқса, мевали дарактларга кўпроқ зарар етказиши. Киш тайтларида қисқа муддатли иссиқлик ва шамол таъсирида ўсимлик танасидан сув кўп булланади. Бу вақтларда, тулроқ ҳарорати паст бўлганлиги сабабли, илғиз орқали сув қабул қилиш тўхтаган бўлади. Шунинг учун ўсимликлар танасидан булғаниш жараёнининг кучайиши сув балансининг бузилишига олиб келади. Сув балансининг бузилиши Ҳа навбагиде сув танқислигига сабаб бўлади. Сув танқислигининг узоқ давом этиши натижасида ўсимликлар зарарланади ва ҳатто нобуд бўлади.

Қишда узоқ вақт қор ва ёнғингарчилик бўлмаган районларда кузги донли экинлар ҳам қишки қуроқчилигига учрайди. Намликнинг кам бўлиши уларнинг анча сўлиб қолишига сабаб бўлади. Қуроқчилигининг эрта кузда рўй бериши кузги экинларнинг ўсиш ва ривожланишига зарарли таъсир этади. Наттяжада бу ўсимликларнинг илдиз тизими яхши ривожланмайди, мезёрида шолғана олмаган ер усти қисмида етарли даражада органик моддалар ҳам тўпланмайди. Экинларни сиқиб чиқариш ҳам қишнинг нокулай омилларидан ҳисобланади. Тулроқ ичига синган сувнинг музлаши натижасида ҳосил бўлган муз қатлами аста-секин қалинлашади ва тулроқнинг устки қатла-минини ундаги ўсимликлар билан биргаликда юқорига кўтарлади. Наттяжада айрим чукур жойлашган илғизлар узилади. Ҳаво исий бошласа муз қатлами эриб, кўтарилган тулроқ ўстирилгандан кейин илғизларнинг устки қисми очилиб қолади ва қайта совуқлар таъсирида зарарланади. Совуқ ва иссиқ-дикнинг бир неча бора такрорланиши натижасида эса илғиз узилган ўсимликлар тулроқ устида қолади ва нобуд бўлади.

Шундай қилиб, қишловчи ўсимликларнинг қишда зарарланиши ва нобуд бўлишига фақат совуқ таъсиригина эмас, балки бошқа но-кулай омиллар ҳам сабаб бўлади. Аммо совуқ, айниқса, ўта совуқ ўсимликларни кучли зарарлантириши, бошқа нокулай омиллар таъ-сирида уларнинг нобуд бўлишини тезлайтиши мумкин. Шунингдек, қишки нокулай омиллар таъсирида зарарланган ўсимликларнинг со-вуқ таъсиридан ўсиши ҳам тезлашади.

Юқоридегиларни эътиборга олган ҳолда ўсимликларни совуқ таъси-рида чиниктириш катта аҳамиятга эга.

И. И. Туманов ишлаб чиққан усулга асосан, ўсимликларни чи-никтириш икки босқичдан иборат: биринчи босқичда кузги экин-лар учун ҳарорат 0°С атрофида бўлиши ва ёруғлик билан таъминла-

ниши зарур. Харорат $0,5 + 2^{\circ}\text{C}$ бўлганда чинкиш 6-9 кунда ўта Дарахтсимонларнинг чинкиши учун эса 30 кун керак бўлади. Нол якин хароратда ўсиш тўхтади, ҳужайраларни химоя қилувчи мембраналарда айрим ёғ кислоталарнинг микдори кўпаяди ва цитоплазманинг музлаш нуктаси пасаяди. Бундай шартда фотосинтез жароёни органик мода тўplash давом этади ва қиш фасли учун зарурий озиқ моддалар тўпланади, айниқса, шакрлар кўп тўпланади. Чинкиштиришнинг иккинчи босқичида ёруғлик бўлиши шарт эмас. Бу босқичда харорат нолдан паст ва биринчи босқичнинг тўхтовисидавоми бўлиши керак. Иккинчи босқичда ҳужайралардаги эркин сув камаяди ва коллоид-боғланган сув микдори нисбатан ошади. Ҳимликларнинг ўта совуқ таъсирига чидамлилиги ортади.

Иккинчи босқичда чинкиштирилган кузги галлалар — $15-20^{\circ}\text{C}$, симон олма нави — 40°C , арча — 50°C , оқ қайин — 65°C ўта совуққа ҳам бардош бертан.

Ҳимликларнинг яташ муҳитидаги тулпроқ ҳолати, агротехник тадбирлар, озинкланиш даражаси ва бошқалар ҳам уларнинг чидамлилигига таъсир этади.

Кузда экилган галлаларнинг тўпланиш бўғинлари 1,5 см чўқурликкача жойлашганда улар чидамсиз, алар 3-4 см чўқурликка жойлашса, чидамли эканлиги аниқланган.

Ҳимликларнинг совуққа чидамлилиги макроэлементлар ва микроэлементлар ҳам таъсир этади. Рух микроэлементи ҳужайрада шаклдорнинг кўпайишига таъсир этади. Молибден оксидлар лиқларнинг совуққа чидамлилиги ортади.

9.3. ТУЛПРОҚ ШҲРЛАНИШИ ВА УНИНГ ҲСИМЛИКЛАРГА ТАЪСИРИ. ШҲРГА ЧИДАМЛИЛИК

Ҳимликларнинг ривожланишига шўрликнинг таъсири ва шўрча дамлитик муаммоларини ўрганиш катта амалий аҳамиятга эга, чунки Ер шаридаги куруқликнинг 25 фоизи ва Ҳзбекистон тулпроқларининг 70 фоизга яқини маълум микдорда шўрланган.

Шўрланган тулпроқлар икклими иссиқ ва куруқ бўлган минтақаларда кўпроқ бўлиб, натрий, калий ва магнийларнинг хлоридли, сульфатли карбонатли тузлари шаклида учрайди. Шўр тулпроқлар анионларнинг нифе, бегитга кўра хлорид-сульфатли, сульфат-хлоридли, хлоридли, сульфатли, карбонатли (содалли) бўлиши мумкин. Бундай тулпроқларда асосий катионлар натрий ва калий бўлиб, магний-карбонат ва магний-хлоридлар ҳам учраб туради. Бу тузлардан натрий-карбонат (Na_2CO_3) ва натрий-гидрокарбонат (NaHCO_3) Ҳсимликларга кўпроқ зарарли таъсир этади.

Б.П.Строганов (1958, 1962) таркибидаги тузнинг микдори асосида тулпроқларни бир неча гуруҳларга бўлади:

№	Тулпроқнинг шўрланиш даражаси	100 тулпроқ таркибидаги туз микдори, (г Ҳисобдан)
1	Чўчүк тулпроқ	0,1 дан кам
2	Жуда кам шўрланган	0,20 - 0,25
3	Оз шўрланган	0,25 - 0,50
4	Ўртача шўрланган	0,50 - 0,70
5	Кўчи шўрланган	0,71 - 2 ва ундан кўп

Тулпланган тузнинг микдори ва тарқалишига кўра, шўртоб ва шўрхок тулпроқлар бўлади.

Шўртоб тулпроқлар — туз тулпроқнинг асосан пастки қатламларида ўрланади. Уларнинг устки қатламларида жуда оз ёки бўлмағлиги мумкин. Аммо устки қатлам тузилмасиз, ёпишқоқлиги кўчи бўлганидан котиб қолган ва ёрилиб кетганини билан тавсифланади. Бу айниқса, куруқ дашт ва ярим чўлларда кўпроқ кузатилади.

Шўрхок тулпроқлар — таркибида 1-3 фоизгача туз тўпланган тулпроқлар. Бундай тулпроқларда маданий Ҳсимликлар ривожлана олмайдди.

Марказий Осиё худудларида ёғингарчилик кам ва иссиқ кучли бўлганлиги учун ҳам шўрхок тулпроқлар кўп бўлиб, уларнинг таркибида натрий хлор (NaCl), натрий сульфат (Na_2SO_4), калий тардор (CaCl_2), магний хлор (MgCl_2), натрий карбонат (Na_2CO_3) ва магний (MgSO_4) тузлари кенг тарқалган.

Тулроқнинг орткича шўрланиши Ҳсимликлар учун (айниқса, қишқ Ҳхўжалик экинлари) икки томонлама зарарли Ҳисобланади. Биринчидан, тузнинг кўпайиши тулпроқ эритмасининг осмотик босқимини оширади ва коллизларнинг сувни шимшиш тезлигига салбий таъсир этади. Осмотик босқими паст бўлган Ҳсимликлар бундай тулпроқлардан сувни ўзлаштирмайдди. Иккинчидан, тулпроқда эрувчи тузларнинг орткича тўпланиши Ҳсимликларга зарарли таъсир этади. Кўчсиз концентратсияларда салбий таъсир этмайдиган тузлар ҳам Ҳужайрада тўпланиб, концентратсияси кўри бўлгандан кейин захарли бўлади. Буларга натрий хлор (NaCl) ва натрий сульфат (Na_2SO_4) тузларини киритиш мумкин.

Табиатдаги ҳар хил Ҳсимликлар шўрликка турлича чидаш қобилиятига эга. Кўпчилик Ҳсимликлар учун шўр тулпроқлар зарарли бўлса ҳам, айрим ёввойи Ҳсимликлар бундай тулпроқларда яхшироқ ҳаёт кечиради. Асосан Ҳсимликлар икки гуруҳга ажратилади: гликофитлар ва галофитлар. Гликофитлар — шўрликка чидамсиз Ҳсимликлар. Уларга айрим ёввойи ва кўпчилик қишлоқ Ҳхўжалик экинлари кирлади. Мадааний экинларда асосан шўрликка чинамак чидамчилар бўлмайдди. Мадааний экинлар шўрликка чидамсиз бўлиб, фақат уларнинг турлари ва навлари ўрасида салбий чидамлилиги хусусиятлари мавжуд. Айрим кузатишларга қараганда,

ғүза, беда, даылаги, күнтабоқар ва тарвузлар помидор, карам, бодринг, зипир, сули, прециха на бошқаларта нисбатан шўр түтпүрөкларда (Хатто юкюри *Gaiofitmlar* — табийй шароитда шўр түтпүрөкларда (Хатто юкюри концентрацияда) яшашта мослашган ўсимликлар, Юнонча "galos" — туз, "rhuton" — ўсимлик маъносини билдиреди. Галофитлар тузларга бўлган муносабатига кўра уч гуруҳга бўлинди: эвгалофитлар, криногалофитлар ва гликогалофитлар.


Эвгалофитлар — танаасида туз тўлповчи, шўрликка энг чидамли ўсимликлар бўлиб, улар хужайра ширасида кўп миқдорда туз тўплаш қобилиятига эгадир. Уларга қора шўра (*Salicornia herbacea*), шўра (*Suaedamaritima*), олабўта (*Atriplexcanvescensfolia*) ва бошқаларни кўрсатиш мумкин. Уларнинг хужайраларида 7-10 фоизгача туз тўпланиши мумкин (Б.А.Келлер, 1940). Тўпланган туз ҳисобига хужайра ширасининг осмотик босими 100-200 атмосферегача кўтарилди. Натрижда уларнинг сўриш кўчи жуда юкюри бўлади ва шўрхоқ түтпүрөклар эритмасидан сувни бемалол шимиб олади. Бу турухга кирувчи ўсимликларнинг барини қалин, етли бўлиб, ксерофитлик белгилари кўп бўлади.

Криногалофитлар — танаасидан тузни ажратиб чиқарувчилар. Улар тузни шимиб олади, лекин тўқималар ичида тўпламайди. Органларидеги ортиқча тузни баргларида жойлашган махсус безчалар орқали ташқи муҳитга чиқарадилар. Тузларнинг чиқарилиши нон насослари ёрдамида амалга оширилади ва кўп миқдорда суя транспорти иштирок этеди. Кўп миқдорда туз тўпланган баргларнинг тўқималари билан кам тузларнинг бир қисми ажралади. Бундай қобилиятга эга бўлган ўсимликларга кермек (*Statice utmetit*), жингил (*Tamarix laxa*) ва жийда (*Elaeagnus angustifolia*) мисол бўлади.

Гликогалофитлар — уртгача ва кам шўрликка эга бўлган түтпүрөкларда яшашта мослашган. Уларнинг плазмолемма қавати тузни ўтказмайди, Натрижда ўсимлик танаасида туз тўпланмайди. Улар хужайрасида юкюри осмотик босимни фотосинтез маҳсулотлари (углеводлар) ҳисобига ҳосил қилади ва кўчи сўриш қобилиятига асосан шўр түтпүрөклар эритмасидан сувни ўзлаштиради. Гликогалофитларга шувок (*Artemisia maritima*) ва ҳар хил кохнатлар (*Cochia*) мисол бўлади.

Юкюрида кўрсатганимиздек, шўр түтпүрөклар таъсиридан маданий ўсимликлар кўлпүрөк зарарланиди. Аввало, уруғларнинг сувни шимиб олиб бўриштига, униб чиқиштига, ёш майкаларда илдиэ тизимининг ўсиштига тўқинлик қилади. Хужайраларда тузларнинг тўпланиши протоплазмани захарлаб, барча синтетик жараёнларни, фотосинтез жаддлитини ва оксидлар синтезини секинлаштиради. Оксидларнинг парчаланishiдан аммиак (NH_3) ажралиб чиқади. Натрижада тўқималарда аммиак тўтланаиб, уларни захарлайди. Шўр түтпүрөкка мослашган ўсимликларда салбий таъсир даражаси бирмунча кам бўлади.

Шўрлик таъсирда ғүза хужайралар биохоллоидларининг физик-кимевий хусусиятлари, мода алмашиниш жараёнлари ўзгариб қолмай, ўсимлик органларининг айниқса, баргларнинг морфология ва анатомик тўзилишида ҳам ўзгаришлар кўзатилади. Шўр түтпүрөкка ўстан ғүза баргининг сатҳи камайиб, мезофил қавати қалгинлашган (94-чизма).



94-чизма. Тўрқоқнинг шўрланити турувда ғүза сўра барги анатомик тўзилишининг ўзгариши.
 А—назорат; Б—сулфатлик; В—хлорофил түтпүрөкларда;
 Г—юкюриги эпидермиси; 2—барг қалинлиги; 3—барг сатҳи.

ўсимликларнинг шўрликка чидамлиги ва ҳосилдорлигини ошириш мақсадида бир қанча усуллар таъсир этилган:

— экин майдонларидаги түтпүрөкларни ювиш ва туздан тозалаш, бурнинг учун дренаж ва зовүрлардан кенг фойдаланиш, ерларнинг мелiorация ховастини яхшилаш;

— экин майдонларининг умүмдорлигини ошириш, бунинг учун асосий ўрғитлар билан бир каторда микроўрғитлардан фойдаланиш;

— ўсимликларнинг хлорли шўрликка чидамлигини ошириш мақсадида ($NaCl$) 3-6 фоизли эритмасида бир соат сақтаб, кейин уларни 1,5 соат давомида ювиш ва экиш (П.А.Тенкел ва ва бошқалар тавсия этган);

— шўрликка нисбатан чидамли навларни танлаш ва улардан фойдаланиш, уруғларни экишдан олдин маргний сульфат ($MgSO_4$) тузининг 0,2 фоизкеча-кундуз ивтитиш ва бошқалар.

— ўсимликларнинг сульфат шўрланитида чидамлигини ошириш учун ти ёки марганец сульфат ($MnSO_4$) тузининг 0,25 фоизли эритмасида бир

9.4. ҶСИМЛИКЛАРНИНГ ЗАРАРЛИ ГАЗЛАР, РАДИАЦИЯ ВА КСЕНОБИОТИКЛАР ТАЪСИРИГА ЧИДАМЛИГИ

Фан-техника ва халқ хўжалиги тараққиётининг ҳозирги даврида табиат ва жамиятнинг узаро таъсири билан боғлиқ бўлган муаммолар асосий ва мураккаб муаммолар бўлиб бормоқда. Шундан табиий муҳитнинг зарарли газлар, радиофаол ва захарли кимёвий моддалар билан ифлосланиши ва уларнинг олдини олиш муаммоларини алоҳида кўрсатиш мумкин.

9.4.1. Газлар таъсирига чидамлилик

Санаят, транспорт ва бошқа ишлаб чиқариш жараёнларининг фео-лияти натижасида атмосферага жуذا кўп чиқиндилар тарқалмоқда. На-тижада ҳавога 200 дан ортиқ ҳар хил кимёвий компонентлар қўшил-моқда. Булардан таъсирмон бирикмалар : олтингугурт (SO_2), азот оксид-лари (NO , NO_2) иси тази (CO), фторли бирикмалар ва бошқаларни кўрсатиш мумкин. Шунингдек, сульфат, азот хлорид кислоталари, фе-нол бутлари ҳам ажралиб туради.

Санаяти яхши тараққий этган мамлакатларда атмосфера ҳавоси иф-лосланишининг 52,6 фоизи транспорт фаолиятига, 18,1 фоизи иситиш тизимларига, 17,9 фоизи санаят чиқиндиларига, 1,9-9,5 фоизи чиқиндиларни қўйириш ва бошқа жараёнларга тўғри келади. Ҷсимликларга захарли таъсир этиш қобилияти асосида, бу газларни қўйидаги тартибда жойлаштириш мумкин: 1) $F_2 > Se_2 > SO_2 > NO > CO > CO_2$, ёки 2) $Se_2 > SO_2 > NH_3 > HCN > H_2S$ (И.И.Поговой 1989)лик тўқималарига киряди ва моддалар алмашинув жараёнига салбий таъсир этади. Бундай салбий таъсир кўпроқ Ҷсимликларнинг энг фаол органи бўлган баргларда кузатилади. Барг тўқималарига ўтган захарли газлар сувда эрийдил ва кис-лота ёки ишқорга айланади. Ҳосил бўлган захарли бирикмалар давтлаб хужайра девори ва мембраната таъсир этади. Мембрананинг ўтказувчан-лик ва транспорт жараёнлари зарарланади. Улар цитоплазма биолокцонид-ларининг чидамлигини пасайтиради, хлорофилл молекулаларини емиради, барг тўқималарининг рНни ўзгартиради. Натияжада хужайралардаги мода алмашинув жараёнлари бузилади, фотосинтез жашалиги пасаяди, нафас олиш суръати аввал кўтарилди ва кейинча-лик секинлашди. Ҷсимликларнинг хлоропласт мембраналари ва пиг-ментлар тизимига SO_2 ва Se_2 газлари кўпроқ салбий таъсир этади.

Захарли газлар таъсирини Ҷсимликларнинг ўсиш ва ривожланиши секинлашди, қариш жараёнлари тезлашди. Биринчи навбатда айрим барг тўқималари кучли захарланади ва нобул бўлади. Нордон газлар таъсирини кенгбартли Ҷсимликларга нисбатан яна бартлилар кўпроқ зарарланади.

Газлар таъсирини чидамли Ҷсимликларнинг оғизчалари (айниқса, SO_2 ва Se_2 газларига) жуذا сезгир бўлиб, улар оғизчаларини тез ёпиб олади

ва захарли газларнинг тўқималарига ўтишини чеклайди. Кўпчилик из-ланишларнинг кўрсатишича, шўр ва кўрғоқчиликка чидамли Ҷсимлик-лар газлар таъсирини ҳам чидамли бўлади.

Атмосферанинг нордон газлар билан ифлосланиши кўпроқ йирик шаҳарлар ва санаят марказлари худудига тўғри келади. Шунинг учун ҳам уларда кўқаламзорлар ҳосил қилиш жараёнига илмий ёндашиш, яъни газлар таъсирини чидамли Ҷсимликларни танлаш ва таъсир этиш катта аҳамиятта эга. Чунки Ҷсимликлар атмосфера ҳавосини тозалаш кўрбига эга бўлган йирик омилдир. Ҷз навбатда Ҷсимликларнинг газ-лар таъсирини чидамлигини ошириш усулларидан фойдаланиш ҳам мумкин. Буларга урўглари чиниктириш, Ҷсимликларнинг минерал озикланиш жараёнларини мўътадиллаштириш, сув билан таъминлашни тўғри йўлга қўйиш ва бошқалар киряли. Ҳатто урўглари экишдан олдин сульфат ва хлорид кислоталарининг суноқ эритмасида ивйтиш ҳам Ҷсим-ликларнинг газларга чидамлигини оширади.

9.4.2. Ҷсимликларнинг радиация таъсирини чидамлиги

Табиий муҳитнинг энг хавфли везиятларидан бири унинг радио-фаол моддалар билан захарланишидир. Шунинг учун ҳам унинг олдини олишга жуذا катта эътибор берилмоқда.

Ер шарда маълум миқдордаги радиофаоллик табиий ва сунъий ра-диофаоллик натижасида ҳосил бўлади. Радиофаол элементлар: уран - 238, уран - 235, торий - 232, калий - 40, углерод - 14 ва бошқалар планетамизда маълум миқдорда тарқалган бўлиб, вақт ўтиши билан улар доимо парчаланиб, ўзгариб туради. Уларнинг айрим емирилиш даври жуذا узоқ мушлатта тенг бўлиб, уран - 238 нинг ярим емирилиш даври 4,51 млрд.йил, уран - 235 нинг ярим емирилиш даври 713 млн.йил ва торий - 232 нинг ярим емирилиш даври 14,4 млрд.йилга тенг.

Ерда радиофаол элементларнинг парчаланishi натижасида тўп-роқ-да, сув ва ҳавода табиий радиофаоллик вужудга келади. Таркибида ка-лий, уран, торий ва бошқа радиофаол изотоплар бўлган чанг шамол билан Ер юзидан атмосферага кўтарилди ва вақт ўтиши билан ҳаво орқали катта майдонларга тарқалади.

Кейинги вақтларда сунъий радиофаолликнинг турти ядро реакция-лари ёрдамида сунъий йўл билан солир қилинган радиофаоллик кўпа-йиши асосида умумий радиофаоллик ортиб бормоқда. Муҳитнинг радиофаол ифлосланишининг асосий манбалари: радиофаол рудаларни қайта ишловчи завод ва корхоналар; ядро ёқилгисини қайта ишловчи корхоналар; атом электр станциялари; атом реакторлари ва бошқалардир. Бу манбаалардаги айрим носозликлар, авариялар ва шунингдек, атом, волеборд ва бошқа ядро куролларини портлатиш натижасида ташқи муҳит радиофаол моддалар билан ифлосланади. Бундай корхоналарнинг чи-қиндилари хисобига ҳам ифлосланиш кўпаяди.

Айниқса, ядро куролларини синаш учун портлатилганда жуда кучли радиофаол нурланиш вужудга келади. Умуман, радиофаол моддалар тирик организмларни захарлайди. Тирик организмларда радиофаол моддалар концентрацияси кўпайиб, организм учун хавфли бўлиб қолади. Айрим планктонларда радиофаоллик сувдаги радиофаолликка нисбатан 1000 мартагача кўп бўлади.

Радиациянинг биологик таъсири кўп томонлама бўлиб, молекуладардан то организм ва ҳатто популяция хусусиятга эга бўлади. Радиофаол нурларнинг таъсир механизми тирик организмга ўхшашдир. Бу нурлар тўғридан-тўғри молекулаларни емиради. Хужайраларнинг мембраналари, органеллари ва айниқса, нуклеин кислоталар, ферментлар ва мембрана липидларини кучли зарарлантиради.

9.4.3. Усимликларнинг ксенобиотиклар таъсирига чидамлиги

Усимликларни бетона бирикмалар — ксенобиотиклар таъсиридан ҳимоялаш тизими ҳам долзарб муаммо бўлиб ҳисобланади. Ксенобиотик янсонча хелос — бетона ва biotos — ҳаёт, яъни организм учун бетона марьносини билдиради. Буларга кишиларнинг ҳўжалик фаолияти туфайли вужудга келган ва организмлар учун захарли химикатлар: пестицидлар, гербицидлар, дефолиантлар, десикантлар ва бошқалар кирди.

Захарли химикатлар тутирқ, сув ва ҳавода тўпланса муҳитни ифнос-дайди, биологик тизимларни емиради. Шу билан бирга, усимликлар дунёси атмосферани тозалашда иштирок этади. Шунинг учун ҳам ксенобиотикларнинг биологик таъсири ва усимликлар танасида детоксикацияланиш механизмларини ўрганиш катта назарий ва амалий аҳамиятга эга. Айниқса, уларнинг хусусиятлари, таъсир этиш доираси ва мезбўрлари асосида метаболитик, ингибиторлик ҳамда нобуд бўлишига олиб келувчи даражаларини ўрганиш ва улардан фойдаланиш мўмкин.

ГЕРБИЦИДЛАР. Гербицидлар усимликлар ўсишини тўхтати ва бетона ўтларга қарши қурашда ишлатилади. Улар кимёвий моддаларнинг хилма-хил гуруҳларига мансуб бўлган бирикмалар ҳисобланади. Гербицидлар бир неча гуруҳларга: усимликларга ёппасига таъсир этувчилар ва танлаб таъсир этувчиларга бўлинади.

Кўпчилиги танлаб таъсир кўрсатиш хусусиятга эга бўлиб, фақат маълум оила ва турларга мансуб бўлган усимликларни ўлдирди. Гербицидларнинг таъсир этиш хусусияти уларни қўллаш усулларига ва концентрациясига ҳам боғлиқ бўлади. Масалан, битта гербициднинг ўзи кучсиз концентрацияда танлаб таъсир этса, унинг концентрацияси ортаиб бориши билан ёппасига таъсир этиши мўмкин.

Гербицидлар хужайрага — цитоплазмага кириб ёғсимон моддаларда (липидларда) эриydi ва мезбўрдаги физиологик жараёнларни бузди. Бунинг натижасида усимлик нобуд бўлади. Гербицидлардан, айниқса, 2,4-дихлорфениллоксипацетат (2,4 Д) ва 2-метил-4-хлорфеноксипацетат (2М-4Х) кенг ишлатилади. 2,4Д — $(C_6H_2Cl_2O_2)$, O_2CH_2COOH ва 2 М-4 Х

— $(C_6H_4Cl_2O_2)$, O_2CH_2COOH лар бир паллати энгир, арпа, буёдой каби усимликларга зарар етказмаган ҳолда ёввойи усимликларни нобуд қилди. Айниқса, 2,4 Д дан оз микдорини (ҳатто 1 мг дан кам) икки паллати усимлик танасига киритилса, тезда физиологик жараёнлар бузилади, усимлик ўсишдан тўхтайдди ва нобуд бўлади.

Умуман, 2,4 Д кўпчилик бир паллати усимликларга таъсир этмайди. Икки паллатиларга эса кучли таъсир этади. Бунинг асосий сабаби уларнинг кимёвий таркибининг ҳар хиллигидир. Улар модда алмашинув хусусияти билан ҳам фарқ қилади.

Маккажўхори экилган даладарда бетона ўтларга қарши симазин гербициддан фойдаланиш мўмкин. Бу препарат усимликларга асосан илҳиз орқали ўтлади, шунинг учун ҳам симазин тўпироққа солинади. Симазин хужайранинг митоз жараёнига, олдий углеводларнинг синтезига, Хилди реакциясига ва бошқаларга зарари таъсир этади. Маккажўхорининг хужайра таркибида мавжуд айрим кимёвий моддалар симазинни нейтраллаш қобилиятга эга. Шунинг учун ҳам у маккажўхорига таъсир этмайди.

Гербицидлардан гўза майдонларидати бетона ўтларга қарши қурашда ҳам фойдаланилади. Булардан энг мўмкинлари моноурон, диурон, которан ва бошқалар. Бу гербицидлар бетона ўтларнинг фотосинтез ва нафас олиш жараёнларининг ўзаришига ҳам катта таъсир этади.

Умуман, ҳозирги вақтда қилшоқ ҳўжалигида бетона ўтларга қарши қураш мақсадида фойдаланиш мўмкин бўлган 200 дан ортик гербицид аниқланган. **ДЕФОЛИАНТЛАР ВА ДЕСИКАНТЛАР.** Сунъий ингибиторлар гуруҳига усимликларнинг баргини тўқиб юборадиган дефолиантлар ва усимликларни тезда қурийтиб юборадиган десикантлар ҳам кирди.

Дефолиантлар кейинги йилларда пахтачиликда кенг қўлланилиб келмоқда, чунки ҳосилни йиғиштириб олиш жараёнини механизациялаш дефолиантларга бўлган эҳтиёжни оширади. Дефоляция гўзанинг барт бандида ажратувчи қатлам ҳосил қилади ва баргларнинг тезда тўқилишини тавминдлайди. Бундан ташқари дефоляция кўсақларнинг пишиб етилишини ва очилишини тезлаштиради.

1940 йида Ю.В. Рақитин барглар ва меваларнинг тўқилиши сабабларини тушунирувчи ауксин-этилен баланси гипотезасини яратди. Бу гипотезага кўра, агар тўқималарда этиленнинг микдори ауксинларга нисбатан кўптроқ бўлганса, синтетик жараёнлар сусайиб, гидролитик жараёнлар фаоллашади, натижада мева еки барт бандларида ажратувчи қатлам ҳосил бўлади ва улар тўқилади. Шу гипотезага асосан бирон йил билан барглар таркибидати этилен микдорини кўпайтириш еки ауксин микдорини камайитириш билан уларнинг сунъий тўқилишини тезлаштириш мўмкин.

Ҳозирги вақтда гўза баргини сунъий равишда тўқийш учун магний хлорат $Mg(ClO_4)_2 \cdot 6H_2O$ кўп ишлатилади. Бу рангсиз кристалл модда бўлиб, ута гипоскопик, сувда яхши эрийдиган бирикма. Бу бирикманинг 10-12 кг ни 100-200 литр сувда эритиб, бир гектар майдондаги гўзата пуркалса яхши натижа беради.

Кўп йиллар давомида ишлатилиб келинган гербицид — бутифос ҳозир ишлатилмайди, чунки табиатни кучли захарловчи асоратга эга.

Қанда давлати, картошка каби ўсимликларнинг ҳосилини машиналар ёрдамида йиғиб-териб олиш учун десикациядан фойдаланилади. Бунда хлорат матннинг юқориқоқ концентрацияли эритмаси ишлатилади, яъни бир тектар ерга 25-30 кг гербицид эритмаси тайёрланиб пуркалади.

Дефоляция ва десикация усулларидан тўғри фойдаланиш Натжа-сида ўсимликлардан юқори ва сифатли ҳосилни машиналар ёрдамида йиғиб олиш мумкин.

9.5. КАСАЛ ҲСИМЛИКЛАР ФИЗИОЛОГИЯСИ

9.5.1. Ҳсимликларнинг юқумли касалликларга чидамлигини

Ҳсимликлар ҳам худди ноқумлай омицлар сингари ҳосилга путур ет-казайди. Касалланиш сабабли ҳосил қамайибгина қолмасдан, балки унинг сифати ҳам ёмонлашади. Дунё миқёсида қишлоқ ҳўжалик экинларининг бир йилда касалликлар туфайли йўқотилган ҳосил миқдори 25 милдларда доллар деб баҳоланади.

Ҳсимликларнинг касалликлари икки гуруҳга бўлинади: юқумсиз (ноинфекцион) ва юқумли (инфекцион).

Юқумсиз касалликларга асосан ташқи муҳитнинг абиотик омицлари сабаб бўлади. Буларга ўсимликларнинг минерал озикланиш жараёнларининг ҳамда сув режимининг бузилиши, ўсимликларга ўта совуқ ёки иссиқ ҳароратнинг таъсири кабиларни кўрсатиш мумкин (8.1-ва 8.2- бўлимларга қаран). Шунингдек, ҳаво ва тулпроқ таркибидати захарли бирикмалар, тулпроқда тўпланиб қолган гербицидлар, ноқумлай ва кучли ёруғлик манбалари, радиацион нурлар, айрим паразит ўсим-ликлар ва замбуруғлар томонидан ажратиладиган токсинлар бундай ка-салликларни тулдиреди.

Юқумли касалликларни вируслар, бактериялар, замбуруғлар ва бошқа биотик омицлар вужудга келтиради. Ҳсимликлар ўзининг онтогенезида бундай организмлар таъсирита дучор бўлиб касалланади. Эволюция жараёнида кўпчилик ёввойи ўсимликларнинг бундай касалликларга нисбатан ҳар хил Ҳимоя механизмилари яхши ривожланган. Аммо Ҳимоя механизмилари маданий ўсимликларда жуда кам тараққий этган. Шунинг учун ҳам юқсак ўсимликларнинг патоген микроорганизмларга табиий чидамлиги механизминини аниқлаш ва улардан фойдаланиш қишлоқ ҳўжалик экинлари касалликларига қарши кўраш усулларини ўрганишда қатъ аҳамиятга эга.

Юқумли касалликларга учратган ўсимликларнинг мезерий метаболи-тик жараёнлари бузилади. Фотосинтез, нафас олиш, минерал озикла-ниш ва бошқа физиологик жараёнлар излан чиқади. Натижала ўсимлик-ларнинг айрим органлари кучли шикастланади ёки ўсимликлар мулда-тидан олдин ноубуд бўлади.

Чидамлик — ўсимлик организмнинг инфекцияга жавоб мезери-дир. Бу ўсимликларнинг касалликни юқтирмаслиги, четарлаб қўйи-ши ёки унинг ривожланишига тўққинлик қилиш қобилияти билан тавсифланади. Чунки тирик организмга тушган микроорганизм унинг қаршилигига учрайди. Шунинг учун ҳам улар касаллик тулдиритдан олдин ўзлари ноубуд бўлишлари мумкин (агар организм шу микроор-ганизм турига нисбатан чидамли бўлса). Чидамсиз ўсимликлар бундай қаршилик кўрсата олмайди. Натижала улар касалланади ва ҳатто но-убуд бўлиши ҳам мумкин. Чидамлик ностецифик ёки бир турларга хос, специфик ёки навларга хос бўлиши мумкин.

Ностецифик — турларга хос чидамлик асосида ўсимликлар жуда кўп миқдордаги сапрофит микроорганизмлар таъсиридан Ҳимоя қили-нади. Чидамликнинг бу шакли фитоммунитет дейилади (лотинча *immunitas* — озода бўлиш). Бундай чидамлик ностецифик бўлиб, фа-кат маълум турларга хос бўлади. Шунинг учун ҳам ҳар бир тур оз миқ-дордаги кўзатувчилар билан зарарланади.

Специфик — навларга хос чидамлик, ностецифик чидамликни ентиб, ўсимликларнинг касаллантириши мумкин бўлган паразитларга бўлган муносабатидир. Бу чидамлик айгинкса, маданий ўсимликлар учун муҳим аҳамиятга эга, чунки уларнинг 90 фоиздан ортиги специфик патогенлар-дан зарарланади. Одатда навлар айрим патогенларга нисбатан чидамли бўлиб, бошқа патогенлар билан зарарланиши мумкин. Бу микроорганлизмлар турига, уларнинг вирулентлик даражасига, ўсимлик навининг шу микроорганлизм таъсирита чидамлигига, иккала организмларнинг ривожланиш босқичларига, ўзаро таъсир шароити ва муддатларига боғлиқ бўлади.

Ҳсимликларнинг касалликларга чидамлик даражаси турли хил Ҳимояланиш механизмиларига асосланган. Булар асосан икки гуруҳдан иборат: конституцион ва индукцияланган.

Конституцион механизмлар — ўсимлик тўқималарида инфекция жараёнгага мавжуд бўлади: 1) ўсимлик тўқималари ўзига хос тузилмавий хусусиятларга эга бўлиб, инфекция киришита механик тўсиқни тавминглай-ди; 2) антибиотик фаолликка эга бўлган молдаҳарни ажратати (фитонцидлар, феноллар ва бошқалар); 3) паразитларнинг озикланиб, ўсиш ва ривожланиши таъминлайдиган молдаҳарнинг жуда кам ҳосил бўлиши ва бошқалар.

Чидамликнинг индукцияланган механизми — инфекция таъси-рита ўсимликнинг реакцияси билан тавсифланади: 1) ўсимликлар-нинг нафас олиши ва энергия алмашинув жараёнлари кучаяди; 2) умумий ностецифик чидамликни оширишита йўнагатирилган молда-ларнинг тулланишини таъминлайди (фитонцидлар, феноллар, хинон-лар, ҳар хил танинлар ва бошқалар); 3) қўшимча механик Ҳимоя тўсиқлари ҳосил бўлади; 4) юқори таъсирчанлик реакциялари пайдо бўлади; 5) фитогатексинлар синтезланади. Бундай чидамликка эга бўлган ўсимликлар ҳужайрасида паразитнинг ривожланиши қийинла-шади ва ҳатто ривожлана олмай ноубуд бўлиши мумкин.

Нектопроф ва биотроф паразитларга нисбатан чидамлилик механизми-лари фарқ қилиди. Нектопроф патогенлар ўзлари ажратган гидролитик ферментлари ва токсинлари билан ўсимлик ҳужайрасига таъсир этади. Улар токсинлар ёрдамида ўсимлик ҳужайрасини ўлдиради ва ҳужайрада жойлашиб олади. Кейинчалик гидролитик ферментлар ёрдамида ҳужайра таркибидати моддалар парчаланади. Нектопрофлар ажратган токсинлар — фитотоксинлар дейилади. Фитотоксинлар жуда кўп ўсимликларни зарарлаши мумкин. Биотрофлар ўсимликлар учун зарарли бўлган токсинларни ажратмайди. Улар асосан ҳужайраларро бўшлиқларга жойлашиб, ўларнинг таъсирив-сўричлари ёрдамида ҳужайрадан озика моддаларни сўриб олади. Улар маълум муддатгача ўсимлик билан бирга яшайди. Аммо замбуруғларнинг споралар ҳосил қилишидан бошлаб ўсимликлар зарарлана бошлайди.

Биотроф паразитларга чидамлилик: паразитни аниқлаш, юқори таъсир-чанлик, некроз доирасини ҳосил қилиш ва патоген ҳаёти учун зарур бўлган озика компонентларидан маурум этиш, шу доирада фитотоксинларни синтез қилиб, паразитни нобуд этиш каби механизмлар билан тавсифланади.

Нектопроф патогенларга чидамлилик механизми асосан қуйилатилар-дан иборат: паразит токсинларини нейтраллаш ёки парчалаш, махусе па-тогенларга нисбатан ўсимликлар таъсирчанлигининг пасайиши; экзо-ферментлар фаоллигини носпециффик ингибиторлар (феноллар ва бошқа-лар) ёрдамида тўхтатиш; ўсимлик ферментлари (хитиназа, глюконаза ва бошқалар) ёрдамида паразит ҳужайрасининг деворларини зарарлаш, па-разитнинг гидролитик ферментларига қарши ўсимликлар оксиг-антифери-ментларини синтез қилиш ва бошқалар.

Патогенлар (замбуруғлар, бактериялар, вируслар) ўсимлик тўқимала-рига асосан икки йўл билан кириб олади: оғизчалар, чечевикчалар ва кутиккула; ер усти ва илдизларнинг механик шикастланиши. Патогенлар биринчи навбатда ўсимликнинг устки қисмларига жойлашиб, кейинчалик ичкарига ўтishi муносабати билан қолповчи тўқималар механик тўсиқтинга бўлиб қолмай, токсик тўсиқ вазифасини ҳам бажаради. Чунки уларда ҳар хил антибиотик (фитонцидлар ва феноллар) моддалар сақланади.

Асримиэнинг 20-йилларида Б.П.Токин томонидан кашф этилган фитонцидлар — антибиотик моддалар (хинонлар, фенолни гликозидлар, спиртли гликозидлар ва бошқалар) патоген микроорганизмлар ривож-ланишини тўхтатади ёки уларни нобуд этади. Писэ, саримсоқ қабидалар-нинг ёрилиши ёки кесилиши натижасида ажратлиб чиққан учувчи фи-тонцидлар таъсиридан патогенлар зарарланади.

Инфекция таъсирини шикастланган ҳужайраларда полифенолоксида-за ферментни фаоллашди ва фенолларни юқори токсик хинонларгача пар-чалайди. Ҳосил бўлган фенол бирикмалари патогенлар ҳосил қилган эк-зоферментларни нейтраллайди (яъни фаоллигини пасайтиради).

Биотроф паразитларга чидамли нав ҳужайраларига (масалан, галла-лардаги занг замбуруғи) патоген кириши билан улар нобуд бўлади, яъни некроз ҳосил бўлади. Ўсимликларнинг бундай реакцияси юқори таъсир-

чанлик номини олди. Чидамсиз навларнинг ҳужайралари эса тирик қола-ди ва паразит ҳамма тўқималарга тарқалади. Чидамли навлар некроз ҳосил қилиш усули билан паразитнинг ривожланишига йўл қўймайди. Юқори таъсирчанлигининг асосий функцияси паразитларнинг спора ҳосил қили-шига йўл қўймайди. Чунки улар фақат тирик ҳужайра билан муноса-батда бўлгандагина спора ҳосил қилиш қобилиятига эга.

Ўсимлик танасининг некрозлар ҳосил бўлган қисмларида фитопато-генларга жавоб сифатида махусе антибиотик моддалар ҳосил бўлади ва ҳимоя функцияларини бажаради. Бу моддалар фитотоксинлар номини олди (К.Мюллер, Г.Бергер, 1940). Соғлом тўқималарда фитотоксинлар ҳосил бўлмайди. Улар антибактериал, фунгиотоксик ва антинематодлик хусусиятларига эга. Фитотоксинлар ҳар хил бўлиб (дужжакли ўсимлик-ларда — изофлавоноидлар, мураккаб туллиларда — полиацетиленлар ва бошқалар), ўлик ҳужайралар атрофида жойлашган тирик ҳужайраларга синтетизланади. Кейин паразит жойлашган некроз ҳужайраларига ўтади. Уларнинг ҳужайраларга транспорти аптопласт усули орқали солиб бўлади. Фитотоксинлар фитопатогенларнинг ўсишини барбод қилади ва улар-нинг экзоферментларини фаолсизлантиради.

Умуман, ўсимликларнинг юқумли касалликларга чидамлиги уч-турга ажратилади:

1. Морфология ва анатомик чидамлилик. Бунга ўсимлик тўқималари тузилишининг мустаҳкамлиги, қолповчи тўқима ҳужайралари деворла-рининг ва кутиккуланинг қалинлиги, тиканлар ва тўқиларнинг мавжудлиги, ҳужайраларнинг кичик бўлиши ва ҳужайраларро бўшлиқларининг камлиги ва бошқалар киреди.

2. Физиологик чидамлилик. Бундай чидамлиликни оғизчалар ҳарака-тининг ўзига хос хусусиятлари, САМ-метаболизм, ҳужайра шираси-нинг нордонлиги ва осмотик босим миқдори қабидалар таъминлайди.

3. Кимёвий чидамлилик. Тўқима ҳужайраларида ҳар хил ҳимоя мол-даларининг (ҳимоя оксидлари, углеводлар, пролин, фитонцидлар, ал-калоидлар, фенол бирикмалари, фитотоксинлар ва бошқалар) тўпла-ниши билан тавсифланади.

Ўсимликларнинг юқумли касалликларга чидамлигини ошириш мақсадида ташқи муҳит омилларини (харорат, ёруғлик, тулпроқ намлиги ва унумдорлиги) муътадил даражага йўналтириш катта аҳамиятга эга. Айниқса, ўсимликларнинг минерал озиқланишига кўпроқ эътибор беришмоқда. Кейинги йилларда фосфор, калий ва микроэлементлар таъсирини ўсимликларнинг патоген микроорганизмларга чидамлиги ошганлиги аниқланди. Озика элементларининг миқдори, нисбати ва қўллаш муддатларидан тўғри фойдаланиш метаболизм жараёнларни фаоллаштиради ва натижада ўсимликларнинг касалликка чидамлиги ҳам мустаҳкамланади.

КИСКАРТИРИЛГАН СЎЗЛАР

АБК	абсиз кислота
АГ	Голжиз аппарати
АДФ	аденозиндифосфат
АДФТ	аденозиндифосфатглюкоза
АМФ	аденозинмонофосфат
АТФ	аденозинтрифосфат
ГА	гибереллинлар
ГАЗ	гибереллин кислота
ГДП	глютаматдегидрогеназа
ГС	глютаминсинтаза
ГТС	глютаматсинтаза
ГДФ	гуанозиндифосфат
ГТФ	гуанозинтрифосфат
2,4-D-2,4	дифлорфеноксисирка
ДНК	дезоксирибонуклеин кислота
ИМК	индолилгг кислота
ИСК	индолил-3-сирка кислота
МДГ	малатдегидрогеназа
МП	мембрана потенциал
НАД	никотинамидадениндинуклеотид
НАДН	никотинамидадениндинуклеотид (қайтарилган)
НАДФ	никотинамидадениндинуклеотидфосфат
НАДФН2	дигидроникотинамидадениндинуклеотидфосфат
(НАДФН)	динуклеотидфосфат
НК	нафас олиш коэффициент
ПВК	пирозуум кислота
ПД	таъсир потенциал
ПФП	нафас олишнинг пентозафосфат йўли
ПП	пластоцианин
РДФ	рибулозо-1, 5- дифосфат
РНК	рибонуклеин кислота
рРНК	информацион РНК
рРНК	рибосомал РНК
рРНК	транспорт РНК
СоА	коэнзим А
ТПФ	тиаминпиррофосфат
УДФ	уридиндифосфат
УДФТ	уридиндифосфатглюкоза
УТФ	уридинтрифосфат
Ф (Р)	анорганик фосфат
ФАД	флавинадениндинуклеотид
ФА	фосфоглицерин аллелиди
Фл	ферродоксин
ФДА	фосфодиоксисапетон
ФТК	фосфоглицерин кислота
ФЕП	фосфоенолпирозуум кислота
ФМН	флавинмононуклеотид
ФТ	биринчи фототизим
ФТII	иккинчи фототизим
Цк	цитокнин
ЭР	эндоплазматик тўр (ретиккулум)
ЭТП	электронтранспорт занжири.

АДАБИЁТЛАР

- Белгусов М.А. Физиологические основы корневого питания хлопчатника. Т., 1975.
- Имомалиев А., Зикрийев А. Ўсимликлар биохимияси. Т.: "Ўқитувчи", 1978.
- Самиев Х.С. Водный режим и продуктивность хлопчатника. Т.: "Фан", 1979.
- Соттибоев И.К., Кўчқоров Қ. Ўсимлик хужайраси. Т.: "Ўқитувчи", 1978.
- Шайхов Э.Т., Нормухаматов Н., Шлейхер А.И., Азизов Ш.Г., Лев В.Т., Абдурашидова Л.Х. Пахтачилик. Т.: "Меҳнат", 1990.
- Гэлстон А., Девис П., Сэттер Р. Жизнь зеленого растения. М., 1983.
- Дёрфлинг К. Гормоны растений. М., "Мир", 1985.
- Кретович В.Л. Биохимия растений. М., 1986.
- Курсанов А.Л. Транспорт ассимилятов растений. М., 1976.
- Лебелев С.И. Физиология растений. М.: "Колос", 1982.
- Либерт Э. Физиология растений. М.: "Мир", 1976.
- Полевой В.В. Физиология растений. М.: "Высшая школа", 1989.
- Полевой В.В., Саламатова Т.С. Физиология роста и развития растений. Л., 1991.
- Рубин Б.А. Курс физиологии растений. М.: "Высшая школа", 1976.
- Скулачев В.П. Энергетика биологических мембран. М.: "Наука", 1989.
- Тарчевский И.А. Основы фотосинтеза. М.: "Высшая школа", 1977.
- Шевелуха В.С. Периодичность роста сельскохозяйственных растений и пути ее регуляции. М., 1980.
- Школьник М.Я. Микроэлементы в жизни растений. Л., 1974.
- Чайлахян М.Х. Регуляция цветения высших растений. М., 1988.

МУНДАРИЖА

КИРИШ 3

I БОБ. ЎСИМЛИК ХУЖАЙРАСИННИНГ ФИЗИОЛОГИЯСИ

- 1.1. Хужайравий таълимотнинг ривожланиш тарихи 7
- 1.2. Хужайра таълими ва функциялари 8
- 1.3. Хужайранинг кимевий таркиби 21
- 1.4. Усимлик хужайрасининг осмотик хусусиятлари 31

II БОБ. ВИОЭНЕРГЕТИКАНИНГ АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАРИ

- 2.1. Биологик тизимлардаги энергия манбалари 35
- 2.2. Фосфорланиш 39
- 2.3. Донор-акцептор тизими 41
- 2.4. Биомембраналарнинг ролли 42

III БОБ. ФОТОСИНТЕЗ

- 3.1. Фотосинтез ва унинг аҳамияти 45
- 3.2. Фотосинтезни ўрганиш тарихи 45
- 3.3. Барг — фотосинтетик орган 47
- 3.4. Фотосинтез реакциялари 58
- 3.4.1. Ерүлгика борадиган реакциялар 58
- 3.4.2. Фотосинтезда карбонат ангидриднинг ўлпатлирилиши 66
- 3.5. Фотосинтезнинг САМ йўли 70
- 3.6. Ерүлгика нафас олиш 70
- 3.7. Фотосинтез экологияси 72
- 3.8. Фотосинтезнинг кунлик ва мавсумий жадаллиги 77
- 3.9. Фотосинтез ва ҳосилдорлик 79

IV БОБ. ЎСИМЛИКЛАРНИНГ НАФАС ОЛИШИ

- 4.1. Усимликлар ҳаётида нафас олишнинг аҳамияти 81
- 4.2. Нафас олиш коэффициенти 82
- 4.3. Нафас олиш химизми 84
- 4.4. Нафас олишнинг ички ва ташқи шарт омилиларига боғлиқлиги 94
- 4.5. Дон, мева ва сабзавотларни сақлашда нафас олишнинг аҳамияти 97

V БОБ. ЎСИМЛИКЛАРНИНГ СУВ РЕЖИМИ

- 5.1. Усимликлар ҳаётида сувнинг аҳамияти 99
- 5.2. Сувнинг шимиллиши ва ҳаракати 100
- 5.3. Транспирация 107
- 5.4. Усимликларнинг сув мувозанати 110
- 5.5. Антотранспиратлар 111
- 5.6. Усимликларни суғоришнинг физиологик асослари 112

5.7. Усимликларнинг сува бўлган муносабатига қўла экологик турхўлари 114

VI БОБ. ЎСИМЛИКЛАРНИНГ ИЛДИЗ ОРҚАЛИ ОЗИҚЛАНИШИ

- 6.1. Усимликларнинг илдиз орқали озиқланиши ҳақидаги таълимотнинг ривожланиши 118
- 6.2. Минерал элементларнинг ўсимликлар танасидаги микдори 120
- 6.3. Минерал элементларнинг физиологик аҳамияти 121
- 6.4. Микроэлементларнинг аҳамияти 136
- 6.5. Минерал элементларнинг ютилтиш механизми 141
- 6.6. Ионлар антагонизми ва тенглаштирилган эритмалар 145
- 6.7. Усимликларнинг табиий тулроқдан озиқланиши 146
- 6.8. Усимликлар онтогенезида минерал озиқланиш 149
- 6.9. Уригташнинг физиологик асослари 149
- 6.10. Уригташ усуллари ва муддатлари 156

VII БОБ. ЎСИМЛИКЛАРДА МОЛДАЛАР ТРАНСПОРТИ

VII БОБ. ЎСИМЛИКЛАРНИНГ ҲАЙОТИ ВА РИВОЖЛАНИШИ

- 8.1. Усимликларнинг ҳаёти 161
- 8.2. Усимликларнинг ҳаётига ташқи шарт омилиларнинг таъсири 169
- 8.3. Усимлик гормонлари 173
- 8.4. Физиологик фаол сунъий молдалар 179
- 8.5. Усимликларнинг тиним ҳолатлари 180
- 8.6. Усимликларнинг ҳаракатлари 182
- 8.7. Усимликларнинг ривожланиш боқичлари 189

VIII БОБ. ЎСИМЛИКЛАРНИНГ НОҚУЛАЙ ОМИЛЛАР ТАЪСИРИГА ЧИДАМЛИГИ

- 9.1. Усимликларнинг қурғоқچиликка ва юқори ҳарорат таъсирига чидамлиги 200
- 9.1.1. Усимликларнинг қурғоқچиликка чидамлиги 200
- 9.1.2. Усимликларга юқори ҳароратнинг таъсири ва уларнинг исендикка чидамлиги 203
- 9.2. Усимликларнинг паст ҳарорат таъсирига чидамлиги 204
- 9.3. Тўлроқ шўрланиши ва унинг ўсимликларга таъсири, шўрда чидамлик 208
- 9.4. Усимликларнинг зарarli газлар, радиация ва ксеноботициклар таъсирига чидамлиги 212
- 9.4.1. Газлар таъсирига чидамлик 212
- 9.4.2. Усимликларнинг радиация таъсирига чидамлиги 213
- 9.4.3. Усимликларнинг ксеноботициклар таъсирига чидамлиги 214
- 9.5. Касал ўсимликлар физиологияси 216
- 9.5.1. Усимликларнинг юқумли касалликларга чидамлиги 216
- Кисқартirilган сузлар 220
- Адабиетлар 221

Ж.Х.ХУҶАЕВ

ЎСИМЛИКЛАР ФИЗИОЛОГИЯСИ

(Дарслик)

Тошкент — «Меһнат» — 2004

Нашр учун масъул	<i>Н.Халилов</i>
Таҳририят мудири	<i>М.Миркомиллов</i>
Муҳаррир	<i>М.Тожибоева</i>
Мусаххух	<i>К.Давесбоев</i>
Компьютерда саҳифаловчи	<i>А.Рўзиев</i>

2004 йил 27 июлда чоп этишга рухсат берилди. Бичими
60х90^{1/16} офсет қорози. Шартли босма табори 14.2.
Нашр табори 14.0. Адади 1500 нусха. Буюртма №287.
Баҳоси шартнома асосида.

«Меһнат» нашриёти, 700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30-уй
Шартнома №23-2004

Андоза нусхаси Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус
таълим вазирлиги «ЎАЖБНТ» Марказининг компьютер
бўлимида тайёрланди

Х.ф. «NISIM» босмахонасида чоп этилди.
Ш.Рашидов кўчаси, 71